

# Нидош



O'ZBEKISTON  
RESPUBLIKASI BOSH  
PROKURATURASINING  
NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqqan boshlagan

2006-yil 29-noyabr, № 48 (517)

Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги олдида

## Қадим ва навқирон

Жаҳонга хунармандлари, олимлари, атлас-у ипаги билан машҳур бўлган Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик юбилейига қизгин ҳозирлик кўриляпти. Шаҳар прокурорининг ўринбосари Ғайратжон МУҲАММАДИЕВ мухбиримизга Марғилоннинг тарихи, ҳозирги куни ҳақида сўзлаб берди.



— Шаҳримиздан 1994—1999-йиллари олиб борилган археологик излашлар мобайнида эраимиздан аввалги 1-асрга тегишли ноёб кулчилик намуналари, бошқа буюмлар топилди. Ушбу қадим топилишлар шаҳримиз ёшига аниқлик киритиш имконини берди. Машҳур билан марғибни боғлаган Буюк ипак йўлида шаҳримиз эраимиздан аввалги 1-асрнинг иккинчи ярмида вужудга келиб, ҳозирги Машад маҳалласи ўрнида қўрғон бўлган. Қизилртёпа ёдгорлик мажмуасидан қазиб олинган топилишлар шаҳарда хунармандчилик тараққий этганидан далолат беради. Ислол дини кириб келиши билан шаҳарда, шунингдек, илм-фан ривож топган. Ислол фалсафасини юксалтиришга катта ҳисса қўшган Бурхониддин Марғиноний, имом Абдуллазиз ибн Абдураззоқ Марғиноний, имом Заҳриддин, имом Маҳмуд Марғиноний каби алломалар мусулмон оламида беқийс ҳурмат-эҳтиром қозонишган. Қўли гул хунармандлар тайёрлаган атлас, ипак матолар Хитойдан тортиб Европа мамлакатларида ҳам қадрланган. Соёқ иттифоқ даврида ҳам ташқиқларга қарамай, қосиблар уйларида иш юритиб, ота-боболаридан мерос хунарларини асраб келишди. Уша даврда Марғилон бозоридан бутун водий аҳли истаган буюмини харид қила оларди. Марғилоннинг беқасам тўни-ю дўпписи, чор-сиси-ю атлас, ипақдан тикилган кийимлар-сиз тўйлар ўтмасди. Тўй бошлаган хондон албатта «Тўравал» бозорига тушар эди. Мамлакатимиз истиқлолига эришганидан сўнг саноат жадал

ривожлана бошлади. Маънавий тарихоти марказининг шаҳар бўлими очган «Марғилон-uz» сайтида қадим ва навқирон шаҳримиз ҳаёти ўз аксини топапти.

— Марғилонда аксарият хондонлар аҳли уйларида қосиблик билан машғул бўлиб, болаларига ёшлигидан касбини ўргатишади. Ҳукуматимизнинг тадбиркорлики, жумладан, қасаначиликни қўллаб-қувватлашга оид қарорлари уларга кенг имкониятларни ҳавола қилди...

— Тижорат банклари кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун салкам 3,4 миллиард сўм кредит ажратди. Шунинг ҳисобига кичик корхоналар ташкил этиляпти, ишсизлик муаммоси ҳал қилинмоқда. Шартнома асосида «Хунарманд» уюшмаси қошида 150, «Ёдгорлик» уюшмасида 50, Машиқий хизмат кўрсатиш уюшмаси ва «Янги ҳаёт» фирмасида 134 нафар хондон қасаначилик қилаяпти. Хунарманд хондонларга ажратилган 308.000.000 сўм миқдоридagi микрокредитлар иш бошлашларига, ишларини кенгайтиришга қўмақлашди.

— Бозор иқтисодиётига ўтиш, мулкни хусусийлаштириш жараёни осон кенгани йўқ. Рақобатта дош беролмаган айрим йирик корхоналар қасодга учрагани сир эмас. Сўнгги йилларда шаҳар саноати оёққа тураётгани кузатиляпти...

— Айниқса, жорий йилда ишлаб чиқариш миқдори сезиларли даражада ўсди. Яна бир муҳим жиҳати шундаки,

саноат, қурилиш, алоқа, транспорт, савдо хизматининг 100 фоизи нодавлат корхоналарига мансубдир. Давлат рўйхатидан ўтган кичик бизнес субъектларининг сони 1600 дан ошди. Маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ фалоят юритаётган 6 та корхонада 158.000.000 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Чет эл инвестицияси жалб этиляпти. Хусусан, апрел ойида «Марғилон-текстиль» ўзбек-турк қўшма корхонаси иш бошлади. Унда 200 киши ишлаяпти. Маҳсулотининг аксарият қисми экспорт қилинмоқда.

Шаҳар прокуратураси тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасидаги қонуллар ижросига алоҳида эътибор қаратаяпти. Тадбиркорларнинг фаолиятга ноқонуний аралашилар барҳам топди.

Юбилейга тайёргарлик бошланганидан бунён қурилиш-ободонлаштириш ишлари авж олди. 2-тиббийет коллежи қайта қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мустақиллик кўчаси тазмирланди. Деҳқон бозори кенгайтирилиб, қайта қурилмоқда. Шу билан бирга республика ҳукумати ажратган 250.000.000 сўм маблағга 532 та камҳарж оилага қоромол олиб берилди. Ёлғиз яшайдиган кексаларнинг уйлари тазмирланаяпти. Шаҳар «Тез тиббий ёрдам»га республика ҳукумати тўртта янги машина ажратди.

Хуллас, марғилонликлар шаҳарнинг 2000 йиллик тўйини муносиб нишонлаш иштиёқидида яшамоқда.

Исроил ИБРОХИМОВ  
сўхбатлашди

Эътироф

## ДАВЛАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОРИ

— Эшдавлат ака, қадимги замонларда ҳам давлатни бошқаришнинг муайян тартиб-қоидалари бўлганлиги маълум. Уларни конституцион қонуларга таққослаш мумкинми?

— Албатта, давлат пайдо бўлиши билан уни бошқариш учун маълум қонун-қоидалар бўлиши тақозо этилган. Лекин соҳибқирон бобомиз Амир Темургача бўлган ҳукмдорлар «Адолат кучда» деган ақидага амал қилган бўлса, Амир Темур биринчи бўлиб «Куч адолатда» деган ширorni олға сурди ва бу тамойил у тузган давлатда ахлоқий-маънавий мезонга айиланди. Бу широр 14-асрда айтилганига қарамай ҳозирги кунга қадар аҳамиятини сақлаб қолган. Соҳибқирон ҳар ҳафтада бир марта арзбети тақдим этган аризаларни шахсан кўриб чиққан, айбдорларни тафтиш натижасига кўра ҳукм қилган. У киши ўз давлатида мустақкам ҳуқуқ тизими ва қонун устувор бўлишига жуда катта аҳамият берган.

«Темур тузуқларида ҳам соҳибқироннинг жамиятта, ижтимоий-сиёсий ҳаёта қарши, давлатнинг сиёсий ва ахлоқий қоидалари ҳақида гап боради. Унда давлат тизими, турли лавозимларнинг вазифаси, турли тоифалар ва уларга муносабат, давлатни бошқаришга асос бўлган қоидалар, қўшинларнинг тузилиши, уни бошқариш, таъминлаш, рағбатлантириш каби масалалар баён этилди. Давлат ишларини ҳар доим шариат ҳукмлари асосида олиб борганлиги бир неча бор таъкидланган. «Салтанатим мартабасини, — дейди Амир Темур, — қонун-қоидалар асосида шундай сақладимки, салтанатим ишларига аралашиб, зиён етказишга ҳеч бир кимсаннинг қўрби етмасди». Бундан ташқари, асарда жамиятдаги одамларнинг ўн икки тоифага бўлиниши, салтанатни бошқаришда ўн икки қоидага амал қилинганлиги қайд этиб ўтилган. Салтанат ишларида тўрт нарсага амал қилган, яъни давлат: 1) кенгаш; 2) машварат; 3) қатъий қарор, тадбиркорлик, ҳушёрлик; 4) эҳтиёткорлик тамойиллари асосида бошқарилган. Уша давр нуқтан назаридан олганда давлатни адолатли бошқариш, кўпчиликнинг фикрини ўрганиш ва улар билан ҳисоблаш иш халқни фаровонлик ва тараққиётга етказиш, мамлакатнинг ички ва ташқи осойишталигини сақлашда гоёат муҳим аҳамият касб этади.

«Темур тузуқлари»ни инглизчадан француз тилига таржима қилиб, 1787 йили нашр эттирган француз олими Лянгле: «Темурхон сиёсий ва ҳарбий тактика ҳақида рисола ёзган ва ўз авлодларига жуда доно тизим қолдирган. Биз буни тасаввур ҳам қилмаган эдик ва унинг урушларини босқинчилик ва талон-тарож қилиш деб баҳолаб келган эдик. Деярли енгил бўлмайдиган икки тўсиқ — биздаги мутаассиблик ҳамда тарихий ноҳақлик Темурни билишимизга ва тўғри баҳолашимизга халақит бериб келди», — деб ёзган эди. (Давоми 4-бетда).

Хабар

## Машғулотлар бошланди

Маълумки, мамлакатимизда воёга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга катта эътибор билан қаралади. Айниқса вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳузурида айнан шу йўналишда иш олиб борувчи комиссияларнинг фаолияти самарали ташкил этилганини алоҳида эътироф этиш зарур. Душанба куни Республика Бosh прокуратураси қонунийлик муаммолари ва прокуратуралар ҳодимларининг малакасини ошириш маркази ташаббуси билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ҳузуридаги воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялари масъул котибларнинг ўқув машғулотлари бошланди. Машғулотларда асосан ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, давлат идоралари ва воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларнинг ҳамкорлигини самарали ташкил этиш масалалари юзасида маърузалар бўлиб ўтмоқда. Дастлаб тингловчиларга марказ директори вазифасини бажарувчи, профессор Ф.Шодмонов, Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Р.Аҳлиддинов, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирининг ўринбосари А.Жабборовлар маъруза қилдилар. Дарс мобайнида тингловчилар янги компьютер-слайд технологиялари билан ҳам таништирилди.

Кеча эса иштирокчилар Юнусободдаги воёга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатувчи янги марказда бўлдилар.

(Ўз мухбиримиз)

Муносабат

## Ўлчамасдан тўн бичмайдилар!

Йигирма йил ташқи разведкада ишлаб пенсияга чиққан бир инсонни танийман. У камгап, ўзи ҳақида гапирини ёмон кўради. Орқаваротдан эшитишимча, Яқин Шарқ бўйича яхшигина мутахассис экан. Бир куни ҳазиллашиб сўраб қолдим:

— Шунча йил дарбадар кезиб нима топдингиз, «жаноб Бонд»?

— Авзойи ўзгарган бўлса-да, у боёқлик билан жавоб берди:

— Ҳўқмат топдим. Ҳазил ўз йўлига-ю, «юрт кезган ҳўқмат топади» деган гап тўғрилигига иймон келтирганман.

— Уша ҳўқматдан бизни ҳам баҳраманд қилинг.

— Сиз журналистсиз, менинг фикрим балки

сизга асқотиб қолар. Мен англаган энг катта ҳақиқатни икки оғиз сўз билан дунёни манфаат бошқаради деб ифодалаш мумкин. Манфаат ишларини қилишда давлатларни бирлаштирувчи ва айирувчи куч. Билмадим, қиёсним балки беўхпловлар, лекин барибир айтаман. Манфаат ўндан бири сувустида турадиган, қолган тўққизи кўринмайдиган айберга ўхшайди. Бутун дунёда юз бераётган воқеалар ичидан бунга ўнлаб мисоллар келтиришимиз мумкин. Масалан, дунёга ҳўқмронлик қилиш, хом-ашё захиралари устидан назорат ўрнатиш ниятида юрган кучлар ҳам мавжуд. Улар асл мақсадларини яшириш мақсадида турли баҳоналарни рўқач қилишади.

(Давоми 9-бетда).

## ИХТИЁРИЙ АЛДАНИШ

Одам савдоси ҳақида матбуотда кўплаб мақолалар чоп этилмоқда. Пул топаман деб бировларга кул бўлган эркаклар, фоҳишага айланган аёллар ҳақида даяри ҳар кун эшитамиз. Лекин уларни ўзга юртлардан мўмай пул қидиришга ким мажбур қилмоқда? Таҳиятшолик Мардон Дурдиев, Саломат Файзуллаев ва Байрам Отаевлар (жами 11 киши) тинчгина меҳнат қилиб оила боқишадган эди. Лекин улар ширин ваъдаларга алданиб, одам савдосининг қурбонига айланмишди. Уларни ҳамшаҳри Ботир Ашуров йўлдан урди.

— Галина Сиделникова деган танишим бор. Россияда танишлари куп. Хоҳласангиз у билан таништириб қўяман. Ойига 1000-2000 «кўчи»дан топасизлар.

— Бунинг учун сенга қанча тўлашимиз керак? — сўради улар.

— 200.000 сўмдан берсангиз сизларни Галина она автобусда Москвага олиб бориб, иш ва жой билан таъминлайди. 6 ой ишласангиз янги уйли ва «Нексия»ли бўласизлар. Бунга юз фоиз кафолат бераман.

Ботир Ашуров ҳамшаҳарларидан 2.550.000 сўмини санаб олди. 900.000 сўмини ўзи олиб, қолганини Г. Сиделниковага берди. Ҳаммаси Ботир айтгандек бўлди. Айтилган куни Галина 11 нафар фуқарони автобусда Москвага олиб борди. Сўнг уларнинг ҳар бирини 130 доллардан Евгений исми москвалик кишига сотиб юборди.

Кулга айланган фуқаролар Россия пойтахтида бир неча ой ишлаб бир сўм ҳам топа олмай уйларига қайтишди. Алданганларини билгач, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилдилар. Б. Ашуров билан Г. Сиделникова қилмиш-

лари учун суд олдида жавоб беришди.

Берунийлик Рустам Отамуродов ҳам ўзи яшайдиган тумандаги одамларни алдай олмагач, «ов»ни кўшини Эллиқалъа туманидан бошлади. У Ш. Сатторов, Х. Уринов ва М. Полвоновларни Волгоград шаҳрига олиб борари ва танишининг қурилиш фирмасига ишга жойлаштиради.

Ҳамшаҳарлар маошини олгач, ўзининг режасини амалга ошириш учун: «Сизлар ишини давом этказаверинлар. Мен пулларингизни уйингиздагиларга олиб бориб бераман» деб уларнинг пулини олиб уйига жўнайди. Лекин омонатни ўз эҳтиёжи учун ишлатиб юборди. Бу ҳам етмагандек яна 6 та фуқарони Россияга олиб жўнайди. Яна уша эски «операция»сини ишга солади. Бу гал ҳам омонатга хиёнат қилади.

Россиядан қайтган одамлар уйларига келгач, Рустам Отамуродовнинг қидиришга тушишди. Кўп ўтмай фирибгар қўлга олинди. Суд унинг қилмишига муносиб баҳо берди.

**М. КУРБОНБОВЕ,**  
Тўрткўл туман прокурори

Ҳар бир жиноят, қандай кўринишга эга бўлмасин, жамият манфаатига зарар етказиши. Шу сабабли жиноятларни фош этиш ва айбдорларни жазолаш давлатнинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Ҳуқуқни муҳо-

бўлса шаънини сақлаш, обрўсини асраб қолиш терговчи ташкилнинг асосий маъмуриини ташкил этади. Жиноятчиликнинг олдини олишининг самарадорлиги кўп жиҳатдан терговчининг салоҳиятига, шунингдек, ушбу жара-

шақатли ва ижодий иш ҳисобланади. Терговчи аниқлаш зарур бўлган ҳақиқат ҳар доим ҳам яққол кўринавермайди. Шу боис терговчи илмий изланишга, терговчини эса тадқиқотчига қиёслаш мумкин. Терговчи ҳос

## ТЕРГОВ — МАСЪУЛИЯТЛИ ЖАРАЁН

фаза қилиш органларининг асосий фаолияти жиноят учун жазо муқаррарлигини таъминлаш таъмоилга асосланади.

Тергов қилиш, жиноятни фош этиш, тергов чиғирғига тушган инсоннинг агар жиноятчи бўлса айбини тўлиқ исботлаш, айбсиз

ёнинг бошқа иштирокчилари — оператив ходимлар, мутахассис ва экспертлар, шунингдек, назорат-тафтиш органлари, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигига ҳам боғлиқдир.

Жиноятларни фош этиш ма-

## ЖАРАЁН

хислатлар қаторига ташкилотчилик, қатъият, ҳолислик ва адолат, жасурлик ва ҳушёрлик, энг муҳими, қаршиисда ўзи билан тенг ҳуқуқли инсон турганини ҳис қила олишни киритиш мумкин.

Шу маънода, Тошкент шаҳар прокуратураси органларида меҳнат қилаётган терговчиларнинг маҳорати ва савиясини ошириш юзасидан 2006 йилга белгиланган дастур асосида мунтазам семинарлар ўтказиб келинапти.

Ушбу машғулотларда терговчилар томонидан эътибор қаратилиши зарур бўлган жиҳатлар, муайян йўналишларда йўл қўйилган айрим камчиликлар муҳокама этилиб, кераклик тасвирлар бериб берилмоқда. Ҳар бир машғулот мавзуси кенг камровли ва амалиётдан келиб чиқиб танланмоқда.

**Ашир КАРАКЕТОВ,**  
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлигининг ўринбосари



Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш прокуратура органлари олдида турган доғзарб вазифалар сирасига кирди. Бу йўналишда Тошкент шаҳар прокуратураси органлари томонидан ҳам бир қатор эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда.

**Сўрамо:** Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи К. Ғуломов (ўндан биринчи) бўлим ходимлари билан навбатдаги вазифалар ҳусусида фикр алмашмоқда.

## ИККИ ДЎСТНИНГ ҚИЛМИШИ

Яқинда жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судида ноконуний фаолият юритган тадбиркор Акмал Азимов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳамда Қодир Маҳмудовларнинг қилмиши қонуний баҳоланди.

А. Азимов 2003 йил май ойидан бошлаб Бухоро шаҳридаги «Гринда плюс» ҳамда 2004 йил 20 апрелдан «Saltan plus» хусусий фирмалари раҳбари вазифасида ишлаб келган. Ўз фаолияти давомида давлат манфаатига жуда кўп миқдорда зарар етказган. Чунинчи, «Гринда плюс» ва Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Бухоро филиали ўртасида 25.000.000 сўмлик қурилиш материаллари сотиб олиш тўғрисида 2004 йил 19 январда кредит шартномаси тузган. Олинган маблағни «Гринда плюс» қайтарма олмаган тақдирда кафолат қилиб ўзига тегишли, алоҳида ҳўжалик юртгучи субъект ҳисобланган «Хушвақт бегим» хусусий фирмаси раҳбарини атайин И. Тўраев деб кўрсатган. Банкдан олинган кредитни эса ўз манфаати йўлида ишлатиб юборган.

Шунингдек, «Saltan plus» фирмасига раҳбарлик қилган даврга ҳам йўл

фондида 2.974.200 сўмлик, пенсия фондида 2.081.900 сўмлик солиқ ва ажратмаларни тўлашдан бўйин товлаган.

Бундан ташқари, А. Азимов Миллий банк ва «Saltan plus» хусусий фирмаси ўртасида ишлаб чиқариш ускуналарини сотиб олиш учун 2004 йилнинг 22 июлида 10.000.000 сўмлик кредит шартномасини, маблағни қайтаролмаган тақдирда «Спецнефтегазтранс сервис» МЧЖ қайтаринчи йўли тўғрисидаги сохта кафолат шартномасини тузади. «Спецнефтегаз транс сервис» МЧЖ раҳбари ва «Са-ноатқурилишбанк»нинг Бухоро филиали бошлиғи ҳамда бош ҳисобчиси имзоларини сохталаштириб, кафилий шартномасини банкка тақдим этди.

Банк шартномани кўриб чиқиб, мол-мулкни гаровга қўйиш лозимлиги тўғрисидаги ҳулосани баён қилди. Шундан сўнг А. Азимов фуқаро Қ. Маҳмудов билан жиноий тил бириктириб, Қ. Маҳмудовга тегишли 20 К 7888 рақамли «Нексия» машинасини гаровга қўйиш шартномасини тузади. Шартномани 1-давлат нотариал идорасида тасдиқлаш учун Қ. Маҳмудов қонуний турмуш қурган бўлса-

да, сохта ариза ёзиб, турмуш ўртоғи йўқлигини кўрсатди. Бу билан улар банк ходимлари ишончсини сунистеъмола қилиб, қонунга зид иш юритди.

Шу тариқа Миллий банкнинг Бухоро филиалидан 2004 йилнинг 29 июлида 10.000.000 сўм кредит олишди. Жиноий ҳаракатларидан ҳеч ким воқиф бўлмастлиги учун мажзур маблағга хусусий фирманинг расмий ҳужжати ҳисобланган юкхатига тикув дастохлари ва газламалар сотиб олинганлиги ҳақида сохта маълумотларни киритиб, банкка топширди. Қ. Маҳмудов номига расмийлаштирилган «Нексия» эса сотиб юборди.

Суд жиноят ишига оид ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, томонларнинг кўрсатмалари, гувоҳларнинг фикрини тинглаб ҳукм чиқарди.

Судланувчи А. Азимов озоликдан маҳрум этилди. Қ. Маҳмудов эса энг кам ойлик иш ҳақининг 65 баравари миқдорда жарима солинди. «Нексия» эгасига қайтарилди.

Иш бўйича етказилган зарар суд томонидан ундирилиб берилди.

**Ҳамзабек ФОЗИЛОВ,**  
Бухоро шаҳар прокуратураси терговчиси

Уни пойтахтга етаклаган нарса бошқа тенгқурлари каби ўқиб билим олиш ёки ишлаб пул топиш ораси эмас, бор-йўғи сарқаш ҳаётга бўлган мақсадсиз интилиш эди.

Олдинлари ҳам уйдан қочиб кетиб ҳафталаб саёқ юрадиган Фурқатнинг тақдирини ота-онасини умуман қизиқтирмас эди. Табиийки, бундай муносабат ўзининг аччиқ меъасини бермай қолмайди. Усмрининг, айниқса тарбияси оғир ўсирилларнинг назоратсиз қилиши муқаррар фожиа демакдир. Буни эндигина ўн олтига тўлганида оғир жиноятлари учун суд олдида жавоб берган кўрғон-

## ЛОҚАЙЛИКНИНГ АЧЧИҚ МЕВАСИ

тепалик Фурқат Ҳолматов тақдирини мисолда кўриш мумкин.

Фурқатнинг ўн кун пойтахтда санжиб юриб содир этган жиноятларини баён қилишга қалам оғжиллик қилади.

Ҳовлига тенгдошлари билан уйнагани чиққан олти яшар қизи бир ахволда уйга кириб келган ота-онанинг ахволини ёки кўп қаватли уй лифтада беш ёшли қизига тасавузу қилган нобақордан тепки еган онанинг изтиробларини бир тасавуру қилиб кўринг. Ҳушёр одамлар, оқибатли қўшниллар қўмағида ушланиб ҳуқуқ-тартибот органларига топширилгач, тергов жараёнида Фурқат содир этган ўғирликлар ҳам маълум бўлди.

Суд жиноятчиға қилмишига яраша жазо белгилади.

Аммо эндигина ўн олтига тўлган ўспириннинг бунчалки тубанлашиб кетишига сабаб нима? Оиладаги носоглом муҳит, лоқайд ота-она бу ўсмир фожасининг сабабчисики.

Бандасига фарзанд неъматини берган худо унга масъулият ҳам юклайди: шу фарзандни одамларга яхшилик қилгучи солиқ инсон қилиб тарбиялаш ота-она бўйнидаги бур. Ана шу бурчин унутган ота-она умри давомида хатоларининг аччиқ меъаларини татиб юришига маҳжум.

**Эшмат УСМОНОВ,**  
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори

Вафоқул Нурободнинг беповён кенгликларидега ўсиб-улғайди. Шунинг учун бўлса керак, у қаерда қанақажо жонивор яшашини, қайси ўсимлик қачон қандай униб чиқишини яхши биларди. Бирок, ҳаётий тажрибалар унинг онгига сингиб борди-ю, мухитга, табиатга меҳр бўлиб сингмади. У атрофга шунчак одатдаги борлик сифатида қарарди. Шунинг учун тошбақа териб берасан, дейишганда унинг бирор туки қилт этмади. Қайтага даста-даста пулларни кўз олдида келтириб, ишга киришди.

Лекин шундук ҳам камайиб боғраётган бу жониворларнинг йўқ бўлиб кетиши, оқибатда табиат мувозанатининг бузилиши уни заррача ташвишлантормади. Мухими, пул бўлса бўлди.

Қуллардан бир кун Шуккур ака билан етаклашиб, унингга бир киши келди. Унинг исми Маҳмуд

бўлиб, асли жиззахлик экан. Зиёфат роса авжига чиққан пайти Маҳмуд у ёқ-бу ёқдан гапирган киши бўлиб Вафоқулдан:

— Бу ерларда тошбақа кўп деб эшитганман, — дея сўради.

— Ҳа, бу ерда тошбақа кўп бўлади, — деди Вафоқул ҳам меҳмоннинг асл ниятини пайкагандек бўлиб.

## Тошбақангиз неча пул?

— Ундай бўлса, ака, бир ишга келишсак.

— Ҳўш, ҳўш? — қизиқсиниб сўради Вафоқул.

Улар уйдан ташқарига чиқишгач, Маҳмуд Вафоқулни аста четга тортиди:

— Менга тошбақа териб бер-

сангиз, донасига ҳисоблаб пулини бераман.

— Сир бўлмасе тошбақани нима қиласиз? — қизиқсиниб сўради Вафоқул.

Маҳмуд унга тошбақани Тошкентга олиб бориб сотишини айтиди. Хуллас, Маҳмуд тошбақанинг ҳар донасини 50 сўмдан баҳолаб, олдиндан пулиниям бериб кетди.

Уша қундан бошлаб, Вафоқулнинг ғайратига ғайрат қўшилди. Кечгача анча тошбақанинг ини бузилиди. Лекин барибир мўлжали-дағидай тошбақа йиғолмади. Агар бу ишининг шунчалик қийинлигини билганда Маҳмуддан кўпроқ пул олиб қоларди.

Орадан бир-икки ҳафта ўтди. Бу орада Вафоқул қанча жониворнинг шўрини қуритиб уйига олиб келди-ю, лекин «ови»дан кўнгли тўлмади.

«Қирқ мингга саккиз юзта тошбақа йиғишим керак экан. Шунча кун ўлай деб йиққанам етти юзтадан сал ошибди. Маҳмуддан яна эллик минг сўрайман». Шу ҳаёлда

дашдан қийратли йиғиб келган жониворларни учта қопга жойларкан, ҳовлига Маҳмуднинг кириб келганини сезмай қолди.

Вафоқул харидорнинг олдида пешвоз чиқди. Салом-алиқдан кейин Маҳмудга муддаосини айтди. У бунга унамади. Биринчи

қилинган савдо ўз кучида қолишини, унга бошқа пул беролмаслигини тушунтирмакчи бўлди. Вафоқул эса бунга кўнмади. Шу тарзда икки ўртада анча тортишув бўлди. Тортишувга ИИБ ходимларининг ушбу ҳондондаги таширифи чек қўйди. Овчилик жамаиятига аъзо бўлмасдан, ҳеч қандай рухсатномасиз, қонунга хилоф равишда тошбақа овлаш билан шугулланган Вафоқул Мелиев ҳамда ушбу жиноятни содир этишга раҳбарлик қилган Маҳмуд Бозоровларга ЖКнинг тегишли моддаларига асосан жазо тайинланди. Улар томонидан етказилган 34.216.000 сўм зарар солидар тартибда давлат фойдасига ундирилди.

**Фарҳод АБДУХОЛИҚОВ,**  
Нуробод туман прокурори,  
**Садриддин НАБИЕВ,**  
журналист



**Qayg'rdim: Xatlar va talimatlar bilan sahifasi**

**Qayerga: Toshkent shahri, akademik Niz Jamilov k'fasi, 66. «Huquq» gazetasini shahri-biyatiga, 700047**

**«Huquq»ga javob beradilar**

**«Яна сизга мурожаат қилдим»**

«Huquq» газетасининг 2006 йил 25 октябр кунги сониди чоп этилган «Яна сизга мурожаат қилдим» сарлавҳали мақола юзасидан мавжуд ҳужжатлар Сурхондарё вилоят прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, Этамқулова Нодира Шарипов Санжардан 1.555.500 сўм моддий ва 5.000.000 сўм маънавий зарарни ундириш ҳақидаги даъво билан фуқаролик ишлари бўйича Шеробод туманлараро судига мурожаат қилган. Мақсуд иш 2006 йил 9 октябр куни судда кўрилган. Даъво тўлиқ қаноатлан-тирилиб, С.Шариповдан Н.Этамқулова фойдасига юқориди кўрсатилган миқдордаги маблағ ундирилган.

Ариза муаллифига суд қарорини олиш учун тегишли судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилди.

**Б.ЭРГАШЕВ,**  
Сурхондарё вилоят прокурори вазифасини бажарувчи

**Миннатдорчилик**

**УЛАР ҲЕЧ ҚАЧОН ЎКСИМАЙДИ**

Инсон ҳар доим тани-жони соғ, руҳи тетик, халқига, ватанига муносиб фарзанд бўлишни истади. У тақдир тақозосига кўра меҳрибонлик уйда тарбияланаётган бўлса-чи? Аввало, мактабга борганида тенгдошларини кўриб, «Менинг ҳам ота-онам бордир, ўз уйим бўлса керак» деб ўксинади. Наилж. Баъзи ота-оналарнинг айби билан айрим болалар шу кўйга тушишган.

Ҳозир Хўжайлидаги меҳрибонлик уйида 160 та бола тарбияланмоқда. Биз уларнинг нормал униб-улгайиши учун барча шароитни яратиб берганмиз. Ўтган йили сентябр ойида президентимиз Ислоҳ Каримов Қорақалпоғистонга келганда бизнинг масканга ҳам ташриф буюриб, бу ердаги шароит билан яқиндан танишди. «Отайўл» автобусини совға қилди. Тўғриси айтиш керак, республикамиздаги ҳомий ташкилотлар, саховатли инсонларнинг ёрдами билан бу ерда ажайиб маскан бунёд этилди. Айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси ходимлари бу ерга тез-тез келиб, ҳолимиздан хабар олиб турадилар. Мустақиллик байрамининг 15 йиллиги арафасида ҳам бир гуруҳ прокуратура ходимлари ҳар хил ўйинчоқлар, ўқув куроллари олиб келиб, болаларга хурсандчилик улаштиди.

Президентимиз 2006 йилни «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилган эди. Мен фурсатдан фойдаланиб, болаларга ҳомийлик қилаётган барча-барчага жамоамиз номидан миннатдорчилик билдираман. Осмонимиз мусоффо, юртимиз тинч бўлсин. Ёшлар инсоннинг қадрига етиб улгайишсин.

**С.СОҲ,**  
Хўжайли туманидаги 1-меҳрибонлик уйи директори

**Жаримани ушлаб қолишга мажбур**

Фуқаро С.Ҳосилов хорижда ишлаган иш ҳақини тўлалигича олмаганлиги ҳақида тахририятга ариза йўллаганди. Шунга кўра, тахририят аризани Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигига жўнатган эди.

Ариза бўйича олинган жавобни эълон қилишни лозим топдик. Зеро, хорижга бориб ишлашни хохлаётганлар худди шу каби муаммоларга дуч келишлари эҳтимождан холи эмас.

Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги С.Ҳосиловнинг тахририятга йўллаган аризасини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади.

Агентлик ва мақкур фуқаро ўртасида 2004 йил 26 март куни тузилган 28-шартноманинг 1-қисми 2-бандига асосан шартнома муддати 1 (бир) йил бўлиб, уни Корея кичик ва ўрта бизнес федерацияси яна 2 (икки) йилга узайтириши мумкин эди. Фуқаро 1 йил ишлаб туриб, қайтиб келиш ҳуқуқига эга бўлган. Аммо у шартноманинг 2-қисми 2-бандига асосан касб-хунар ўрганиш муддатини яна 2 (икки) йилга узайтирган. Бироқ шартномани тўлиқ бажармасдан ўз хоҳиши билан Ўзбекистонга қайтиб келган. Бу билан шартноманинг 6.2.1-бандига риоя қилмаган. Яъни, агентлиkning Жанубий Кореядаги вакилининг рўқсатини олмаган ҳолда малака оширишни муддатидан олдин тамомлаган. Шунинг учун агентлик С.Ҳосиловнинг маошидан жарима суммасини ушлаб қолишга мажбурдир.

**Рафур УСМОНОВ,**  
агентлик бошлиғи

**Моҳият**

**Ровий айтади:**

**«Расулulloҳ(с.а.в.):**

**Сизлардан қайси би-**

**рингиз биродарини**

**яхши кўрса,**

**яхши кўрганлигини**

**унга маълум**

**қилсин, дедилар».**

**Ҳадисдан**

**Ер ажратилади**

Пойарик туман прокуратураси фуқаро А.Шералиевнинг уй-жой қуриш учун ер майдони олишда ёрдам беришни сўраб ёзган аризаси юзасидан текшириш ўтазди.

Аниқланишича, ҳақиқатан ҳам А.Шералиевнинг 0,16 гектарли ер участкаси мавжуд бўлиб, бу ерда уч кўжалик, яъни ўзи оиласи билан, фарзандлари Шералиев Зафар ҳамда Шералиев Зарифлар оиласи билан яшаб келмоқда.

Аризачи А.Шералиевга ер майдони бериш тўғрисидаги ҳужжатлар маҳалла фуқаролар йиғини томонидан туман ҳокимлигига тақдим этилди. Ҳокимиятда тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилганидан сўнг яқка тартибда уй-жой қуриш учун ер майдони ажратиб берилиши мумкин.

**Х.СУБҲОНҚУЛОВ,**  
Пойарик туман прокурори

**Газетхон илҳами**

Бугун эрталабдан осмонни булут қоплаб олди. Ҳаводан ёмғир ҳади келарди. Бундай об-ҳавода сайр этишнинг ўз гашти бор. Шу сабаб кўча айланишга чиқдим. Кўп юрма-симдан ёмғир ёға бошлади. Ерга тушаётган томчилардан биринчи бўлиб ҳазонлар шитирлаб оғоҳ этди. Аста-секин бу шитирлаб кучайди.

**Кўз ёмғири**

Кўз ёмғири. Унинг ажиб хусусиятлари бор. У тупроққа қоришиб, кишини ер исидан маст қилади. Йил бўйи йиғилган губорлардан борлиқни тозалайди. Хотираларни ёдга солади. Ўзимни ёмғирга қўйиб бериб, оҳиста кета бошладим. Атрофдаги одамларни кузатаман. Кимдир ёмғир ёғишини олдиндан сезгандек ёмғирпўш тутиб олган. Устига бир томчи ҳам ёмғир тушгани йўқ. Наҳотки бу одам юз-кўзларини ёмғирга тутиб завқланишни истамаса, деб ўйлайман. Мана бу зибелисифат ўрта яшар одам эса ёмғирдан ранжигансимон бошига китобни пана қилиб кетапти. Бу ёшлар-чи? Орқа-олдиларига қарамай, пана жойларга югурапти. Боягина сокин турган табиатдаги безовталиқ одамларга ҳам кўчди. Ҳамма ўзини бир амаллаб ёмғирдан асраб қолиш пайига тушди. Мана, юриб-юриб бозор ёнидан чиқиб қолдим.

— Тарвуз қанчадан? — деб сўрайди харидор бошига салфан қалпоқ кийиб қунишиб ўтирган сотувчидан. Кейин нархи ёқмади шекилли, шартта ўртага ёмғир бечорани солди.

— Қанақа одамсиз ўзи? Сизга ҳам керакми ё мол? Қаранг, ёмғирда ивиб кетибсиз-ку! Бу туришда шамоллаб қоласиз. Олганига сотавермайсизми?

Дарҳақиқат, сотувчилар харидорлар билан унча тортишиб ўтирмай, нарсаларини сота бошлашди...

Бекатга яқинлашдим. Йўловчилар кўп, ҳамма тезроқ манзилга етиш илинжида. Битта автобус келиб тўхтади.

— Йўл ҳақи фалон сўмдан! — деди ҳайдовчи эшикни очиб унгурамасдан.

— Майли, сизлар ҳам ёмғирдан фойдаланиб қолинглар. — деди йўловчилар ва гувв этиб автобусга ўзларини уришди. Ёмғирнинг эса одамлар билан иши йўқ. Шалаббо бўлиб кетган мен билан ҳам. У ўз майлида ёғмоқда, қалбга тоза туйғулар бахш этмоқда эди.

**Раҳматулла МЕНГИРОВ,**  
ўқитувчи

**Мулоҳаза**

**ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ**

**БИРАГИ**

Ёш авлодга таълим ва тарбия бериш жамият мавжуд бўлишининг энг муҳим шартларидан ҳисобланади. Бунда таълим ва тарбия албатта мутаносиб бўлиши керак. Чунки илми, аммо тарбиясиз шахс, шунингдек тарбия кўрган, аммо чаласавод киши жамиятга лозим даражада наф келтирмайди. Илмлилик, йимон ва эътиқодлилик, бировнинг ҳақиқа ҳиёнат қилмаслик, саҳийлик, хушфэъллик, ота-она ва катталарни ҳурмат қилиш каби фазилатлар оила, ижтимоий муҳит ва ўқитувчиларнинг заҳматли меҳнати орқали шакллантирилади. Таниқли мутафаккир Абдулла Авлоний бекорга «...тарбия бизлар учун ё ҳаёт-ё мамот, ё наҳот-ё ҳалокат, ё саодат-ё фалокат масаласидир» деган хулосага келмаган. Ватанимизда таълим-тарбия ишлари устувор аҳамият берилган. Мамакатимиз конституциясининг 41-моддасига: «Бепул умумий ўрта таълим олиш давлат томонидан қаролатланади. Мактаб ишлари дарват назоратидадир», — деб мустаҳкамлаб қўйилган. Шундан кейин 1997 йил 29 августда «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Қадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди.

Айни пайтда Ўзбекистонда умумий ўрта таълим тизимининг янги шакли жорий қилинган. Мактабларга фақат етти ёшга тўлган болаларни қабул қилиш мезонидан воз кечдик. Чунки ҳар бир болада интеллектуал қобилият, руҳий ҳолат бир хил ёшда турлича бўлиши мумкин. Шу боис интеллектуал қобилиятнинг шаклланганлик даражаси болаларни мактабга қабул қилишнинг асосий мезони этиб белгилади.

«Таълим тўғрисида»ги қонуннинг 12-моддасига биноан умумий ўрта таълим бошланғич таълим (1 — 4-синфлар) ва умумий ўрта таълим (5 — 9-синфлар) боқичига бўлинади. Бошланғич таълим умумий ўрта таълим олиш учун зарур бўлган саводхонлик, билим ва қўникма асосларини шакллантиришга йўналтирилган. Мактабнинг биринчи синфига болалар олти-етти ёшдан қабул қилинади. Бошланғич таълим тўрт йилликдир. Ушбу боқичда болалар ўқиш, ёзиш, санаш, ўзини ўзи назорат қилишга, соғлом турмуш тарзига ўргатилади. Бунда улар асосий фанларнинг асослари бўйича мунтазам билим оладилар. Бу эса ўқитувчилар зиммасига катта масъулият юклайди. Фикримча, ўқитувчи ишнинг шундай ташкил этиши лозимки, ўқувчилар ёшлигиданқў ўзини мустақил шахс сифатида ҳис этсин, фанларни ўзлаштиришга, билимини оширишга жон-жаҳди билан ҳаракат қилсин, ўзини ва ўз фикрини ҳимоя қилишга одатлансин. Шунда улардан келажакда етуқ шахслар етилиш чиқади. Ҳар бир ўқувчига индивидуал ёндошиш лозим. Керак бўлса аънанавий ўқитиш услубларидан воз кечиб, жаҳон миқёсида кенг қўлланаётган янгица услубларни тағбиқ этиб қўриш зарур. Бир-икки дарсадаёқ қайси синфга қайси услуб мосроқ эканлиги аён бўлади. Айтмоқ-чиманки, ўқувчиларни қачон кўнгироқ қилиб, танлаффуус бўларкан деб эмас, балки қачон кўнгироқ қилиб, дарс бошланаркан деб кутадиган даражага еткази олган ўқитувчи энг бахтиёр ўқитувчидир.

**Нилуфар КАҲҲОРОВА,**  
Тошкент шаҳридаги 287-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

**Ҳурматли «Huquq» газетаси тахририяти!**

Биз, Тошкент молия институтининг бир гуруҳ талабалари, газетангизни мухтазам ўқиб борамиз. Талабалар орасида ижода қизиқувчилар ҳам йўқ эмас. Бир кун армон хусусида баҳслашиб қолдик. Шунда талабалар армон ҳақида ўзларининг қарашларини қозғога туширишди. Сизни ҳам қизиқтирар деган ўйда шулардан айримларини эътиборингизга ҳавола қилаёلمиз.

**Сиз нима дейсиз?**

«Менинг битта армоним бор, биродарлар. Усмрирлигим аро йўлда қолиб кетди. Қулгичлари ўйнаб турган шўх қизчага Бир сўзим бор эди, дилда қолиб кетди» — деган экан бир шоир. Армон биз ёшлар учун фақат севгида эмас. Ёшимиз улгайгани сайин армонлар ҳам каттариб боради. Армон инсон ҳаётидаги орзулардан иборатдир. Одам эсини танибдики, орзу қилади. Орзулар эса ҳаммиса ҳам ушалавермайди.

Кўпчилик тенгқўрларим армон деганда кўпроқ севганига етиша олмаслиқни тушунади. Аммо севги борасидаги ормонларимиз буюқ армонлар олдида ҳеч нарса эмас. Хотима ўрнида ҳеч кимнинг орзуси армонга айланмаслигини тилаб қоламан.

**Сўхроб УМАРОВ**

**Ўз мулоҳазам бор...**

Армон борасида шундай фикрдаман, у:

- ушаламан орзу;
- хоҳиш-истакнинг рўёбга чиқмаслиги;
- мақсадга эришолмаслиқ...

Армон бўлмаса ҳаётнинг қизғини бўлмаган бўлармиди?!

**Дилшод ЁКУБОВ**

(Давоми. Бошланishi 1-бетда).  
— *Эшдадат ака, Конституция нима? Ўзбекистон Конституциясини яратишда нималарга эътибор берилди?*

— Республикаимиз мустақилликка эришган, биз ҳам президентимиз Исло Каримов бошчилигида ўзбек халқини миллат сифатида дунёга танитадиган конституцияни ишлаб чиқишга эришдик. Жаҳон конституцияшунослигининг асосий принциплари, хусусан, халқ ҳокимиятичилиги, ҳокимиятлар тақсимланиши тамойили, конституциявий назорат ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари устулиги, ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибаси сингари тамойиллар Ўзбекистон Конституциясининг ўзагини ташкил этади.

Конституция ўз мақомига кўра олий даражадаги қонундир.

Президентимиз таъбири билан айтганда, «Конституцияни қабул қилиш — жумҳуриятимизнинг янгида туғилишидир, ҳуқуқий мустақиллигимизга мустаҳкам пойдевор қуришидир. Конституция ўзининг туб моҳияти, фалсафий ғоясига кўра янги ҳужжатдир. Унда коммунистик мафкура, синфийлик, партиавийликдан асра ҳам йўқ. Жамийи дунёвий нэматлар орасида энг улуги — инсон деган фикрни илгари сурдик ва шу асосда фуқаро — жамият — давлат ўртасидаги ўзаро муносабатнинг ҳуқуқий ечимини топишга интилдик». Конституцияимизда белгилаб қўйилган инсонпарвар, ҳуқуқий, демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш мақсадида қонун устуворлигисиз эришиб бўлмайди.

— *Конституцияимизни мукамал дег асосимиз?*

— Жаҳондаги ҳеч бир давлат ўз конституциясини, қонунларини мукамал деб даъво қила олмайдди. Жаҳонда инсон ҳуқуқларига оид 70 та мезон қабул қилинган. Бу ҳужжатларда ҳуқуқнинг ўз фуқаролари олдидagi мажбуриятлари белгилаб қўйилган. Дунёдаги кўпдан-

кўп давлатлар эркин фуқаролик жамиятига асрлар давомида тўплаган тажриба ва демократик аъёнларни ривожлантира бориб етиб келганлар. Биз бугун ана шундай давлат ва жамият қуришни оруз қиламиз ва шунга интиляямиз. 1948 йилнинг 10 декабрида БМТ Бош ассамблеяси томонидан қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умум-

дагина ўзимси сайлаган вакиллар парламентида унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритадилар ёхуд бекор қиладилар. Унга қадар мавжуд қонунларга бўйсунмоғимиз лозим. Эркин бўлишнинг энг асосий шарти ҳам шунда.

Халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидаларига, демократик ва ижтимоий адолат тамойиллари-

мажбуриятлар» деб белгилаб қўйилган.

— *Конституцияимизнинг инсонпарварлик тамойиллари нималарда деб ўйлайсиз?*

— Халқимиз таваққури ва ижоди маҳсули бўлган конституцияимиз юртбошимиз Исло Каримов таъбири билан айтганда, «Тарихда синалган умумбашарий қадриятлар-

## ДАВЛАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОРИ

жаҳон декларацияси»да белгиланган барча моддалар конституцияимизда ҳам ўз ифодасини топган. Россиялик эксперт Н.Мишиннинг фикрича, Ўзбекистон Конституциясида «...инсон ҳуқуқлари ва давлат мустақиллиги ғояларига содиқлик, ҳозирги ва келажак авлодлар олдига масъулиятни чуқур хис этиш, ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибаларига таяниш, демократия ва қонунийликка ҳурмат, умумэтироф этилган нормаларни тан олиш, инсонпарвар ҳуқуқий давлат яратиш ва ниҳоят мустаҳкам тинчлик ҳамда миллий келишувни таъминлаш каби эзгу ниятлар ўз аксини топган».

Кўриб турибсизки, конституцияимиз ҳақида чет эл экспертларининг фикрлари ижобий. Аслида қадимги юнон филозофи Эпикур таъбири билан айтганда, «Хатто энг бўлмагур қонунлар ҳам инсонлар учун зарурдир. Акс ҳолда одамлар бир-бирини гажиб ташлайди». Ўша қонунлар менга, унга, сизга эмас, барча кишилар, умуман, жамият ҳаётига мос келмай қолган тақдир-

га асосланган конституцияимизда халқимизнинг тарихий тажрибаси, тинч-тотулиги, авлодларимиз олдига масъулият, фуқароларнинг фаровон ҳаёт кечирishiлари кафолати ўз ифодасини топган.

Буни таъминлашда прокуратура органлари муҳим рол ўйнайди. Уларнинг фаолияти Ўзбекистон Конституцияси ва «Прокуратура тўғрисида»ги қонун билан тартибга солинади. Ана шу қонунларга биноан прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири — инсон ва фуқароларнинг шахсий, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини таъминловчи қонунларга бир хилда ва аниқ риоя қилиниши устидан назоратни амалга оширишдан иборат. Давлат фуқароларига ҳуқуқ ва эркинликлар берар экан, улар зиммасига маълум даражада масъулият ҳам юклайди. Конституцияимизнинг 48-моддасида «Фуқаролик конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга

ни ўзда мужассам этган ҳужжатдир. У шу заминда яшаётган ва тандошларимизнинг дунёқаролини, халқимизга хос меҳр-оқибат, одамийлик, бошқа миллат вакиллари га нисбатан ҳурмат, илм-фанга интилиш, ор-номус, ифбат ва ҳаё каби олижаноб фазилатларни ўзига асос қилиб олган. Унда фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари энг устувор йўналишлардан бири сифатида белгилаб қўйилган.

Чунки, конституцияимизда ифода этилган мулкдор бўлиш, меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, ишсизликдан ҳимояланиш, ижтимоий таъминот, билим олиш, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш каби кўплаб тамойилларнинг рўйбени аждоқларимиз асрлар давомида оруз қилишган, ҳолос. Биз эса ўз ҳаётиимизда бунинг самараларини ҳис этиб турибмиз.

— *Республикаимиз фуқаролари, айниқса, ёшлар ҳуқуқ ва бурчларини англаштирадиларми?*

— Аслида эркинлик ҳам, мустақиллик ҳам ҳуқуқни англашдан бошланади. Бунинг учун ҳуқуқий билим-

лар билан қуролланмоғимиз даркор. Бу эса харбий қуролдан-да кучли эканлигини демократия йўлидан бораётган мамлакатларнинг аксарият фуқаролари аллақачон англаб етишган. Ҳуқуқ фалсафаси тамойиллари асосида тарбияланган фарб кишиси ўзининг гурур-ифтихори, ор-номуси, шаън-шавкатини, аввало, ўз ҳақ-ҳуқуқ ва эркинлигига бўлган муносабатда кўради. Сиз унинг номини кўларга кўтариб мақтамаслигиниз, куюқ салом бермаслигиниз ёки шохона дастурхон тузаб, ҳурматингизни билдирмаслигиниз мумкин. Лекин унинг инсон сифатида ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат қилишиниз шарт. Президентимизнинг 2001 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикаси конституциясини ўрганиши ташкил этиш тўғрисида»ги фармойиши ёшларимизнинг ҳуқуқ ва бурчларини англаб етишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур фармойишга асосан мактаб, лицей ва коллежларда конституцияни ўрганиши йўлга қўйилди. Бу ишлар самарасини берадипти. Бугунги кунда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилаётган фуқароларнинг кўпайётгани улар ўз ҳуқуқларини чуқурроқ тушуниб етаётганлигининг исботидир.

Вилоят прокуратураси таркибий тармоқ раҳбарлари, терговчилар, бўлим прокурорлари, шаҳар ва туман прокурорларининг ҳуқуқ тарғиботи ва қонунларни тушунтириш борасидаги фаолиятига ҳам жиддий эътибор қаратилган. Жорий йилнинг ўн ойда улар томонидан 4474 та тарғибот тадбири ўтказилди.

Бугун биз ҳуқуқ ва эркинликларимиз кафолати бўлиши Ўзбекистон Конституциясининг 14 йиллигини нишонлавдими. Уни англашимиз, жиддий ўрганишимиз, унга амал қилишимиз, демократик давлат ва фуқаролик жамиятини инсонлар эмас, балки қонунлар бошқаришига эришимиз керак.

Сўзбатдош: Норбўта ҲОЗИЕВ

## Миллат тафраккурининг самараси

Айни кунларда республикаимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеликнинг гувоҳи ва иштирокчилари бўлиб турибмиз. Бу Ўзбекистон Конституциясининг ўн тўрт йиллиги тантаналаридир. Савол туғилиши мумкин: нима учун халқлар ўз Конституциясини қабул қилинган санани тантана билан нишонлайди? Унинг халқ, жамият, давлат, хусусан, Ўзбекистон деб аталган ижтимоий макон учун тугган аҳамияти нималарда намоён бўлади? Муайян бир фуқаро, шахс, Инсон ҳаётида унинг ўрни қандай? Бу саволларга жавоб топиш учун мустақиллигимиз тарихидаги энг муҳим давр — Конституцияимиз ишлаб чиқилган ва қабул қилинган даврни эсга олайлик.

Бизга яхши маълумки, Ўзбекистон Конституцияси дунёга келишига асосан иккита омил сабаб бўлган эди. Биринчиси, жамиятнинг бозор муносабатлари томон тугган йўли, яъни тараққиётдаги умумий қонуниятлар ва йўналишларга мувофиқ равишда Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кириб боришидир. Конституция ва қонунларни қайта кўриб чиқмасдан туриб, бозор иқтисодидаги ўтишни амалга ошириб бўлмасди.

Эътиборли жиҳати, Республикаимиз янги Конституциясини ишлаб чиқиш зарурати ғояси XII қаҳриқ Олий Кенгашининг 1990 йил мартда бўлиб ўтган биринчи сессиясидаёқ кўн тартибга олиб чиқилган эди. Олий Кенгашнинг 1990 йил июнида бўлиб ўтган иккинчи сессияда Президент Исло Каримов раислигида 64 кишидан иборат Конституция комиссияси ташкил этилди.

Конституцияимизнинг дунёга келишида унинг лойиҳаси халқимиз томонидан муҳожима этилиши муҳим босқич бўлди. Лойиҳа икки бор: 1992 йилнинг 26 сентябрида ва 21 ноябрида матбуот орқали умумхалқ муҳокамасига чиқарилди. Узоқ давом этган лойиҳа муҳокамаси халқимизнинг бу муҳим сиёсий масаласга берафқ эмаслигини исботлади.

Шу тариха бундан ўн тўрт йил олдин қабул қилинган суверен Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси мустақиллик ғояси билан сугорилди.

Конституция ўзида минг йиллик давлатчилик тарихига эга ўзбек халқининг миллий хусусиятларини чуқур акс эттирди. Бу ўзбек тили давлат тили сифатида мустаҳкамланганлигида ҳам, ҳокимият ва бошқарув органлари тузилмаларида (Олий Махлис, ҳокимлар, раислар, оқсоқоллар) ҳам, маъмурий-ҳудудий бирликларнинг номлашида (вилоятлар, туманлар, қишлоқлар, овуллар) ҳам ўз ифодасини топди.

Шу билан бирга жаҳон ҳамжамиятининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ютуқларига, демократия галабаларига таянган Конституцияимизда жинси, миллати, irqи, ёши, дини, эътиқоди ва ҳоказоларга қараб, инсон ҳуқуқла-

рини муайян даражада камситадиган бирорта ҳам модда йўқ. Ўзбек заминидида миллатидан, эътиқодидан қатъи назар қадимдан халқлар бирлашиб буюқ салтанатлар барпо этиб келган. Шу сабабли ҳам халқимиз табииатидаги диний толерантлик, миллатлараро ҳамжиҳатлик ғоялари Асосий қонунимизда муносиб ўрин тутди.

Ўтган масъулиятли йиллар мобайнида Ўзбекистонда катта ўзгартишлар содир бўлди. Ҳуқуқий давлат қуриш борасида, иқтисодиётни эркинлаштириш ва ишлохотларни ривожлантириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, маънавиятни юксалтириш масалаларида юртимизда ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Энг муҳими, фуқароларнинг эртанги кунга, келажакка ишончи мустаҳкамланди. Президент Исло Каримов таъбири билан айтганда, «...эришган ютуқларимизнинг, бугун кеңабетган тинч ва осуда ҳаётиимизнинг, эртанги кунимизга бўлган ишончимизнинг, халқаро майдонда ортиб бораётган обрў-эътиборимизнинг негизиди Конституцияимиз белгилаб, муҳрлаб берган қонуний ва ҳуқуқий асослар тургани ва уларни оғишмай ҳаётиимизга татбиқ этаётганимиз муҳимасидир».

Конституцияимизни варақлар эканми, унинг муқаддимасидан тортиб хар бир моддасигача халқимизнинг юксак таваққури самараси эканлигига ишонч ҳосил қиламиз. Бош Қомусимизнинг жаҳон андозаларига мос келиши, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси ва бошқа муҳим халқаро ҳуқуқий нормаларни ўзида мужассам этганлиги кенг жамоатчилик ва хоржий мутахассислар томонидан аллақачон эътироф этилган.

Конституцияимизнинг ижтимоий ҳаётиимизга, фуқароларнинг турмуш таризига тез сингиб кетгани, халқимиз ўз Конституцияси қабул қилинган санани тантана билан нишонлаши сабаби ҳам шунда, десак янглишмаймиз.

Худойберди НОРҚОБИЛОВ,

Республика Бош прокуратураси бошқари прокурори

Мамлакатимизда 8 декабр хар йили умумхалқ байрами сифатида нишонланишини жуда яхши биласиз. Негаки, 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинган.

Конституция инсоният тарихида, тараққиётнинг маълум босқичида эзгуликнинг ёвузлик устидан қозонган галабаси сифатида вужудга келган ҳужжатдир. У давлат ва фуқаролар манфаати учун хизмат қилади. Шундан келиб чиқиб мамлакатимиз президентининг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиши ташкил этиш тўғрисида»ги фармойиши қабул қилинди. Унга асосан конституцияимиз моҳиятини ўрганиш дастурини ишлаб чиқиш комиссияси тузилди. Эътиборли томони, конституцияни омма онгига сингдиришда бевосита қонунлар ижросини назорат қилувчи прокуратура ва оммавий ахборот воситаларининг иштироки қай даражада муҳимлиги ҳам ҳисобга олинди.

Мана, 14 йил бўлаятпми, юқорида кўрсатилган мезонлар асосида қатор ишлар қилинди. Бугунги кунда юртимизда оммавий ахборот

## ҲАМКОРЛИКНИНГ ХАЙРАИ ҚИРРАЛАРИ

воситалари кўпайибгина қолмай, жамиятни ривожлантириш ва давлат қурилишида уларнинг аҳамияти ҳам ортиб бормоқда. Айниқса, конституцияимизнинг 67-моддасига асосан цензуранинг ташкил қилиниши бунинг исботи бўлди. ОАВ хар бир киши ўз фикрини ифода эта оладиган эркин миёнбар бўлиши керак. Матбуот ва прокуратура ҳамкорлиги халқнинг қонунлар ҳамда уларнинг ижросига бўлган ишончининг янада ортишига олиб келди. «Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг 53-моддасида белги-ланган «...Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари даврий на-шрлар ҳамда махсус адабиётлар чоп этиши мумкин» деган жумлалар прокуратура тизимида ўзига хос бурилиш ясади десак муболага бўлмайди. Чунки, нафақат Бош прокуратура, балки барча вилоят прокуратура-рининг ҳам ўз ҳуқуқий нашрларига эга бўлишига, уларнинг прокуратура ва халқ ўртасида ишончли кўприк вазифасини ўташига эришилди. «Ниқид», «Дивнат», «Адолат ёлқини» каби бир қатор нашрлар яққол кўзга ташланмоқда. Хусусан, вилоят нашрларимизнинг ўз лойиҳалари билан ҳуқуқий-маърифий йўналишдаги турли грантларни кўлга қаратаётгани диққатга сазовордир.

Шундай экан, бугун биз конституцияга тимсолади битта шахсни эмас, балки бутун жамиятнинг қиёфасини, умум манфаатини кўра олишимиз керак. Вақоланки, дунёда давлат бошлиги конституцияни ўз манфаатла-рига мослаб олган мамлакатлар ҳам йўқ эмас.

Конституцияимиз кенг имкониятлар зилгини очиб билан бирга, зим-мамизга улкан масъулият ҳам юклайди. Масъулият эса ўз навбатида хар бир фуқаронинг жамиятдаги ўрнини аниқ билишига, тақдир аввало ўзига боғлиқлигини ҳис қилишига олиб келади ҳамда конституцияга ҳурмат билан қарашни тақозо этади.

Акмал АСРОПОВ,

Республика Бош прокуратураси бўлим катта прокурори



## Шошилинддаги жарима

Эрталаб ўқшга кетиётганимда доимо дарсга кеч қолмасликка ҳаракат қиламан. Аммо ҳақиқатда билиб-билмай тезликни ошириб юбораман. Шундай пайтда ДАН ходими тўхтатиб, тезликни оширилгани учун жарима солади. Бунда у қонунда белгиланган меъёрга амал қилса керак. Шу меъёр ҳақида маълумот берсангиз.

Т.ОЛЛОБЕРГАНОВ,  
талаба

Белгиланган ҳаракат тезлигини ошириб юборганлик ва бошқа шу каби ноқўра ҳаракатлар учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 128-моддаси талабига мувофиқ, энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солинади.

Агар бундай ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жаза чораси қўлланилгандан кейин бир йил давомида худди шу ҳуқуқбузарлик такрорланса, энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солиниши мумкин.

Бир йил мобайнида ушбу ҳуқуқбузарликдан учтаси содир этилса, энг кам иш ҳақининг икки бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Бир йил мобайнида мазкур ҳуқуқбузарлик тўртинчи марта ва ундан кўпроқ содир этилса энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдорда жарима солиниши ёки шахс транспортни бошқариш ҳуқуқидан олти ойга маҳрум этилиши мумкин.

## Кам бериш мумкинми?

Асосий ва ўриндошлик асосида ишлаётган одамга иш ҳақини икки жойда ишлаганлиги учун кам бериш мумкинми?

Н.АБДУЛЛАЕВА,  
Тошкент шаҳри

Меҳнат кодексининг 160-моддаси талабига мувофиқ, бир неча касбда ишлаганлик, хизмат кўрсатиш доираси кенгайганлиги, бажариладиган ишлар ҳажми ортанлиги, ўзининг асосий иши билан бир қаторда ишда вақтинча бўлмаган ходимларнинг вазифаларини бажарганлик учун, шунингдек, ўриндошлик асосида иш бажарилганда ходимнинг иш ҳақи миқдори меҳнат шартномаси тарафларининг келишувига биноан амалда бажарилган иш юзасидан белгиланади. Шунинг учун меҳнат шартномасида белгиланган ҳақдан кам тўлаш мумкин эмас.

## Нафақани ким ва қачон беради?

Мен жорий йилнинг феврал ойида маҳалла йиғини раисига бир фарзандимга икки ёшгача, иккинчисига ўн олтми ёшгача бўлган нафақани олиш мақсадида тегишли хужжатларни топширдим. Маҳалла раиси ва унинг ўринбосари нафақани март ойидан бошлаб олмасиз деган эди. Лекин орадан тўққиз ой ўтсанда, пулдан дарах йўқ. Пенсия фондига борсам молияда нафақа бўлими бор, ишигиз ўша ерда ҳал қилинади дейишди. У ерга борсам лимит кам, пул йўқ, олти ойми-бир йилми кутасиз, ўтган ойлари эса қуяди дейишди. Қолаверса, маҳалла йиғинидаги раис икки ёшгача бериладиган нафақани бир йил олмасиз холос дейишди эди. Шу тўғрисида?

Мен бу пулни қаерга учрашиб, қаердан олишим мумкин?

Умуман, мазкур нафақани олиш тўғрисида тушунча берсангиз.

Г.ТУРСУНОВА,  
Денов шаҳри

Бола икки ёшга тўлгунга қадар бериладиган нафақанинг тўланиш муддати болани парваришлайётган онанинг ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг ишлаш ва ишласлигига боғлиқ. Шу боис мазкур нафақа ишламайдиган она ёки унинг ўрнини босувчи шахс фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига мурожаат қилган ойдан бошлаб тўланади.

Бундан кейин мазкур нафақани олишга муҳтожлик сезса, уни олаётган шахс бола икки ёшга тўлгунга қадар нафақани танаффуссиз тўлаш масаласини ҳал этиш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига, тўловларнинг аввалги ўн икки ойлик муддати тугашидан бир ой олдин такроран мурожаат қилишга ҳақлидир.

Болани парвариш қилиш нафақаси кўрган, қишлоқ, овул, маҳалла фуқарolari йиғини ёки махсус ваколатли комиссия томонидан, она ёки болани парвариш қилаётган бошқа шахс йиғин раиси номига берадиган аризага асосан, оила даромадини ҳисобга олган ҳолда тайинланади. Лекин қуйидаги тоифа оилаларга нафақа оила даромадини ҳисобга олманган ҳолда сўзсиз тартибда тайинланади:

а) тўлиқ бўлмаган оилада бола(лар)ни тарбиялаётган ота ва оналарга. Бунда боланинг тўлиқ бўлмаган оилада она (ота) томонидан тарбияланган фактини, муайян ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи белгилайди;

б) ногирон болани тарбиялаётган оналарга (ёки уларнинг ўрнини босадиган шахсларга). Бунда болаларнинг қайси бири ногирон эканлигининг аҳамияти йўқ.

Ишламайдиган оналарга юқорида кўрсатилганлардан ташқари болани парвариш қилиш нафақасини тайинлаш чоғида оиланинг ҳар бир аъзосига энг кам иш ҳақининг 1,5 бараваридан кам миқдорда тўғри келадиган даромад унинг муҳтожлигини белгилайдиган мезон ҳисобланади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи айби билан ўз вақтида олинмаган болани парвариш қилиш нафақаси ўтган вақт учун ҳеч қандай чекланишсиз тўланади. Кўрсатилган ҳолларда болани парвариш қилиш нафақаси суммалари бир вақтда тўланади.

Тайинланган, бироқ ўз вақтида талаб қилинмаган нафақалар ўтган вақт учун улар тўланиши керак бўлган даврда назарда тутилган миқдорларда тўланади.

Ишлаётган оналарга (она ўрнини босувчи шахсларга) бола парваришlash учун нафақа мурожаат қилинган ойдан, бироқ ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугаган кундан олдин бўлмаган муддатдан тайинланади. Мазкур нафақа тайинланган, лекин ўз вақтида талаб қилиб олинмаган бўлса, ўтган вақт учун тўланиши лозим бўлган даврда назарда тутилган миқдорларда тўланади.

Болани парвариш қилиш бўйича нафақа, нафақа тўловчи органнинг айби билан ўз вақтида олинмаган бўлса, ўтган вақт учун ҳеч қандай муддат билан чегараланмасдан, бериўла тўланади.

16 ёшгача бўлган нафақа масаласига келадиган бўлса, Вояга етмаган болалари бўлган оилаларга нафақа тайинлаш ва тўлаш тўғрисида низомга мувофиқ, у уни олишга бўлган муҳтожликдан келиб чиқиб, ота-оналардан бирининг шахсий аризаси асосида б о йга тайинланади ва тўланади. Ушбу муддат тугагач аризачи янги муддатга нафақа тўлашни давом эттириш тўғрисида ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Нафақа ҳар ойда тўланади.

Нафақа доимий яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига ёзма равишда берилган аризага биноан тайинланади.

У: бир болани оилалар учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида; икки болани оилалар учун — 100 фоизи миқдорида; уч болани оилалар учун — 140 фоизи миқдорида; тўрт ва ундан кўп болани оилалар учун — 175 фоизи миқдорида белгиланади. Қуйидагилар нафақа олишда имтиёзга ҳуқуққа эгадирлар: ногирон чақалоқли (болали) оилалар; ота-онанинг иккаласи ҳам бўлмаган, болалар тарбияси билан эса қариндошлари шуғулланадиган оилалар;

болаларнинг ота-онасидан бири ёки иккаласи ҳам ногирон бўлган оилалар; ота-онадан бири ёки иккаласи ҳам ишсиз бўлган, меҳнат биржасида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган оилалар.

Махсус комиссия нафақа олиш учун мурожаат қилган оиланинг моддий ва мулкий аҳволини ариза берилган санадан бошлаб икки ҳафта муддатда текширади ҳамда аризани ва тақдим этилган хужжатларни ҳар томонлама кўриб чиқиш асосида нафақа тайинлаш ёки уни рад этиш ҳақида фуқаролар йиғинига ёки фуқаролар йиғини томонидан нафақа тайинлаш ва тўлаш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш учун вакил қилинган комиссияга икки ҳафта муддатда таклиф қилинади.

Оиланинг моддий ва мулкий аҳволини текшириш натижалари юзасидан текшириш далолатномаси тузилади, унда қуйидагилар мажбурий тартибда кўрсатилиши керак:

текширилаётган оиланинг таркиби; текширилаётган оила умумий даромадининг миқдори; оила аъзолари даромадлари шаклланишининг асосий манбалари; катта ёшдаги (меҳнатга лаёқатли) оила аъзоларининг иш билан таъминланганлиги тўғрисида маълумотнома.

Нафақа тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилиш чоғида аризачининг фуқаролар йиғинида иштирок этиши мажбурийдир. Аризачи узрли сабаб билан катнашмаган ҳолларда фуқаролар йиғинига оиланинг балоғат ёшига етган бошқа аъзоси қатнашиши шарт. Аризачи ёки оиланинг бошқа вакили қатнашмаган ҳолларда мазкур оиллага нафақа тайинлаш тўғрисидаги масала кўриб чиқилмайди ва у фуқароларнинг кейинги йиғилишида кўриб чиқиш учун қолдирилади. Нафақа тайинлаш рад этилса, бунинг сабаби кўрсатилган ҳолда тегишли қарор қабул қилингандан сўнг 5 кун муддатда аризачи бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилинади.

## Кўшним тинч бўлсин дейман-да

Менинг ён кўшним жуда жанжалкаш. Оиласи потинч. Эр-хотин ҳеч қаерда ишлаймайди ҳам. Шунинг учун тирикчиликни арағ ўтказиб келишади. Лекин бундан иккита боласи азият чекапти.

Болаларга ҳеч бўлмаса 16 ёшгача бўлган нафақани олиш учун ариза ёзинглар десак ҳам қулоқларига кирмайди. Бу болаларга қандай ёрдам бериш мумкин?

З.ЖАББОРОВ,  
Нарпай тумани

Ишлашдан бўйин товлаб юрган ва жамиятга хилоф равишда турмуш кечираётган ота-оналарнинг болаларига уларнинг ёзма аризасисиз ҳам фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раисининг тақдимномасига мувофиқ нафақа тайинланиши мумкин. Бундай ҳолларда нафақа натура шаклида берилиши мумкин. Бунда комиссия аъзоларидан ҳисоб берувчи шахс тайинланади. У патронаж тартибда, айтиб ўтилган оилаларнинг болаларига зарур бўлган товарларни сотиб олиб беради.

Нафақани натура шаклида бериш савдо ташкилоти ҳисобига пул ўтказиши йўли билан амалга оширилади. Бундай тарзда сотиб олинган товарлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси ва ҳисоб берувчи шахс томонидан тасдиқланган далбатнома бўйича олувчига берилади.

## Кириш тақиқланганми?

Мен 2000 йили Наманган давлат университетига ўқшга кирганим сабабли Тошкент шаҳридан рўйхатдан чиқиб, Наманган шаҳрига доимий рўйхатга кирган эдим. Бу йил ўқшни тугалаб, Тошкентга қайтдим. Лекин ўқш даврида уйланганим ва битта фарзандим борлиги учун ота-онамнинг уйига рўйхатда турмай ўзим алоҳида уй-жой сотиб олиб, шу уйга рўйхатга кирмоқчи бўлдим. Олди-солди шартномасини расмийлаштириш учун нотариусга борганимда, у Тошкент шаҳрига рўйхатга кириш учун махсус комиссиядан рухсат олмаганимизча бу ердан уй-жой сотиб ололмайсиз, шундай қарор бор деди. Бу қандай қарор? Нотариуснинг талаби тўғрисида?

К.ОТАХОНОВ,  
Тошкент шаҳри

Ҳақиқатан ҳам «Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистонда уй-жой сотиб олинишини ҳамда доимий яшаш учун Тошкент шаҳрига келишни тартибга солиш тўғрисида»ги қарор мавжуд. Унга кўра, ушбу тоифадаги шахслар, шунингдек, Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларидан келган мамлакатимиз фуқароларининг Тошкент шаҳридан уй-жой сотиб олиш ва доимий рўйхатдан ўтиш учун Тошкент шаҳар ҳокимлиги хузуридаги махсус комиссиянинг рухсатини олиш назарда тутилган. Бироқ, мазкур қарорнинг амал қилиши сиз каби илгари Тошкент шаҳрида яшаган ва ўқшни тутатиб қайтган шахсларга нисбатан таъбиқ этилмайди.

## Имтиёзли ходим

Солиқ кодексига жисмоний шахсларга даромад солиғи солишда имтиёзга эга бўлган тоифадаги шахслар рўйхати аниқ белгилаб қўйилган. Лекин яна қандайдир қонун асосида солиқ бўйича қўшимча имтиёзга эга бўлган тоифа ҳам бор экан. Буларга кимлар кириши тўғрисида маълумот берсангиз.

М.ОМОНОВ,  
Чирчиқ шаҳри

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги қарори билан шахс имтиёзли шартларда пенсияга чиқадиган ишлаб чиқариш соҳаси, муассаса, илп, касб ва лавозимлар рўйхати тасдиқланган. Улардан 1-рўйхатнинг 3-қисмида (учувчи ва учувчи-синновчилар таркибидagi ишчилар) ва 2-рўйхатнинг 1-қисмида кўрсатилган ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шартонтида (тўлиқ иш кунли давомида) ишлаётган аёлларгагина қўшимча имтиёз белгиланган бўлиб, уларнинг даромадлари 20 фоиздан юқори бўлмаган ставка асосида солиқ солинади.

# Қишлоқ хўжалиги: ютуқ ва муаммолар

Воҳамиз деҳқонлиги об-ҳаво инжиқликдари ва сув танқислигига қарамай бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштириб, шартнома режасини республикамизда биринчи қаторида ортиги билан удаладилар. Бунда вилоят прокуратураси органлари ходимларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Қашқадарь вилоят прокуратурасининг қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва хўжалик юритувчи субъектларни ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи вазиғасини бажарувчи Нурмурод ҚУТФИДДИНОВ билан суҳбатимиз мавзуси шу ҳақда бўлди.

— Нурмурод Қутфиддинович, кейинги икки-уч йил ичида қишлоқ хўжалиги соҳасида Қашқадарь вилоятида эришилаётган ютуқларнинг боиси нимада деб ўйлайсиз?

— Қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислохотлар самараси ўлароқ, ер ҳақиқий эгалари — фермерларга берилиши соҳадаги муваффақиятларнинг асосий омили бўлди. Вилоят пахтакорлари 426 минг тонналик маррани забт этиб, йиллик «оқ олтин» тайёрлаш шартномавий режаларини удаладилар. Вилоятдаги пахтачилик билан шуғулланувчи 15888 та фермер хўжалигининг аксарияти шартнома мажбуриятини адо этди. Умуман, бу улкан галаба деҳқон тафаккури ўзгараётганлиги, хўжалик юритушининг самарали усуллари изчил жорий этилаётганлиги, ҳамма жойда одамлар янгича фикрлашга интилаётганлигининг самарасидир. Ҳозир деҳқон ҳам, фермер ҳам юқоридан буйруқ кутиб ўтирмайди. Ишини билиб қилаверади. Ери аниқ, экадиган экинни аниқ. Айниқса, ҳисоб-китоб, иқтисодий соҳада деҳқоннинг кўзи очилди. Бугун тежалган маблағ эртага соф фойда бўлиб қайтишини фермер яхши билади.

Айтиш мумкинки, мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ривожлана бошлаган фермерлик ҳаракати ўзининг кўпгина афзалликларини кўрсатди. Ҳозир вилоятимизда 26584 та фермер хўжалиги фаолият юртяяпти ва вилоят бўйича етиштирилаётган ялли қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 90 фоиздан ортиғи ултар ҳиссасига тўри келади. Вилоятимизда ернинг ҳақиқий соҳиблари, чинакам фермерлар етишиб чиққанлиги қувонарли ҳолдир. Бизда ўнлаб илгор фермерлар борки, уларнинг номи бутун мамлакатда маълум ва машҳур. Масалан, Нишон ту-

манидаги 2000 йилда фаолият бошлаган Тўра Раҳмонов бошлиқ «Хўжаёра ота» фермер хўжалиги аъзолари жорий йилда 92 гектар ерда деҳқончилик қилиб, давлатга режадаги 230 тонна ўрнига 400 тонна сифатли пахта топширди. Пахтачилик илмини пухта эгаллаган Тўра Раҳмонов 2002 йилда Президентимиз Фармони билан

## мададкор бўлиб...

«Меҳнат шўхрати» ордени билан тақдирланди.

Миришкор туманидаги Файзулла Лутфиев бошлиқ «Камалак» фермер хўжалиги аъзолари 65 гектар ерда пахта етиштириб, режадаги 150 тонна ўрнига 300 тонна қимматбахо хомашё тайёрладилар.

— 2006 йил ҳосилини етиштириш ва нобуд қилмасдан йиғиб олишда вилоят прокуратураси органларининг ҳиссаси қандай бўлди?

— Биз прокуратура ходимлари ҳам ўзимизни ҳосил тақдирига масъул деб биламиз. Бу гап бир қарашда баландпарвоз туюлсада, аслида оддий ҳақиқатдир. Чунки ўзбекистонда яшаб туриб, унинг асосий миллий бойлиғи бўлган «оқ олтин» тақдирига бефарқликдан оғирроқ жиноят йўқ, десам муболага бўлмас. Бободөқон саратоннинг саригида чанг ютиб, қаҳратоннинг совуғида муз қотиб, хар туп гўза бошида парвона бўлиб мўл ҳосил етиштирилади. Бу меҳнатни у фақат ўзи учун қилгани йўқ. У эл-юрт, бутун халқ ризик-рўзини яратмоқдаки, бу ҳосилни йиғиштириб олишда, асраб-авайлаб сақлашда деҳқоннинг ёнига кирмаслик юртга, одам-

лар тақдирига бефарқликдан бошқа нарса эмас.

Қолаверса, Президентимизнинг қишлоқ хўжалигига оид Фармонлари ва

республика ҳукуматининг бу борадаги қарорлари, давлатимизнинг мавжуд қонунлари ижросини таъминлаш прокуратура органларининг зиммасига катта масъулият юклайди.

Йиғим-теримни ушқоқлик билан ўтказиб, етиштирилган ҳосилни нес-нобуд қилмай йиғиштириб олишда салбий ҳолатларнинг ол-



## Деҳқонга бўлиб...

текширишлар яқунларига кўра, айрим фермер хўжаликлари томонидан мажбуриятларни бажармаслик, ердан шартномада кўрсатилмаган мақсадларда фойдаланиш ҳолатлари кузатилди. Уларни бартараф этиш юзасидан 30 та тақдимнома киритилди ва 15 та фермер хўжалигининг фаолияти суд қарори билан тўхтатилиб, уларнинг ихтиёридаги ер давлат эгаллигига қайтарилди. Ерга бундай муносабат туман ҳокимликларидаги мутасаддиларни ва деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси туман вакилликдаги мансабдор шахсларни ҳам ташвишлантормас. Шунинг учун 810 нафар мансабдор қонун талабларини бузмаслик тўғрисида оғоҳлантирилди, жиддий қонунбузарликлар юзасидан 16 та жиноят иши кўзга тилиди. 744 миллион сўмлик зарар ихтиёрий равишда тўланишига эришилган. 1 миллиард 217 миллион сўмлик даъво аризаси киритилди.

— Мустақиллик берган имкониятлар ҳақида фикрингиз қандай?

— Барча соҳалар қатори қурилиш ва бунёдкорлик соҳасида ҳам мустақиллик улкан имкониятлар йўлини очиб берди. Биргина вило-

ятимиз маркази — Қарши шаҳрининг қиёғаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Бири-бирини тақрорламайдиган, ўзида замонавий меъмориликнинг энг сўнгги ютуқларини мужассам этган, бири-биридан кўракам мухташам бино ва иншоотларга боқиб, кенг ва раван йўллар ҳамда кўприкларни кузатиб, хайратга тушасан киши. Маҳит ва мадрасалар, сарой ва равоқларнинг мухташам қилиб таъмирланганини айтмайсизми.

Ҳеч шубҳасиз айтиш мумкинки, яқинда ўзининг 2700 йиллик юбилейини нишонлаган Қарши шаҳри республикамиздаги энг кўракам шаҳарлардан бири бўлиб қолди. Унга хос меъморий ечимни, чиройи, жозибаси билан шаҳарсозлик санъатининг дурдонасига айланди. Бу истиқлол берган имконият, иқтисодийимизнинг бош тармоғи — аграр соҳада эришилаётган ютуқларимизнинг хайрли натижасидир. Бу йил биргина пахтачиликнинг ўзидан 70 миллиард сўмдан зиёд соф фойда олиниши мўлжалланаётган экан, ҳалол меҳнат билан топилган бу даромад, шубҳасиз, шаҳар ва қишлоқларимизнинг ободончилиги, халқ фаровонлиғи йўлида ишлатилади.

Суҳбатдош: Ф.НОРБҲАЕВ

## ФИРРОМЛИК

Қишлоқ хўжалигида кечаётган ислохотлар жараёнида ер асид эгаларига топширилаяпти. Фермерлар тасарруфидидаги ернинг унумдорлигини ошириб, кўпроқ даромад олишини етказишапти. Шартномага қатъий амал қилиб, режадаги бугдой ва пахтани давлатга тўқис қўлиб беришмоқда. Бироқ иш жараёнида фирромлик қилаётган «деҳқонлар» ҳам учрайпти. Хусусан, «Азизжон Муҳаммадқонов» фермер хўжалигининг раҳбари Бувиҳамадон Ҳайдарова бўлиб, аслида ишни унинг турмуш ўртоғи — «Фарғонасувназорати» бошқармаси Бағдод туман бўлими электр станциясининг насосчиси Муҳаммаддон Ҳайдаров бошқарган. 2006 йили у шартномага мувофиқ 18,1 гектар ерга чигит, 28,8 гектарига галла экиб парвартишларини зиммасига олган эди. Бироқ шартномага хилоф равишда бугдой учун ажратилган ернинг 5,3 гектари, пахта учун ажратилган ернинг 7,6 гектарига шоли экиди. Шартномадаги экинларни етиштириш учун ажратилган уруеллик, минерал ўғит, ёнигининг аксар қисминини шоли парвартишига сарфлади. Оқибатда шартномадаги 54,9 ўрнига 10,2 тонна галла етказиб берди, холос. М.Ҳайдаровнинг изоҳ беришича, хўжаликка ажратилган ерларни шўр бостан, қишда сув танқис бўлиб, шўр чала ювилган, натижада бугдой уруги ва чигит тўлиқ униб чиқмаган эрларга туман қишлоқ хўжалиги бошқармаси мутахассисларининг розилигини олиб, шоли эккан. Ҳолбуки, қишда ернинг шўрини ювиш учун ҳеч қандай монелик йўқ эди. Қолаверса, М.Ҳайдаров қишлоқ хўжалиги бошқармасига бугдой ва чигит тўлиқ униб чиқмаган ерга бошқа экин экиш хусусида ёзма мурожаат қилмаган. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, фермер бугдой ва пахта учун ҳисоб-рақамни келиб тушадиган маблағдан кўра бозорда гуруч сотиб, нақд пул ишлаб олишни афзал кўрган.

«Муқаддас олимлар» фермер хўжалиги раҳбари Сотволди Мухторов ҳам шартномага хилоф равишда 20,7 гектар ерда шоли етиштириб, давлатга бугдой ва пахта етказиб бериш мажбуриятини бажармади.

Уларга нисбатан кўзга тилинган жиноят иши судда кўриб чиқилиб, етказилган зарар қопланди. Туман ҳокимлигига киритилган тақдимномага мувофиқ фирромлик қилган бир нечта фермер хўжаликлари ерни узоқ муддатга ижарага бериш тўғрисидаги шартномалар бекор қилинди. Бу бошқа фермерларга сабоқ бўлиши керак.

М.ФӨЗИЛОВ,  
Бағдод туман прокурори

Яқунланаётган 2006 йил қорақалпоғистонлик деҳқонлар учун жуда қулай келди. Пахтакорлар давлатга 185.000 тонна пахта сотиб режани 104,72 фоизга бажардилар.

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси ўзбекистон президентининг 2006 йил 14 августдаги «2006 йил пахта хомашёсини ўз вақтида ва сифатли йиғиштириб олишга доир ташкилий чора-тадбир-

## Йил сарҳисоби

лар тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан бир қанча ишларни амалга оширди. Йил бошидан пахтачиликка ихтисослаштирилган корхоналарга давлат томонидан 22.893.400.000 сўмлик имтиёзли кредит, 13.000.865.300 сўмлик минерал ўғит, 22.500 тоннадан ошмиқ ёнилғи ажратилди. Ишлар тўғри ташкил этилгани боис республика бўйича 11 та туман давлатга пахта топшириш режасини ортиғи билан бажарди.

Бундан ташқари, республика бўйича пахта топшириш режасини бажармаган 73 та фермер хўжалиги тугатилиб, 5005,5 гектар ерни ижарага олиш шартномаси прокурор тақдимномаси асосида туман ҳокимларининг қарори билан бекор қилинди. Жиддий қонунбузилишлар юзасидан 28 та жиноят иши кўзга тилиди. Дастлабки тергов давомида 23.000.000 сўмликдан ортиқ зарар ихтиёрий равишда тўланди.

Жумладан, Беруний туманидаги «Рейимбаев Йўлдош» фермер хўжалиги 25 гектар ерга гигит экиб, 50 тонна пахта топшириш тўғрисида Беруний пахта тозалаш заводи билан шартнома тузган ва давлат томонидан 1.428.400 сўмлик имтиёзли кредит билан таъминланган. Аммо Б.Ҳалимбетов шу йилнинг 14 июнидан фермер хўжалиги раҳбари этиб тайинлангандан кейин ўзбошимчилик билан 18,1 гектар пахтазорни


бузиб, хўжаликнинг 25,1 гектар ерига шоли экиб, давлатга 1.441.500 сўмлик зарар етказган. Ушбу ҳолат бўйича жиноят иши кўзга тилиб, тергов давомида етказилган зарар қопланди. Бугунги кунда тергов давоми этапти.

Республика прокуратураси органлари ўтказган текширишларда аниқланган қонунбузилишлар юзасидан 17 киши интизомий, 12 нафари эса мазмурий жавобгарликка тортилди. Бундан ташқари, прокуратура ва адлия органлари ҳамкорликда 574 та фермер хўжалигидан 1.445.600.000 сўмини ундириш ва 31 та фермер хўжалигининг 2053 гектар ерни ижарага олиш шартномасини бекор қилиш юзасидан хўжалик судига даъво аризаси киритилиб, тўлиқ қаноатлантирилди.

М.ЖУМАМУРАТОВ,  
Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси бўлим катта прокурори



Ўзбекистон ҳукуматининг 2004 йил 24 мартда қабул қилинган «Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори фуқароларнинг ҳуқуқлари, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган муҳим ҳужжатдир. Шу боис у бевосита Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини



## ҚОНУН БУЗИЛСА МАНФААТГА ПУТУР ЕТАДИ

Таҳлилларнинг кўрсатишича, мазкур қарор ижроси учун масъул бўлган ваколатли органлар бу йўналишда муайян ишларни қилишган. Жорий йилнинг биринчи ярмида ҳуқуқбузарлардан 646 ҳолатда 5,8 млрд. сўмлик мол-мулк олиниб, 398 та жиноят иши қўзғатилган, маъмурий ишлар эса 230 ташиқил этган.

Аммо баъзи ҳолларда ваколатли органлар, экспертиза муассасалари ва савдо ташкилотлари томонидан қонун талаблари жиддий бузилганини ҳам таъкидлашга тўғри келади. Низомнинг ижроси бўйича масъул бўлган органлар олиб қўйилган мол-мулкни суд ҳукми, ажрими ва қарорларида давлат даромадига ўтказиш ёки йўқ қилиб ташлаш масаласини ҳал этишни айрим ҳолларда эътибордан соқит қилганлар. Шунингдек, олиб қўйилган махсулотларнинг истеъмолга яроқлилиги бўйича экспертиза ўтказмаслик ёки йўқ қилиб ташлаши шарт бўлган товарларни давлат даромадига ўтказиш, жинойи қилишни маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатида таснифлаш каби қонунбузарликларга ҳам йўл қўйилган. Жумладан, Самарқанд вилояти Уруг туманида 2005 йили 14 та, жорий йилнинг биринчи ярмида 29 та ҳолатда экспертиза аккредитациядан ўтмаган санитария-эпидемиология назорати маркази, 1 ҳолатда «Ургутдавлаттаъминоти» ИЧСК томонидан ўтказилган.

Фарғона вилояти ССМнинг хатоси ҳам қимматга тушди. У яроқсиз кимёвий воситалар билан экспертиза ўтказиши натижасида 306,8 тонна пахта ёғи сифатсиз деб топилган ва бу асоссиз равишда жиноят иши қўзғатилишига сабаб бўлган.

Сирдарё вилояти божхона органлари 2005 — 2006-йиллари аниқлаган 3864 та ҳолатда 1.310.000.000 сўмлик мол-мулкдан аксариятининг истеъмолга яроқлилиги текширилмасдан давлат даромадига ўтказилгани ёки йўқ қилиб ташлангани ҳам қонун бузилишига олиб келган.

Ёки бошқа мисол. Андижон вилоятининг туман, шаҳар солиқ инспекциялари олинган мол-мулкни нархлашда қатнашиши шарт бўлган молия органи вакилларининг хизматидан аксарият ҳолларда фойдаланмаган. Бухоро вилоятининг Пешку тумани солиқ инспекциясида эса улари бу ишга мутлақо жалб этилмаган. Айрим ҳолатларда комиссия таркибига киритилган молия ходимларининг ўзлари жиноятга қўл органи ачинаридир. Хусусан, 2006 йил 2 февралда Сурхондарё вилояти божхона бошқармаси ходимлари томонидан далилий ашё сифатида олинган 1200 та трактор ёнигли пурақигичини Узун туманидаги «Мажнума» С/ИЧК мутахассиси А.Азимов ва молия бўлими ходими Ч.Шонозаров 9.400.000 сўм ўрнига 910.200 сўмга баҳолаганлиги туфайли ҳуқуқбузарлар маъмурий жавобгарликка тортилган. Протест асосида ушбу қарор бекор қилиниб, ҳуқуқбузарларнинг жинойи жавобгарлик масаласи ҳал этилди.

Шунга ўхшаш ҳолатларга ҳуқуқий баҳо беришда бир қатор камчиликлар мавжуд. Чунончи,

ўтган йилнинг 5 августидан божхона ходимлари томонидан олиниб, Тошкент шаҳар бошқармасига қарашли омборхонада сақланган қарийб 18.000.000 сўмлик товарларга доир материалларга ҳуқуқий баҳо бериш масаласи пайсалга солиб келинган. Шу боис уларни эгасиз деб топиб давлат фойдасига ўтказиш тўғрисидаги қарор 2006 йил 31 июлда чиқарилган.

Жиноят ишлари бўйича Гулистон шаҳар судининг 2006 йил 12 июлдаги ҳукмига кўра Д.Нарзуллаевдан олинган бир тонна шakar, шу суднинг 16 мартдаги ҳукми асосида Д.Худойбердиевага тегишли 376.600 сўмлик ширинликлар, Ховос туман судининг ҳукмига кўра айбдор деб топилган Н.Саторовдан олиб қўйилган 400 шиша спиртли ичимликнинг яроқлилиги текширилмай мусодара қилинган.

Шу каби қонунбузилишларни бошқа судлар фаолиятида ҳам кузатиш мумкин. Жиноят ишлари бўйича Чирчиқ шаҳар судининг 2005 йил 10 октябрдаги ҳукмига кўра Т.Тўйчиев ва С.Петриченкодан олинган 25.900.000 сўмлик товарлар, Бекобод шаҳар судининг 2005 йил 15 июлдаги ҳукмига мурофий Ш.Холбоевдан олинган 860.000 сўмлик сиратрлар экспертизасиз давлат даромадига ўтказиб юборилган.

Қорақалпоғистоннинг Қўнғирот туманидаги «Барака» МЧЖга қарашли дўкон мудири А.Камисбаева сақлаш учун топширилган 4.700.000 сўмлик, Андижон вилояти Балиқчи туманидаги махсус дўконнинг собиқ ва амалдаги мудири А.Хотамов 421.700 сўмлик, З.Азизов эса 839.700 сўмлик мол-мулкни талон-торож қилганлиги аниқлиб, жиноят иши қўзғатилди. Термиз шаҳар суд ижрочилири бўлинмаси ижросини Ф.Мамасолиев эса «Шодлик-Р» хусусий корхонаси бошлиғи Ж.Катаев билан тил бириктириб, ҳуқуқбузар М.Мамасулповдан олинган 13.000.000 сўмлик махсулотни сотишдан тушган маблағни ўзлаштириб юборган.

Бундай ҳолатларни бошқа вилоятларда ҳам кузатиш мумкин. Албатта, прокуратура органлари бу каби қонунбузарликларни бартараф этиш ва олдини олиш учун ваколатли органлар масъулиятини кучайтириш, жазо муқаррарлигини таъминлаш чораларини кўрмоқда. Хусусан, ушбу қарор юзасидан ваколатли органларда ўтказилган текширувларда аниқланган қонунбузарликларни бартараф этиш тўғрисида 174 та тақдиминома, 44 та протест киритилди. 12 та ҳолатда жиноят иши қўзғатилди.

**Н.ХАЛИЛОВ,**  
Республика Бош прокуратураси  
бошқарма бошлигининг ўринбосари

Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш аяқлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида Юртбошимиз суд қарорларининг мажбурий ижросини таъминлаш билан боғлиқ фаолиятни такомиллаштириш масаласини алоҳида таъкидлагандилар. Зеро, ҳуқуқий давлатнинг муҳим вазифаси жамиятда адолат ва сифатли ижро этилишига эришишдан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари

Қолдиқда мавжуд бўлган 1 ноябр ҳолатига суд ижрочилири иш юритувида жами 19 млрд. 908 млн. 230 минг сўмлик 23.272 та ижро ҳужжатлари бўлиб, шундан 16.462 таси 2 ойдан, 4787 таси 3 ойдан, 325 таси 1 йилдан, 104 таси эса 1 йилдан ортиқ муддатдан буён ижро қилинмаган.

Рақам — бу факт. Аммо рақамлар ортида инсон тақдири, уларнинг моддий-маънавий эҳтиёжлари, муаммолари борлигини унутиб бўладими?!

Айтиш жоизки, мазкур йўналишда 2006 йилнинг ўтган даврида 67 та текширишлар ўтказилган. Уларнинг аяқни бўйича 145 та прокурор таъсир чоралари қўлланилиб, шундан 17 та жиноят иши қўзғатиш ҳақида қарор қабул қилинган.

Жумладан, суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Гиждувон туман бўлинмаси катта суд ижросини Абдувоҳид Тешаев 2005 йил ва 2006 йилнинг 6 ойи даврида Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб

## Ижродаги муаммо

ларини ижро этиш тўғрисида»ги қонунни ҳамда Республика Бош прокурорининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш ҳамда қамоққа олинганларни сақлашда қонунларга риоя этилиши» устидан назоратни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида Бухоро вилоят прокуратураси томонидан бир қатор текширишлар ўтказилди.

Жорий йилнинг 1 ноябр ҳолатига суд қарорларини ижро этиш департаментининг шаҳар ва туман бўлинмаларида жами 99 млрд. 467 млн. 70 минг сўмлик 74.017 та ижро ҳужжатлари (ўтган йилнинг қолдиғи билан биргаликда) мавжудлиги аниқланди. Ҳисобот даврида жами 79 млрд. 558 млн. 840 минг сўмлик 50.742 та ижро амалга оширилган. Шундан 430 млн. 290 минг сўмлик 1919 та ижро ундирувни қарздорнинг иш ҳақида қаратиш учун юборилган.

«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонуннинг 30-моддасига кўра иш юритувдаги ижро муддати икки ой қилиб белгиланган. Афсуски, қонуннинг бу талаби бузилган ҳолатлар ҳам борлиги таҳқида кўзга ташланади. Эътиборингизни фактларга қаратамиз.

ташлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига зид равишда фаолият кўрсатган. Шу даврда давлат даромадига ўтказилиши лозим бўлган жами 18.859,8 минг сўмлик мол-мулкни «Истам-Анвар» хусусий фирмасига қарашли савдо дўконига топширмаган. Мусодара қилинадиган мол-мулкнинг қийматини нақд пулда савдо дўкони мудири Н.Зоировга мунтазам топшириб келган. Шунингдек, савдо дўконидан сотилиши лозим бўлган мол-мулкни 20 фойзга арзонлаштирилганлиги ҳақида қалбаки далолатномалар расмийлаштириб, ҳужжатларни сохталаштириш йўли билан давлат ва жамият манфаатларига кўп миқдорда зарар етказилишига сабабчи бўлган.

Гиждивон туман суд ижрочилири бўлинмаси катта суд ижросини А.Тешаевга нисбатан ЖКнинг 205-моддаси 2-қисми «а», 209-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, вилоят прокуратураси томонидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

**Иброҳим ЁРМУҲАММЕДОВ,**  
Бухоро вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи.  
**Моҳира ШАКАРОВА,**  
журналист

## АДОЛАТ ҚАРОР ТОПДИ, АММО...

Мен, Абдурахмонов Ҳабибулло, Сурхондарё вилояти Олтинсой туманидаги Каттавахшивор қишлоғида яшайман. Қишлоғимиз тоғ ёнида жойлашган. Ошдан билан отамнинг ҳонадонига турамиз. Отамнинг уйдан ажралиб қишми мақсадида 1998 йили қўйишим — шу қишлоқлик Сувоп Мирзаевнинг ҳовлисидан 4 сотих ерни сотиб олдим. Албатта, бу ишлар отам раҳбарлигида бажаришди. Ушай пайтлар қишлоқларда мулк олдир-сотидис тилхат, далолатнома орқали бажаришган бўлса керакки, отам ҳам шу билан чекланиб қўя қолган. Шунингдек, Мирзаев Сувопнинг ҳовлисидан 4 сотих ер сотиб олиш билан бирга

бир гуруҳ маҳалла фаоллари сувоҳшида ўчатган ва шу вақтнинг ўзида даёқ сими түр билан чегаралаган. Шу кундан бошлаб сотиб олинган ерни бизники деб ҳисоблаганмиз. Лекин еримиз Сувоп Мирзаев ҳовлисидан ёнида, отамнинг ҳовлисидан узокда бўлганлиги учун С.Мирзаевдан ерни қўриқлаб туришни итмос қилган.

Ер сотиб олинган кунданок отам барча солиқларини шу кунгача тўлаб келган. Туман солиқ инспекциясида бу ҳақда маълумот мавжуд.

2003 йилнинг охирида Сувоп Мирзаев жайдан кўз юмди. Унинг ҳовлисига жияни Эргаш Ҳамроев кўчиб кириб яшай бошлади. Бу ор-

да мен фарзандли бўлдим. Укам Қурбонли Абдураимовни уйлантиридик. Сотиб олган еримиз уи қуриш учун ҳовлини текислашмоқчи бўлиб борганимда Э.Ҳамроев қаришлик кўрсатди. Чезара қилиб қўйилган сими түр қишчилар сувоҳшида бузиб ташланди. У тоғаси ҳовлининг бир қисмини бизга сотганини ҳам тан олмадик.

Отам боғичилиёйда қишлоқ фуқаролар йиғини маслаҳат кенгашига мурожаат қилдик. 2004 йил 16 июнда 4 сотих томорка Ҳ.Абдурахмоновга қарашли деб қарор чиқарган қишлоқ фуқаролар йиғини шу қарор тасдиғини сўраб Олтинсой туман ҳокимлигига мурожаат қилдик. Ҳокимият уи-ёқой ва ҳўжаслик иморатларини расмийлаштириш ва эғалик ҳўқуқини тан олиш тўғрисида меннинг аризмани

ҳамда туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер ишлари ва иморатларни расмийлаштириш комиссияси томонидан тузилган далолатномани қўриб чиқиб, шу 4 сотих ер менга тегишли эканлигини тасдиқлади. Туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизматида ушбу томоркани белгиланган тартибда ҳўжжатлаштириб бериш вазифасини топширди.

Ўз навбатида кадастр хизмати ва туман техник инвентаризация бюроси (БТИ) ер резежаси — чизма ҳўжжатларни тайёрлаб беришди.

Барча ҳўжжатлар расмийлаштирилиб, қонуний кўчга кирган бўлса-да, ўз еримизда қуришни қиёла олмаганмиз. Э.Ҳамроев ҳеч кимни киритмапти. Бир неча бор маҳалла кўмитаси, қишлоқ фуқаролар йиғини раисини таклиф қилиб, Э.Ҳамроев

билан гаплашидик. Лекин фойдаси бўлмади.

Икки йил мобайнида туман ҳокимиятига каттаёвериб, роса чарчадим. Хуллас, фойдаси бўлмагач, 2006 йил 14 апрелда фуқаролик ишлари бўйича Қўмқўрган туманлараро судига ариза бердим. Мақсадим ера эғалик қилиш ҳўқуқини олиш ва оҳирги 3 йил мобайнида олинган фойдалан олмай солиқларни тўлаб келганини учун Э.Ҳамроевдан 3 йилда олиниши мумкин бўлган фойдани ундиришдан иборат эди.

2006 йил 26 июл куни суд фуқаролик ишлари бўйича Денов туманлараро суди биносидан Д.Тўраев раислигида қарор чиқарди. Унда жа-вобар Ҳамроев Эргашдан 0,4 га. ер Абдурахмонов Ҳабибуллога олиб берилин дейилган. Лекин суд қарори шу кунгача ижро қилинмапти. Шу масалада ёрдам беришларингизни сўрайман.

**Ҳ.АБДУРАҲМОНОВ,**  
Олтинсой тумани  
Каттавахшивор қишлоғи

## ХААҚ МАЙФААТИ, ЮРТ ФАРОВОНАЛИГИ ЙЎЛИДА

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Бош прокуратураси**  
 ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти фаолиятинда

— **Миразим ака, яна бир ойдан сўнг 2006 йил билан ҳам хайрлашамиз. Йил охиридаги ишлар сарҳисоб қилиниши табиий. Туғрими?**

— Донишмандлар вақтни бекорга оқар дараёга қиёс қилишмайди. Назаримизда кечагина янги йилни кутиб олгандекмиз. Бошқарма ва унинг ҳудудий бўлимлари имкон даражасида олдиға қўйилган вазифаларни бажаришга ҳаракат қилиб келаяпти. Тахлилларга тўхталадиган бўлсам, жорий йилнинг 10 ойи давомида бошқарма ходимлари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда назорат идоралари билан ҳамкорликда 915 та текширув ўтказилди. Шундан 501 та ҳолат бўйича жиноят иши, 450 тасида маъмурий иш қўзғатилди ва давлат бюджетига 4,3 млрд. сўм ундирилди. Ҳуқуқбузарлардан олиб қўйилган 863,9 млн. сўмлик маҳсулотнинг 434,9 млн. сўмлиги тегишли тартибда сотилиб, маблаглар давлат эғалигига ўтказилди. Албатта, бу ишлар ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Бунда ходимларимизнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар билан ҳамкорликдаги фидойи меҳнатини эътироф этиш керак. Бундан ташқари, тарғибот ишларини кўнгилдагидек олиб боришимиз натижасида ихтиёрий ра-

вишда солиқ тўловчилар сони ошди.

— **Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 26 август кунги «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни мелиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»-ги ҳамда Президентимизнинг 2006 йил 21 апрел кунги «Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарори ижросини**

та маълумот келиб тушган. Улар бўйича олиб борилган тезкор тадбирлар натижасида 1 ноябрга қадар 14 та жиноят иши ва 1 та маъмурий иш қўзғатилган бўлиб, ҳозир тергов олиб боришмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг «Спирт ва алкоғоли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш устидан давлат назоратини кучайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳам муайян ишлар қилинмоқда. Бу йўналишда 107 та қонунбузилиш аниқла-

2006 йилнинг 10 ойи давомида 27 та яширин цех фаш этилди. Ҳуқуқбузарлардан жами 17,4 млн. сўмлик товарлар олиб қўйилган.

— **Кейинги пайтларда банк муассасалари олдига яна эски валютафурушлар пайдо бўлиб қолди. Нимага бундай бўлаяпти? Бунинг сабаби бошқармада таҳлил қилиб бориладими?**

— Албатта. Валютафурушларга қарши кураш бизнинг асосий вазифаларимиздан ҳисобланади. Тахлилларга қўра, бошқарма ходимла-

ман бўлими томонидан олиб борилган тезкор тадбирда фуқаро А.Мақсудов Г.Жалиловага 3360 долларни 4.200.000 сўмга сотаётганда ушланди. Текширувда ҳуқуқбузарлардан 8160 доллар ва 7.880.000 сўм пул далилий ашё сифатида олиниб, А.Мақсудовга нисбатан жиноят иши қўзғатилган.

— **Айрим мансабдорларнинг таъмағирлик ва порохўрлик қилаётгани ҳақида қил гапирилмоқда, матбуотда чиққилар қилинмоқда. Бироқ нимагадир бундай жиноятларга чек қўйилмапти.**

— Фиркингада жон бор. Таъмағирлик ва порохўрлик жамият тарраққетиининг кушандаси эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Бизга ҳам айрим фуқароларимиздан порохўр кимсалар устидан шикоятлар келиб тушаяпти. Жумладан, шу йилнинг 20 сентябрида Қўқғор пахта тозалаш заводи ОТЖ га қарашли «С.Сегизбоев» пахта тайёрлаш маскани товаршисини Каримберди Қунаҳунов «Кўктерақ» фермер ҳўжалиги раиси С.Ўринбоевдан 200 минг сўмни пора сифатида олаётганда ушланди.

Ачинарлиси, бундай мисолларни яна кўлаб келтириш мумкин.

Мақсадимиз олдимизга қўйилган вазифаларни সিққидилдан бажаришидир. Бунинг учун бизда куч ҳам, имконият ҳам етарли.

«Нидога» муҳбири  
**Зайниддин МАМАДАЛИЕВ**  
 суҳбатлашди

# ИЖРО ВА НАЗОРАТ

**Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖДЛКК департаментининг Тошкент вилоят бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Миразим ҲАМИДОВ билан суҳбат**

**Таъминлаш борасида бошқармада қандай ишлар қилинди?**

— Марказий банкнинг Тошкент вилояти бошқармаси ва ҳудудий бўлимларидан келиб тушган маълумотлар таҳлил қилиниб, тегишли чоралар белгилаб келинмоқда. Жумладан, Тошкент вилояти бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимларига 2006 йилнинг 10 ойи давомида 398

ниб, 98 та жиноят иши ва 9 та маъмурий иш қўзғатилган. Жумладан, олинган хабарга қўра Тошкент туманида яшовчи А.Устемированинг уйи текширилганда, у ерда 1200 литр спирт борлиги аниқланди. У бу маҳсулотни Қозғистондан айланма йўлар орқали олиб келгани ҳақида кўрсатма берди. Спирт далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

ри томонидан 1 ноябргача 37 та қонунбузилиш ҳолати аниқланиб, 20 та жиноят иши, 17 та маъмурий иш қўзғатилган ва ҳуқуқбузарлардан 31.720 АҚШ доллар, 145 евро, 60.000 Қозғистон тенгеси, 24.150 Россия рубли, 18.605.700 сўм далилий ашё сифатида олинган. Масалан, шу йилнинг 9 сентябр кунги Тошкент вилояти бошқармасининг Зангиота ту-

## МИЛЛИОНЛАР ОРТИДАГИ ҚАЛЛОБЛИК

Ўзбекистон Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти Наманган вилоят бошқармасининг Чуст туман бўлими ходимлари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ошириш бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилаётганига қарамай, айрим мансабдорларнинг қонунларни четлаб ўтишга ҳаракат қилаётганлиги фўят ачинарли ҳол. Хусусан, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкнинг Чуст туман филиали бошқарувчиси Зокир Обидов ва мазкур банкнинг валюта алмаштириш шаҳобчаси назоратчиси Нодир Яндашев ва Маъруфали Жаъфаровлар, афеуски, шундай кимсалар тоифасидан экан. Гап шундаки, улар Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 30 ноябрдаги қарори ва «Валюта алмаштириш шаҳобчаси тўғрисида»-ги низомга амал қилишни исташмади. Устига-устак, мансабларидан фойдаланиб, ноқонуний фаолиятни амалга оширишга киришилди.

Бир кунги банк бошқарувчиси Зокиржон Обидовни кутилмаганда иблис ўз измига бўйсунди. Даблрустан миясига келган ўй унинг «иштаҳа»-сини очиб юборди. Лекин қонунга хилоф мақсадни бир ўзи амалга оширолмаглигига кўзи етгач, аввалига ҳафсаласи пир бўлди. Ким ўзига ҳармовок бўлиши мумкинлиги ҳақида бош қотирди. Аммо, бунга ҳожат йўқ эди. Зокиржа шерик бўлгувчи кадрлар, худди шундай фикр билан юрган Нодир ва Маъруфали ҳамкорликка шай туришарди. Уч шерик ўзаро тил бириктириб, нима қилиш кераклиги ҳусусида келишиб олдилар. Ҳаммаси шундан кейин бошланди. 2004 йил 19 апрел кунги Чуст туманининг Шоён қишлоғида истиқомат қилувчи Омониддин Умаров номига 1000 АҚШ доллар миқдоридаги суммани расмийлаштирган қаллоблар унинг паспорти нуҳасини олиб, сохта маълумотни киритишди-да, қалбаки имзони «ўхшатиб» қўйишди. Бу уларнинг биринчи ишлари эди. «Чақки эмас» деб қўйишди шериклар бир-бирларига маъноли қараб. «Хар ҳолда ҳеч ким сезмади-ку!» дейишди ўзларини хотиржам қилишаркан. Афеуски, бу уларни кейинги жиноятларга ундади. Бирин-кетин Чуст шаҳри ва ишлоқларида яшовчи шахсларнинг номига 1000 дан 6000 долларгача миқдордаги пуллар 30 кишининг паспорти ксеронусхаси асосида сохта маълумотлар билан расмийлаштирилди. Улар шу тарзда 88.750 долларни номалъум шахсларга сотиб юборишди. Бироқ «Бузоққини югургани сомонқонга» дейдилар.

Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛКК департаменти Чуст туман бўлими ўтказган текширувда З.Обидов, Н.Яндашев ва М.Жаъфаровларнинг жиноятлари ишончли далиллар асосида фаш қилинди. Суд ҳукми билан улар тегишли жаазасини олишди.

Аммо масаланинг яна бир жиҳати бор. Уларнинг бир йил мобайнида амалга оширган жиноятларини ҳеч ким сезмай қолган бўлиши мумкинми?! Йўқ, Агар беларволик, лоқайлик шу тарзда давом этаверса, оқибати яхши бўлмаглиги таъин. Биз эса ҳулоса ўрнида, мутасадди шахсларни ҳушёрроқ бўлишга ундаб қоламиз.

**Илҳомжон ПАЙЗИЕВ,**

департаментнинг Чуст туман бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи

Сўнги йилларда ҳуқуқматимиз республикамизга сифатсиз ва истеъмолга яроқсиз спиртли ичимликлар кириб келиши, ноқонуний равишда ишлаб чиқарилишининг олдини олиш юзасидан қатор норматив ҳужжатларни қабул қилди. Уларнинг ижросини таъминлаш юзасидан муайян ишлар қилинапти.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 15 январдаги ҳамда президентимизнинг 2006 йил 11 ноябрдаги «Алкоғоли маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши ва сотилишининг самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қарорлари бунга яққол мисолдир.

Мазкур қарорларни ижро этиш борасида департамент органлари Навоий вилоятида амалга оширган ишларга тўхталган бўлсак, жорий йилнинг ўтган даврида 79 та қонунбузилиш ҳолати аниқланиб, 72 та жиноят иши, 7 та маъмурий иш қўзғатилган. Умумий қиймати 9.196.500 сўмлик 3118,3 литр акциз марказис, кўлбола усудла ишлаб чиқарилган спиртли ичимликлар далилий ашё сифатида олиб қўйилган.

Ноқонуний равишда алкоғоли маҳсулотларни четдан олиб келиш, ишлаб чиқариш ва муоа-

лага киритишнинг олдини олиш юзасидан аҳоли ўртасида 394 та профилактик тадбир ўтказилди. 357 нафар тадбиркор ва 184 та ҳўжалик юритувчи субъект раҳбарлари билан алоҳида суҳбат ўтказилган. Бироқ айрим ишбилармонлар нафсига эрк бериб, ноқонуний даромад орттирмоқчи бўлишяпти. Жумладан, департаментнинг Кармана туман бўлими ва

нованинг қалбаки акциз марказлари елимланган 234.000 сўмлик 97,5 литр спиртли ичимлик олиб кетаётганлиги аниқланиб, тегишли чоралар қўрилган.

Орамизда аҳоли соғлиғига хавф солиш эвазига мўмайгина даромад олиш учун яшаб турган хонадонда шароб ишлаб чиқарувчи яширин цехлар ташкил этган «тадбиркор»лар ҳам йўқ эмас.

Биргина ноябр ойининг ўтган

## Соғлиқ ҳисобига бойликми?

ИИБ ходимлари ҳамкорликда ўтказган тадбирларда Тошкент-Олот йўналиши бўйича кетаётган 20 I 3618 рақамли «Мерседес-Бенц» автобуси тўхтатилиб, юкхона ва салони қўздан кеңирилганда 618.000 сўмлик 154,5 литр этил спирти мавжудлиги аниқланиб, далилий ашё сифатида олинган.

Департаментнинг Зарафшон шаҳар бўлими, ДСИ ва ИИБ ходимлари билан ҳамкорликда ўтказган тадбирда ҳам 20 P 0075 рақамли «Мерседес-Бенц» автобуси йўловчиси Роҳида Мўми-

даврида департамент органлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ўтказган тадбирларда 3 та шундай цех фаш этилди.

Касални даволашдан қўра олдини олиш осон. Департаментнинг Навоий вилоят бошқармаси ва ҳудудий бўлимлари шунга амал қилиб ҳудудда қонунбузариқларнинг олдини олиш борасида тезкор тадбирларни давом эттирмоқда.

**Баҳром ЁҚУБОВ,**  
**СВОЖДЛКК**  
 департаментининг Навоий вилоят бошқармаси бошлиғи

«Бошинга не бало келса, биродданмас ўзиндан кўра» деган қўшиқни эшитиб, мулоҳаза қилиб кўрмаган кишининг ўзи бўлмас керак. Ҳаётда инсоннинг бошига мушкул иш тушмишда ўзининг ҳам айби бўлиши таъин. Қонунни бузмаган одамни ҳеч ким жазаоли олмайд. Ёки унинг мол-дўнсини бироз ҳе йўқ-бе йўқ тортиб ололмайди.

## Айбдор ким?

Бу мулоҳазаларимиз Бозорбой Эшонов билан Абад Қуттибаевга ҳам тегишли. Икки азаматга жиноят ишлари бўйича Нукус шаҳар судининг қарори билан 94.000 сўмдан жарима солинди. Нега дерсиз? Шу йилнинг 15 май кунги Бозорбой Абадга 1.300 АҚШ долларини 1.586.000 сўмга сотаётганда департамент ходимлари томонидан ушланди. Энди улар қилмишидан пушаймон. Бироқ...

Марат Қутлимуродовнинг бошига ҳам ташиш

тушиди. Жиноят ишлари бўйича Нукус шаҳар суди унга ҳам 188.000 сўм жарима солди. Сабаби, у ҳам юқоридаги «хамкасб»ларидек долларфурушлик билан шуғулланган эди. У Нукус шаҳридаги марказий бозорда Гулнора Маткаримовага 1.000 АҚШ долларини 1.224.500 сўмга сотаётганда ушланди.

Қўлга тушган долларфурушларнинг кўпчилиги хорижий валюталар билан қорабозорда олди-сотди қилиш қонунга эид эканлигини билмаслигини айтириб, ўзларини оқламоқчи бўлишди. Судда ва терговда эса уларнинг бундай «йўл»лари иш бермайд.

ОАВда ва юзма-юз мулоқотларда тушунтириш ишлари олиб борилишига қарамасдан, айрим фуқаролар бу ноқонуний валюта савдосидан қайтишмаяпти. Тўрт-беш сўм «ойчақа» учун пулларидан айрилмоқда. Бунинг учун ким айбдор деган савол туғилиши табиий. Жавоб аниқ: қонунбузарларнинг ўзлари.

**В.АЛЛАМУРАТОВ,**  
 департаментнинг Нукус шаҳар бўлими бошлиғи



# Ўлчамасдан тўн бичмайдилар!

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бу воқеани келтиришимга ўтган кунин интернетда мамлакатимиз «диний эркинликни таъминлаш борасида жиддий ташвиш уйғотаётган давлатлар» рўйхатида киритилганлиги ҳақида лавҳага кўзин тушганлиги сабаб бўлди. Таажжуб... Гарчанд биз учун бу рўйхатнинг ҳеч қандай юридик аҳамияти йўқ бўлса-да, юртимизга шу тахлит ёндашувнинг ўзи ҳайратланарли эди. Қандайдир сиёсий манфаат топиш истагида юрган кучларнинг бу иғвоси мамлакатимиздаги ҳар қандай фуқароннинг пешонасини тириштириши тайин.

Шу заҳотиёқ Ўзбекистон Вазирилари Маҳкамаси ҳузурдаги диний ишлар қўмитасига кўнгирак қилдим. Вазиятни тушунтириб, журналист сифатида диний конфессиялар ҳақидаги маълумот билан қизиқайтганимни билдирдим. Масъул шахслар ҳеч қандай этирозис менга факс орқали керакли хужжатларни узатиб беришди. Қайси ибодатхона қаерда жойлашганлиги, қандай бориш мум-

илади баёнотда.

Эртаси кунин икки ҳамкасбим ҳамроҳлигида яҳудийлик синагогасига бордик. Шаҳарнинг «Миробод» бозорига яқин жойлашган бу ибодатхонани топиб бориш қийин бўлмади. Йўлда уч-тўрт ҳамшаҳримиздан унинг қаерда жойлашганини сўраб, баҳонада муносабатларини билмоқчи бўлдик.

— ...Маҳаллага яқин жойда. Катта йўлдан иккинчи қайрилишда.

— Тошкентда шундай ибодатхона борлигини биларкансиз-да?

— Бунинг нимаси ажабланарли? Яҳудийларники ўзинга... Бизники ўзимизга... Иккаласини қарама-қарши қўйиш тўғрисида ўйламаймиз ҳам. Шу мазмундаги жавобни кўпчиликдан эшитдик.

Торроқ кўча четидagi ободгина бино олдида мармар ҳовуз, кичикроқ фаввора ўрнатилган. Англадикки, биз излаган жой шу. Ҳовлига кириб борар эканмиз, бизни ҳеч ким тўхтатмади. Сезишимизча, бино унчалик

кўрсатаётти. У нотаниш тилда гапирар экан, болалар савол бериб уни ўз ҳолига қўйишмас эди. Фурсатдан фойдаланиб ичкаридаги жиҳозларни қизиқиш билан ўргана бошладим. Синагог гумбази чироқлар билан чароғон этилган, уртада ёғочдан ясалган минбар турар, мезанада нималардир қўйиб қўйилган, чапроқда эса бронза рангидаги бир-бирига қараб турган шерлар сурати турарди. Ҳайланган ўтиричлар менга насроний ибодатхоналарини эслатди.

Сабоқ тутагач, болалардан бирини сўхбатга чорладим.

— Бу ерда ўз ихтиёринг билан келаятсанми?

— Албатта, ўз динимни яхши билишни шарт.

— Бу ерда келишингга ҳеч ким монелик қилмаяптими?

— Йўқ... Нимага ҳалақит бериши керак? Бу ҳақда ўйламаган эканман. Энди сиздан эшитиб ҳайрон бўлаялман.

— Домларинг бу ерликка ўхшамайди?

— У Исроилдан келган.

Бошқа болалар билан мулоқотимиз ҳам шу руҳда давом этди. Ташқарига чиққанамиз ҳамкасбларим бир яҳудий йигити билан қизгин сўхбатлашганининг устидан чиқдим. Бу йигит менда илиқ таассурот қолдирди.

— Масаланинг моҳиятини тушунтиришди, — деди у саволимга жавобан. — Мана шу ибодатхонага ҳар кунин қатнайман. Менинг ўзбек, татар, рус ва бошқа миллатта мансуб кўп дўстларим бор. Менга, динимга нисбатан уларнинг бирор марта ҳам ғайирлигини сезмаганман. Давлатимизнинг сиёсати ҳам шунга қаратилган эмасми?

Бу гапларини изоҳлашининг ҳожасти йўқ эди. Шу ўринда миллатимизнинг бағрикенглигини фахрланиб ҳам қўйдим.

Эртаси кунин эски зоопаркка яқин жойдаги немис-протестант черковига йўл олдим. Тўғриси, рим-католиклар ёки проваславлар черковига бориб интервьё олинса ҳам бўларди. Лекин озчиликни ташкил этувчи миллат вакиллари йўқлаш мақсадга мувофиқроқ эди. Черковнинг қадимийлиги билиниб турарди. Темир панжара билан тўсилган ғиштли бинонинг тепасига ўрнатилган хоч унинг черков эканлигини далolat берарди. Кўнгирак чалдик. Кексароқ бир онахон чиқиб келди.

— Сиз билан танишсак бўладими?

— Албатта, исм-фамилиям Людмила Валтер...

— Бу ерда ишлайсизми?

— Ўн беш йилдан бери ишлайман.

— Ўх-ў...

— Тошкентга келганимга 24 йил бўлди. Шу ерда никоҳдан ўтганман.

— Кечирасиз, черковда ҳеч ким кўринмайди. Балки кимдир келиб бунга монелик қилаётгандир?

— Нима дейсиз? — чинакам жаҳли чиқди онахоннинг. — Бунақаси ҳеч қачон бўлмаган. Қай-



тага комитетдан (диний ишлар қўмитаси бўлса керак) қанақа муаммолар бор деб сўраб туришади. Шунча йил яшаб бизга қарши бирор ҳаракатни сезмадим. Ҳеч ким йўқлигининг сабаби олдий. Ибодатлар яқшанба кунин бўлади. Пастирь ҳам ўша кунин келади. Диний эркинликка йўл қўйиб берилганини нимага эслаб қолдиларинг? Буни ҳамма билдику?

Вазиятни тушунтирдик. Онахон афсусланиб кетди. Бунақа бўхтон уюштирилганнинг ғайир нияти борлиги шубҳасиз деб қўшиб қўйдим.

Ишхонага келиб компютерни ёқиб яна интернетга кирдим. Янгилар билан танишар эканман, пешонам тиришди. Бир-биридан ваҳимали хабарлар. Ироқдаги хунрезликлар, бир тарафда Фаластин-Исроил можаролари кишининг таъбини хира қиларди. Шукурки, юртимиз бундай болалардан холи эди. Мана бу хабар эътиборимни тортиди.

«Миннеаполис аэропортида «US airways» компаниясига тегишли самолётда олти нафар имомнинг учишга рухсат берилмаган. Уларнинг учтасини самолёт бортида намоз ўқий бошлашгани учун хавфсизлик хизматчилари тушириб юборишган.

Суриштирув жараёнида ушлаб қолинган имомлар Шимолий Америка имомлари конференциясидан қайтаётганликлари маълум бўлди... Америка мусулмонлари ташкилоти полициянинг ҳаракатларига қарши баёнот билан чиққан».

Кейинги хабар ундан қолишмасди. «Нидерландиядаги сайловлар паранжисиз ўтади», «Коммерсант» газетасининг 20 ноябр кунин сониде чоп этилган «Ҳижобсиз Европа» деб номланган бу мақолаларнинг электрон нусхасида Голландия иммиграция вазири Рита Вердонкнинг ташлаб-буси билан мамлакатдаги аёлларга ҳижобда юриш таъқиқлангани, аслида бу сиёсий ўйин эканлиги, паранжи ёпинадиган аёллар миллион-миллион кишилар орасида бармоқ билан санарли эканлиги ҳақида ёзилган. Европандан Франция, Германия, Белгия каби ўнлаб давлатларида ҳижобда юриш таъқиқлангани қайд этилган. Бу хабарларга асосланб эътиқод эркинлиги бўйича баъзи фарб давлатларининг ўзини мана шундай тўсиқлар учраб туришини айтишимиз мумкин.

Очирғ, Европа ўз ўтмишида эътиқод эркинлигини таъминлаш бўйича оғриқли йўлни босиб ўтга-

нини инкор этиб бўлмайди. Жордано Бруно, Галилео Галилей каби олимлар хур фикрлари учун даҳрийликда айбонлаб ўтда куйдирилганини эсга олишининг ўзи кифоя. Сталинчи даҳрийларнинг хунрезликлари ҳам бундан асло қолишмайди...


Замонасозликка йўйманг-у, раҳматли бобомиз Отақул Шерназаров (маҳаллий аҳоли ичиде уни мулла Хотам дейишган) 1930-йиллари масжидда имомлик қилганлиги учун отиб ташланганини мисол олишдан ўзимни тия олмадим. Воқеа жулда олдий кечган. Масжидга ота-онаси, қариндош-уруғи билан келин-куёв келган. Имом уларга никоҳ ўқиб қўйган. Орадан бир неча кун ўтгач, НКВД ходимлари бобомизни олиб кетишган. Тошкентдаги қайсидир турмага қамалган жигарини ўша пайтда ёш йигит бўлган Мустафоқул бобомиз излаб кўп сарсон бўлган. Унинг отиб ташлангани ҳақида эллигинчи йилларда уйимизга кичкина қоғоз келган холос. Унда ёзилишича, Хотам Шерназаров «руҳонийлиги ва ЗАГС тўғвоҳномасисиз никоҳ ўқиганлиги учун» отиб ташланган. Бу қилмиш учун шахсини шафқатсизларча отиб ташлаш кимга, нима учун керак эди?



Юмшокроқ жазо усули қўлланиши ҳам мумкин эди-ку?

Шукурки, бугун ҳаммамиз учун масжидлар очик. Ҳоҳдан киши кириб намоз ўқиши мумкин. Юртимизда Ҳайит байрамлари кенг нишонланади. Бухорий, Ғижлувоний каби авлиёларимизга тегишли қадамжолар обод. Ҳаж сафарига борувчилар учун давлат томонидан барча шароитлар яратиб берилган. Булар ҳақида қанча гапирсак оз. Энг муҳими, мана шу незматларнинг қадрига ўзимиз этишимиз зарур. Ташқаридегиларнинг ўз манфаати йўлида айтган гаплари эса игводан бошқа нарсас эмас.

Абдураҳмон МУСТАФОҚУЛОВ,  
«Huquq» мухбири



кинлигини ҳам оғринмай тушунтиришди. Эътиқод эркинлиги оид сир тўтилигани ҳеч қандай фактнинг йўқлигига шунинг ўзи ҳам бир исбот эди. Қўмитадан олинган маълумотлардан мамлакатимиз бўйича 2042 та масжид, 170 дан ортик черков, кришчанин англаш, булда, яҳудийлик ибодатхоналари мавжудлиги аён бўлди. Географик жиҳатдан уларнинг улуши турли вилоятларда турлича эди. Ҳатто исломнинг қуввати саналадиган Бухорода ҳам христиан черковлари мавжудлигини, бошқа вилоятларда ҳатто баҳойликка эътиқод қиладиганлар борлиги бу хужжатда баён этилганди.

Орадан бир неча кун ўтгач, шу масалага оид Ўзбекистон Ташқи ишлар вазириликнинг баёноти эълон қилинди. «Бу ҳол Америка ташқи сиёсат маҳкамасининг дин ва эътиқод эркинлиги каби долзарб масалаларга бир томонлама ёндашишини ва «икки ёқлама стандартлар» бўйича иш тутишини яна бир бор намойиш этди. Эътиқод эркинлиги ва диний бағрикенглик Ўзбекистон давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади», — дей-

қуриқланмайди. Демак, бунга эҳтиёж йўқ экан-да. Ва ниҳоят ичкаридан бир киши чиқиб келди. Мақсадимизни тушунтирдик. Шундан кейин у ўзининг қоролу эканлигини айтиб ичкаридан руҳонийни чақиритишни айтди. Аксига олиб равининг йўқ экан. Бизни бир ёшгина аёл кутиб олди. Қўлимизга визитка бериб, эртага келишимиз мумкинлигини айтди. Табиийки, бизни қониқтирмади. Ибодатхонани кўздан кечирмоқчи эканлигимизни, иложи бўлса бошқа бир киши билан сўхбатлашсак яхши бўлишини айтдик. Бизни бажонидил ичкарига таклиф қилишди. Ҳамкасбларим ташқаридеги сўхбатни давом эттиришнинг лозим топишгани учун мен фотоаппарат билан кириб кетдим. Қайрилма тор коридор кутилмаганда катта чорси хонага олиб борди. Калта соқолли киши ёш болаларга дарс бераётган экан. Мен салом бердим. Ноқулай бўлмаслиги учун дарсин давом эттириверишини сўрадим. Четроқда кузатишда давом этдим. Етти-саккиз болакай яҳудий бош кийимларини кийиб олган, олдидарида иврит ёзувида битилган қандайдир китоблар. Муаллим доскага нималарнидир ёзиб

Алишер Навоий номли миллий кутубхонанинг рўпарасида эртдан кечгача тўланиб турган одамларга шу ердан ўтадиганларнинг деярли ҳар куни кўзи тушади. Бу ер уй бозори деб аталади. Кимдир уйини сотмоқчи бўлса, кимдир олиш ниятида. Яна биров ижарага уй излаб келган. Бошқаси уйини ижарага топширмоқчи. Айниқса даллал(маклер)лар тиним билмайди. Бундан ташқари газеталардаги, кўчалардаги устулар-у даракларга ёпиштирилган уй сотилиши ҳақидаги эълонларни айтмайсизми? Албатта, ҳозир гап уйларни кимлар сотиб, кимлар харид қилаётгани ҳақида эмас. Бу уларнинг шахсий иши. Аммо...

— Яқинда одамнинг кўшисини алдаб кетишибди, — деб колди бир танишим. — Тўрт сотихли ҳовлисини сотмоқчи бўлиб, газетга эълон берган экан. Тезда бир харидор пайдо бўлиб, «ҳовлингни маъқул бўлди, лекин сотиб олмаيمان, балки ўрнига икки хонали иккита квартира олиб бераман» дея таклиф киритибди. Эри тўсатдан вафот этганига кўп бўлмаган, икки боласи билан қийналиб қолган аёл рози бўлибди. Харидор вақтни кетказмай, нотариус орқали олди-сотди шартномасини расмийлаштириб, ҳовлини ўзининг номига

танота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинади ва болалар меҳрибонлик уйига жойлаштирилади. Уша йилнинг май ойида эса туман ҳокимининг қарорига кўра юқорида кўрсатилган квартира шу болаларга бириктирилади.

1998 йилга келиб Б.Бўриев квартирани хусусийлаштириб олади. Жорий йилда эса Қаҳҳоровларнинг тўғри қизи ҳоким қарори билан ўзларига бириктирилган ушбу квартира учун Б.Бўриевга берилган давлат ордери ни ҳаққий эмас деб топиш ҳамда уни уйдан кўчириш ҳақида даъво билан фуқаролик ишлари бўйича туманла-

зди). Хуллас, уша ойнинг охирида Т.Салимов туман судининг ҳукми билан 7 йилга озодликдан маҳрум этилади. Бу мuddат оз эмаслигини, уйнинг ҳаққий эгаси тез орада қайтмаслигини тушуинган Х.Қосимова ноқонуний ўзлаштирилган бу квартирадан тезроқ қутулиш мақсадида уни сотиш пайига тушади. Харидор ҳам тезда топилиб, июлнинг охирида квартира П.Паргивега сотилади. Уйнинг янги эгаси ҳам бу уйда негадир кўп яшамайди ва 1999 йил апрелда навбатдаги харидор Ш.Комилевга сотиб юборади. Уз навбатда Ш.Ко-



Шунингдек, нотариуслар нотариал ҳаракатларни амалга ошириш вақтида уни расмийлаштиришни сўраб мурожаат қилган фуқароларнинг, уларнинг вакилларининг шахсини паспорти ёки бошқа ҳужжатларига асосан аниқлаши, нотариал тасдиқланган битимлар, шунингдек, арiza ва бошқа ҳужжатлар нотариус иштирокида имзоланиши шарт. Агарда фуқаро жисмоний нуқсон, касаллиги туйғайли ёки қандайдир бошқа сабабларга кўра битим, арiza ёхуд бошқа ҳужжатни ўз қўли билан имзолай олмаса, уларни унинг топшириғига кўра унинг ўзи ва нотариус ҳозирлигида бошқа фуқаро имзолаши мумкин. Лекин бунинг сабаблари нотариал расмийлаштириладиган ҳужжатда ёзиб қўйилиши зарур.

Уй-жойларни, квартирани бошқа шахсга ўтказиш шартномаларини нотариал тасдиқлашда нотариуслар унинг бошқа шахсга ўтказувчига тегишлилигини албатта текширишлари шарт. Бундай ҳужжатлар қаторига уларни олиш-сотиш, ҳада қилиш, алмаштириш шартномалари, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги ворислик гувоҳномаси, ваколатли ҳокимиятнинг уй-жойга бўлган шахсий мулк ҳуқуқи таш олинганилиги тўғрисидаги қарори кирди.

Бундан ташқари, тузилётган битим қонун талабларига мувофиқ бўлмаган ҳолда амалга ошириладиганда ёки нотариал ҳаракатларини расмийлаштириш учун тақдим этилган ҳужжатлар ноқонуний бўлган тақдирда нотариус нотариал ҳаракатни тасдиқлашни рад этиши белгиланган.

Никоҳ қайд этилгандан кейин сотиб олинган ва эр-хотиннинг умумий мулки бўлган уй-жойни ёки квартирани бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битим улардан бошқасининг бунга ёзма розилик аризаси бўлган тақдирдагина тасдиқланади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 22 апрелдаги қарорининг 2-илavasидаги «Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги низомга биноан васийликдаги шахс номидан нотариал тасдиқланадиган битим (шартнома)лар бўйича васийлик ва ҳомийлик органининг розилиги олинади.

Дарҳаққат, расмий идоранинг жавоби ҳам расмий бўлиши табиий эди. Қолаверса, бошқарма бошлиғи ўринбосарининг иш ҳужжатлари билан танишмай туриб хулоса чиқариш мумкин эмаслиги ҳақидаги фикри ҳам тўри.

Нимаям дердик, уй-жой олди-сотдиси масаласида ечилиши лозим бўлган муаммолар талайгина. Шу ўринда яна юқоридаги саволлар юзга чиқади: хўш, бунда ким айбдор? Ҳуқуқий саводхонлиги етарли даражада бўлмаган фуқароларми ёки бундан «унумли» фойдаланаётган айрим устамонларми? Нима бўлганда ҳам асосий эътибор фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган бугунги кунда кўлаб юрtdошларимиз кўп нарса ўзларига боғлиқ эканлигини, афсуски, ҳали-ҳануз тушуниб етмаётганлар.

Ғафуржон АЛИМОВ,  
«Нуқуқ» муҳбири

# ФУҚАРО ҲУҚУҚИНИ БИЛМАСА...

ЁХУД УЙ ОЛДИ-СОТДИСИ БИЛАН БОҒЛИҚ МАШМАШЛАР ХУСУСИДА

ўқазибди-да, «Сизга маъқул бўладиган квартиралар учрамапти. Топган захотим пулини бериб, номингизга расмийлаштирамиз. Ҳозирча ижарада яшаб турарсиз» дея бир уйга жойлаштириб кетибди. Шу-шу ҳеч қаерда йўқ эмас. Аксига олиб аёл боқяши шу пайтгача эрининг тоғанига қаноат қилиб, ҳеч қаерда ишламаган экан. Энди эса ҳам ҳовлидан акралиб, ҳам ижарадаги уйга пулни қаердан олишни билмай боши қотиб юрганмиш.

Бу-ку биргина мисол. Лекин, баъзи маълумотларга қараганда, афсуски, бундай ҳолатлар учраб турибди. Бунинг сабаблари нимада? Мана шу савол билан Республика Бош прокуратураси судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими бошлиғи Боситхон Иноғомовга мурожаат қилдим.

— Дарҳаққат, сўнги пайтда қонун ва ўз ҳақ-ҳуқуқларини билмай, гоҳида эса фирибгарларнинг «чиройли» гапларига учиб, чўв тушиб қолаётган, оқибатда қимматли вақтини суд-ма-суд юриб ўтказаятган айрим юр-

раро судига мурожаат қилади. Суд даъвоси қаноатлантирилади.

Четдан қараганда Б.Бўриевнинг ҳуқуқдордан ҳам бузилгандек. Аммо иш ҳужжатлари билан танишганимиздан кейин, ҳаққий ҳолат ойдинлаша бошлади.

Маълум бўлишича, низога сабаб бўлаётган квартира бир корхонанинг уй-жой фонди балансида бўлиб, Қаҳҳоровлар оиласига фойдаланиш учун бириктирилганлиги боис, олди-сотди шартномасининг предмети бўла олмасди. Шунинг учун ҳам Қаҳҳоровнинг идоравий уй-жой бўлган бу уйни сотишга ҳаққи йўқ эди. Қолаверса, квартира 1995 йилда туман ҳокимининг қарори билан воёга етмаган фарзандлар манфаати кўзланган ҳолда уларга бириктирилган. Уз-ўзиндан кўрииб турибдики, квартира Бўриевларга ноқонуний сотилганлиги оқибатда опа-сингилларнинг уй-жойга бўлган ҳуқуқлари бузилган. Натияжада уларнинг даъволарини қаноатлантириш ҳақида тўғри хулосага келинган.

Ёки яна бир мисолга эътиборингизни қаратсам.

милов ҳам аввалгиларнинг ишини такрорлайди. Яъни, уйни 2000 йил сентябрда Ж.Кулишевга сотади. Уйни таъмирлаб, оиласи билан кўчиб кираган Ж.Кулишевгина бу ерда ҳозиргача уйга келаётган экан.

Квартиранинг ҳаққий эгалари воқеадан хабар топишгач, 2000 йил июнда Т.Салимов судда қатнашиш учун онасига ишончнома беради. Аммо онаси ҳеч қаерга мурожаат қилмайди. 2001 йилнинг май ойида Т.Салимовнинг ўзи ҳам озодликка чиқади ва тўғри онасининг уйига келади. Бироқ у ҳам бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилмайди. Уша йилнинг охирида яна жиноят қилиб, қамалади. Никоҳ 2002 йилнинг июлидагина К.Салимова Х.Қосимова, П.Паргиве, Ш.Комилев ҳамда Ж.Кулишевларга нисбатан тузилган олди-сотди шартномасини ҳаққий эмас деб топиш ва уйдан кўчириш тўғрисида даъво билан судга мурожаат қилади. Уз навбатда Ж.Кулишев ҳам уй-жойнинг инсофли эгалловчиси сифатида ва нотариал тасдиқланган олди-сотди шартномасини ҳаққий деб топиш ҳақида судга қарши даъво тақдим этади. Суд уш айрим даъво мuddати ўтиб кетганлиги боис К.Салимованинг даъвосини рад этиш ҳақида қарор чиқаради. Ж.Кулишевнинг қарши даъвоси эса қисман қаноатлантирилади.

Энди қонунга мурожаат қиладиган бўлсак, ФКнинг 228-моддасига мувофиқ «Мулкдор ўш мол-мулкни бошқа шахснинг ноқонуний эгалигидан талаб қилиб олишга ҳақли (виндикация)». Ушбу ҳолатда П.Паргиве николи уйни сотиш ҳуқуқига эга бўлмаган Х.Қосимовадан сотиб олганлиги учун гайриқонуний эгалловчи ҳисобланади. Т.Салимов эса виндикация даъвоси рад этилганлиги туйғайли Х.Қосимовадан етказилган зарарни ундириш ҳақидаги даъво билан судга мурожаат қилиши мумкин. Чунки ФКнинг 163-моддасига кўра жиноят туйғайли етказилган зарарни тўлаш ҳақидаги талабга нисбатан даъво мuddати қўйланмайди.

Кези келганда бир ҳолатга эътиборингизни қаратмоқчимман. Юқоридаги низо мисолдан ҳам кўрииб турибдики, фуқароларимиз ўзларининг ҳақ-ҳуқуқларини тўғри тушуниб етимаган. Натияжасини эса кўриб турибди кўйлаб учрайдим.

Нимаям дердик, Боситхон ака ҳақ. Бу масаланинг бир томони. Энди эса, ҳар иккала мисолда бевосита қатнашган, аммо иштироки ҳақида сўз юритилмаган яна бир шахс — нотариус ҳақида тўхталсам.

Маълумки, олди-сотди шартномаси бўлмаса, сотувчи мулкни сотол-



tdошларимиз ҳақида тез-тез эшитишга тўғри келмоқда. Қолаверса, бўлимингизга ҳам шу маънода кўлаб шикоятлар келиб турибди. Узоққа бормайлик, ўтган ойда шунга ўхшаш бир шикоят билан танишишга тўғри келди. Маълум бўлишича, арзвачи Б.Бўриев (исми-фамилиялар маълум сабабларга кўра ўзгаририлган) 1993 йилда бир вақтарини сотиб олади ҳамда келишилган пулни гувоҳлар иштирокида уй эгаси Қаҳҳоровга бериб, бу ҳақда ундан тилхат олади. Аммо айрим сабабларга кўра уйни ўз номига расмийлаштирмайди. 1995 йил феврал ойида туман судининг ҳал қилув қарорига асосан квартиранинг аввалги эгалари — эр-хотин Қаҳҳоровлар учта воёга етмаган қизига нисба-

Фуқаро К.Салимова 1998 йилнинг бошларида ўғлининг номидан бўлган квартирасини вақтинча яшаб туриш учун фуқаро Х.Қосимовага берган. Уша йилнинг май ойида К.Салимованинг ўғли Т.Салимов жиноят содир этиб, хибсага олинади ва тергов бошланади. Бундан хабар толган ижарачи Х.Қосимова тинч ўтирмайдиганда, квартиранинг ҳужжатларини қалбақлаштириб, 1998 йил июл ойининг бошида олди-сотди шартномаси орқали Т.Салимовдан квартирани сотиб олади (кейинчалик ўтказилган экспертизанинг хулосасига кўра олди-сотди шартномасидаги Т.Салимовга тегишли эмаслиги аниқланади. Ваҳоланки бу пайтда Т.Салимовнинг иши ҳали терговда



## Иш ва яшаш жойлари нодоник

Фуқаролар ўртасида ҳуқуқбузарликка қарши кураш жараёнида базан яшаш ва иш жойи нодоник шахсларга дуч келамиз. Республика прокуратураси органлари томонидан мана шундай шахсларни соғлом турмуш тарзига қайтаришга оид қонун ва норматив ҳужжатлар ижроси юзасидан мунтазам назорат ўрнатилган. Жорий йилнинг 9 ойи давомида республикамиз бўйича 21.758 та ана шундай иш ва яшаш жойи нодоник шахслар реабилитация марказларига келтирилган. Уларнинг 17926 тасини эркаклар, 3828 тасини аёллар ташкил этади. Бу шахс-

ларнинг 2129 нафари МДХ, 109 нафари эса бошқа хорижий давлатлар фуқароларидир.

Энг ачинарлиси, 5650 та шахс реабилитация марказларига икки ва undan ortiq марта келтирилган. Марказ қарамоғида вақтинча бўлган ушбу шахсларнинг 5209 таси 16 ёшдан 25 ёшгача, 9052 таси 25 ёшдан 45 ёшгача, 7497 таси эса 45 ёшдан 60 ёшгача бўлганларни ташкил этган. Уларнинг 40 нафари бедарак йўқолган деб ҳисоблаб келинган бўлса, 138 таси эса суд ва терговдан қочиб юрганлардир. 253 нафари қидирувда бўлган.

Ўтган 9 ой давомида иш ва яшаш жойи

нодоник шахсларни реабилитация қилиш марказларида 344 та жиноят фош этилди. Ушбу жиноятларнинг 3 таси қотиллик, 10 таси талончилик, 18 таси боқчинчилик, 159 таси ўғрилик жиноятларидир. 154 та жиноят эса бошқа квалификациядаги жиноятлардир.

Бундай шахсларни соғлом турмуш тарзига қайтариш учун кенг жамоатчиликнинг ҳамжиҳатлиги жуда муҳимдир.

Жасур ОХУНОВ,  
Республика Бош прокуратураси  
бўлим прокурори



Хар бир инсон яшаш ҳаёт кечиришни оруз қилади. Унинг қандай яшаш кўп жиҳатдан ўзинга боғлиқ. Биз журналистлар кўпинча машҳур кишиларнинг ҳаёти билан қизиқамиз. Лекин шароббўриликка берилиб ўйсиз яшаётган дайдилар, халқ тили билан айтганда «бомж» бўлиб қолган одамларга эътибор ҳам бермаймиз.

## Уларнинг ҳаётдан умиди борми?

Келинг, мушоҳада қилиб кўрайлик. Ҳўш, улар қаердан келиб чиқаяпти? Бундай кишиларнинг жамиятга бирон зарари борми? Аслида «бомж»ларнинг мавжудлиги жамият учун салбий ҳодиса ҳисобланади. Фикримча, бундай одамларнинг келиб чиқишига кўп ҳолларда уларнинг маънавий камбағаллиги, ҳаётнинг турли синовларига бардошсизлиги сабабдир. Солиштириш учун мисол келтирайман.

Талабаликнинг илк кўллари эди. Курсдошларим билан яқиндан танишиш мақсадида ётоқхонага бордим. Дугоналарим билан чакчақлашиб ўтирсак, эшик тақиллаб қолди. Сўнг кўзига қора кўзойнак таққан бир кишининг жилмайиб турганини кўрдим. У дугонамдан китоб сўради ва тезда ортга қайтди. Дугонамнинг айтишича, Абдурашид исмли бу киши асли самарқандлик бўлиб, автоавария туфайли кўзлари кўрмай қолган экан. Иложсиз нарсанинг ўзи йўқ деганларидек, у уйда ногирондан деб ўтириб олмасдан мустақил равишда юришни машқ қила бошлабди. Ҳаво тўлкинланишини англаш, товушни фарқлаш, чамалаш каби тўйгуларни ривожлантириб радиотехник қурилмаларни таъмирлашни ҳам ўзлаштирибди. Бу ўта хайратланарли эди. Кўрмасдан туриб магнитофоннинг энг майда қисмларини ҳам фарқлаш, уларни жой-жойига қўйиш мумкинми ахир? Абдурашид эка кўр ўтмай бу хунарни ўзлаштириб оиласини бемалол таъминлай бошлабди. Узининг муваффақиятлари билан чеklangини қолмай, ўтган йилги талабалар сафига қўшилибди. Тўрт мўчаси соғ бўла туриб ҳаёт учун курашишни, меҳнат қилишни истамайдиган дайдиларни эса иродасиз деб аташдан бошқа илож йўқ.

Хар бир ёмон нарсадан ахши жиҳатни топиш мумкин. «Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукур қил», дейди доно халқимиз.

«Бомж»ларнинг эшиги очик қолган хонадонга кириб, қўлга иллинган нарсани олиб кетган ҳоллар кўп кузатиладган. Улар орасида ўғирлик қилмай, чқиндилар орасидан қоғоз, эски-туски нарсалар, шиша идишлар, металл парчаларини йиғиб тегишли жойларга топшириб, кунини кўраётганлар ҳам бор. Сарсон-саргардон турмуш кечиратганларнинг рўйхати маҳалла кўмиталари ва ички ишлар бўлимларида мавжуд. «Бомж»лар орасида етук мутахассислар, солиҳ кўрабй хизматчилар ва бошқа соҳа ходимлари бор экан. Оиладаги тотувликнинг барҳам топиши, фарзандларнинг оқибатсизлиги туфайли қариган чоғида кўчада қолганлар ҳам йўқ эмас.

«Бомж»ларнинг турмуш тарзи, аввало, хар бир инсон учун сабоқ бўлиши керак.

Гули ҲОЖИБОЕВА,  
журналист

Анчадан бери қўни-қўшниларнинг «Пиёниста, ўзинг етмагандай шерикларингни ҳам йиғиб келдингми?» дея жеркинган овозлари тез-тез қўлқоққа чалинарди. Шу боис топишиқ бўйича материал тайёрлаш учун «қахрамон»ни топиш қийин бўлмади.

«Қахрамон»имиз гоҳ эрталаб, гоҳ кечки пайт ўзи олдига пайдо бўлиб қоларди. Базан ўта пўрмин кийиниб, кўқарган кўзларини яшириш учун қора кўзойнак ҳам тақиб олса, бошқа сафар ўша кийим-бошининг аҳолига қараб бўлмасди.

Хуллас, бу инсон билан сўхбатлашган, унинг ҳаётини ўзи қандай хижоя қилган бўлса шундай ёзишга ҳаракат қилдим (исм-фамилиясини келтирмадик шартти билан).

— Эшиттишимча, сиз машҳур спортчининг аёли бўлган экансиз.

У сигарет тутатар экан, «ха, мен хали ҳам ўшандайман» дегандай анчадан бери тароқ тегмаган, ран-

— Шу орада уйимни, яшаш жойимни алмаштиришимга тўғри келди.

— Нера?

— Эрим ёш бир қизнинг ному-сига тегиб, 7 йилга қамалиб кетди. Бу воқеадан кейин қўни-қўшнилар, атрофдагилар менга, қизимга ола қарайдиган бўлишди. Ўшанда қизим 15 ёшда бўлиб, эримнинг қилмиши мен учун ҳам, қизим учун ҳам оғир инсонд эди. 19 йил бир жойда аҳил-иноқ яшаган қўшниларни тарқ этишга тўғри келди. Биз марказдаги уйимизни Юнусободнинг 9-қварталдаги уйлардан бирига алмаштирдик. Бу орада Саратовдан онам етиб келди ва қизимни ўзи билан олиб кетди. Энди бегона шахарда нима ҳам қилардим, на қариндошим, на эрим бор... Уйни ижарага бердим-да, ундаги жиҳозларимни сотиб, мен ҳам юртимга кетдим.

— Нера яна қайтиб келдингиз?

— Бу орада яшамганимдан кейин уйни сотишам ва пулини олиб

никоҳимиз йўқ. Мен ҳам, у ҳам буни хоҳламаймиз.

— Сизга қараб ўтириб, гапларингизни эшитиб, бир нарсга ҳайрон қолялман. Тўпна-тузук хунарли экансиз-у, ҳали у ер-ҳали бу ерда қўни топасиз, тўғрироғи, яшаш жойингизнинг тайини йўқ. Албатта, бу шахсий иллингиз, лекин ичиб, элдан ажралгандан кўра, иродали бўлганингизда ҳозир кўркам ҳаёт кечирмасингиз? Ёки яхши, чиройли турмуш кечиришни хоҳламайсизми?

— Бўлмасам-чи! Хоҳлаганда қандоқ! Агар эрим ўзимда бўлганда ўзим учун хар қандай шароитни яратган бўлардим.

— Бунинг учун сизга нима халақит беради?

— Мен эрта тонгда ишга кетаман. Ке-журон келганимда эрим маст-аласт дўстлари билан кутиб олади. Албатта, мен ҳам бошқалар каби ишдан кейин дам олишни хо-

# «Ҳамма қатори одам эдим...»

гини ажратиб бўлмайдиган сийрак сочларини текислаб, гап бошлади:

— Мақтабни тугатганимдан сўнг Саратов шахридаги қишлоқ хўжалик институтига ўқишга кирдим. Ўқиш даврида хоккейчи В.Ларенцев билан танишиб, унга турмушга чиқдим. Валерий уйда кўп бўлмас, ҳали у-хали бу шахарга хизмат сафарига бориб турарди. Бир гал уни Тошкентга — «Бинокор» командасига таклиф қилишди. Валерий аввалига кўнмади. Тўққизинчи марта таклиф қилишгандан сўнг биз Тошкентга кўчиб келдик. Шу ерда ўқишимни тугатдим. Кўп ўтмай қизили ҳам бўлди. Ҳаётимиз ширин кечар, биз учун кенг имкониятлар очилган эди. Бу орада инглиз тили бўйича уч йиллик курсни битириб, дипломга эга бўлдим...

У хижоя қилган сайин, ҳайратим ошиб борарди. Назаримда, нафақат мен, балки унинг шу пайтдаги афт-ангорини кўрган хар қандай бошқа одам ҳам бу гапларни эшитиб, ишонмаслиги мумкин эди. Бирок, инсон тузилган заҳоти ўғри, каззоб ёки фирибгар бўлмаганидек, рўпарамдаги бу аёл ҳам дайди бўлиб турилмагани-ю унинг ҳам рисоладагидек ўтмиши бўлгани айна ҳақиқат эди. Унга хайрат билан тақиллаб турганим бошқача таъсир қилди шекилли, ўзини ўша пайтдагидек ёш, ўқимишли қилиб кўрсатгиси келарди.

— ...Аввалига котибалик, сўнг официантлик қилдим. Кейин «Ўзбекистон» меҳмонхонасининг хорижий бўлимида бармен бўлиб иш бошладим.

— Шунча соҳага эга бўлган одам нега ўйсиз, ишсиз, пиёниста аёлга айланиб қолгансиз? — унинг гапини бўлиб, сабрсизлик билан сўрадим. Аёл сигаретни бурқситиб тутатар экан, истеҳзоли кудди-да, гапида давом этди:

кетимин керак эди. Шунинг учун 1991 йили яна қизим билан Тошкентга келдик. Маълумки, уй сотиш тез битадиган иш эмас. Бу орада қизим шу ерлик бир йиғит билан танишиб, унга турмушга чиқди. Ниҳоят уйни сотадиган бўлдик. Бирок харидор пулни бермай бизни алдаб юриб, ўйни бошқа бировга сотиб юборибди. Суриштиришга тушдик. Аммо у ўз юрти — Қаршига кетди. Кейин қизим ҳам эри билан Москвага кўчиб кетди. Мен эса турмушга чиқдим.

— Сиз келиб-кетиб турадиган уй эгасигами?

— Ҳа. Унинг отаси полковник, онаси оламдан ўтган. 3 хонали уй бор эди (кейин билсам, эрини ҳам отаси бир хонали уй олиб бериб, ҳайдаб чиқарган экан — М.Д.).

— Нера биринчи эрингизнинг қамоқдан чиқисини кутмадингиз? Ахир уқизингизнинг отаси эди-ку?!

Дарҳол унинг туси ўзгарди.

— Ҳм... Ҳозиргина айтдим-ку, у номусга тегиб қамалди. Мен бундай одам билан ишломасдим. Қизим ҳам буни хоҳламади. Хуллас, эрим қамоқдан чиққан, ажрашдик. Кейин у Москвага қайтиб кетди.

— Ҳозирги турмуш тарзингиз гаҳида...

Ҳақим тугамасданок у гапирар кетди:

— Ҳозирги эрим билан 12 йилдан бери биргамиз. Бирок расмий

лайман.

— Сир бўлмас, қаерда ишлайсиз?

— Кафеда. Идиш-товоқ ювман. Ейиш-ичишим яхши. Уйга, дўстларимга ҳам у-бу нарсалардан олиб келаман.

— Ичшини қачондан бошлагансиз?

— Соҳам бўйича 15 йил ишладим. 6-разрядли бармен бўлганман. Инглиз тилини яхши билганим ўшанда роса қўл келганди-да!..

У бу гапларни инглизча талаффузда гапирар экан, «мана, кўрдингми, мен ҳатто чет тилини ҳам биламан» дегандай тўсатдан ўтиришини ўзгартди. Беозоригина ўтган умрига афсусланган кўйи ҳасрат қилиб ўтирган бу аёл кўз-очиб юмгунча гурур билан қаддини ростлади. Сигаретнинг кулини ўзгача бир ишва билан қоқар экан, виторқ билан гапида давом этди:

— Телемноранда иш бошлаб, «Наврўз» ресторанида олиёй табакдаги кишилар учун хизмат қилдим. У ерда ичиш учун ҳамма шароит бор эди. Елғизликни, кўржинчи энгшининг ягона йўли шароб ичиш эди. Ичсам, ҳаммасини унутаман.

— У ерда шунча шароит бор экан, нима сабабдан ишдан кетдингиз? Ёки ҳайдашганим?

— Йўқ, ҳайдашганим! Одамзотнинг феълқизиқ, Рўпа-

рамдаги аёл ҳам ўтмишини ўз оғзи билан айтиб турибди. Қолаверса, унинг ўз хоҳиши билан ишдан кетганидан кўра ҳайдалгани аниқроқ бўлиб тургани ҳолда, буни ҳеч тан олгиси келмасди.

— Унда ўз хоҳишингиз билан кетган экансиз-да?

— Йўқ, ошхонамиз ўзини маб-

лаг билан таъминлай олмагани учун ходимларни турли хусусий корхоналарга ишга жўнатишди.

— Айтмоқчи, паспортингиз борми?

— Паспортимдан кўчирма бор.

— Турар жойингиз бўйича қаерда рўйхатда турасиз?

— ...

— ...Сиз ўзингизнинг кўчада қолган дайдилар қатори ҳаёт кечиришингизни биласиз-ли? Шундай бўлса, бундан афсусланмайсизми?

— Йўқ, уйим, эрим бор...

Ҳа, у ўтмишини оғзига хар қанча безамасин, барибир ташқи кўриниши-ю ўзини тутиши ўзининг тарихи қандай кечганини ақс эттириб турарди. Ваҳоланки, ҳеч бир ташқи-лот ўз иччисини, айниқса уқобилиятли бўлса, йўқотишни истамайди.

«Қахрамон»имнинг ишсиз қолишига сабаб мунтазам равишда спиртли ичимлик истеъмол қилгани бўлса, ажабмас.

Сўхбатдошимнинг гапларидан келиб чиқадиган бўлсам, у гўё ҳамма қатори уйли-жойли-ю, фақат топганини ичиб йўқотадиган одамлар сирасидан. У билан гаплашганимга бир ойга яқин вақт ўтди. Мавзун қандай ёритишни кераклигини анча ўйлаб юрдим. Бирок шу кўнларда уйга қайтаётган чоғим, бир нималар деб гўлдиратган, ҳатто туришга мажбур йўқ, ўзини бошқара олмай бир аҳволда қадаги кишилар экан айлиб кўрдим. Ундан анқиб турган қўлсан хиддан кишининг кўнгли айнир даражада. Кун эса совуқ. Ўша кунги сўхбатдошимни таниб, жуда ачиндим. Бейхитёр унинг «...қизимнинг ҳаёти чиройли, тартибли ўтишини чин дилдан истаيمان, бунинг учун яратганга доимо илтижо қиламан» деган гапи эсимга тушди...

Маммура ДЎСТЕРОВА

Маҳалла оқсоқоли бўлмиш Зоҳид Каримов (исм ва фамилиялар ўзгартирилган) гузардан уйига қайтар экан, кимдир қақир-гаңдек бўлди. Қараса, дўкон олдида маҳалладоши Погодин турибди.

— Ҳа, оқсоқол, уйгами?  
— Уйга. Ўзинг нима қилиб турибсан? Яна ичдингми?

— Э-э, уйнинг ҳужжатларини йўқотиб қўйдим. Нима қилай-а? Аламинини ичкиликдан олаяпман-да.

— Ўғлинг Украинада эди, шеклиди, хат-хабар йўқми?

— Жимжит. Пулсиз қийналиб кетдим. Шунга уйимни сотмоқчиман. Яхшиямки яқинда мактабдошимни учратиб қолдим. Ҳужжатларни тўлашда ёрдам бераётган. Уйни сотишга ҳам ёрдам бераётган.

— Хўп бўлмаса, омадингни берсин.

Оқсоқол у билан хайрлашар экан, кўнглидан «Ўзи беозор одам. Аммо топганини ичиши яхши эмас-да. Балки ҳужжатларини ҳам қайфда йўқотиб қўйган-дир? Мактабдоши ёрдам бераётган бўлса яхши бўлибди. Дунёда савобталаб одамлар ҳам бор. Умридан барака топсин» деган ўй ўтди.

Орадан кўп ўтмай Погодин уйини сотиб юборганини эшитди. 2006 йилнинг бошида эса унинг мурдаси топилганини эшитиб хайрон қолди...

Овқатланиш учун йўл четидаги ошхонага кирган Бахтиёр Шамсиевнинг кўзига столлардаги қолган нонларни йиғиб юрган одам таниш кўринди. Яхши-лаб қараса, мактабдоши Погодин.

— Ҳа, Сашка, қорин очдим?  
— Ия, Бахти, ўзингмисан?

Сўрашишди. Шамсиев Погодиннинг аҳволини тушуниб, ўтиришга таклиф қилди. Унга ҳам овқат буюртди. Бироз суҳбатлашгач, хайрлашишди.

Уч кундан кейин Шамсиев яна Погодинни учратиб қолди.

Погодин маст эди, мактабдошини кўрган заҳоти ҳаётидан нолишни бошлади. Унинг айтишича, қарзи жудаём кўп бўлиб, қайтаришга ҳеч ҳам имкони йўқ экан.

— Мана, яқинда шундайлардан иккитаси келди. Пулни қайтармасам, уйимни олиб қўяр эмиш. Пулни қаёқдан оламан, хайронман? Шунга уйимни сотсаммикан деб турибман. Ёрдам берайсаними?

Погодиннинг уч кун олдинги аҳволини кўриб, қўлдан келганча меҳмон қилувди. Ҳозир эса унга ачингандек бўлди.

— Гап йўқ, ёрдам бераман. Уйнинг ҳужжатларини тайёрлаб қўйгин. Харидорни ўзим топаман.

— Ҳужжатларни йўқотиб қўйганман-да. Аммо-чи, шу ишга ёрдам берсанг, сени ҳам қуруқ қўймасдим. Мени биласан-ку!..

Маълумки, йўқолган ҳужжатларни тиклаш осон иш эмас. Бунинг учун Бахтиёр Шамсиев анча елиб-югурди. Ниҳоят, ҳаммаси тахт бўлганда харидор ҳам топилди, савдо ҳам пишиди. Ҳовли сотилди.

— Мана, Сашка, уйингни ҳам сотдинг, қарзларингдан ҳам қутулдинг. Энди хурсандимсан?

— Бўлмасам-чи, ўртоқ, Яхшиям сен бор экансан, анча ёрдам бердинг.

— Энди гап бундай, ҳов бир марта учрашганимиз эсингдими? Одамлардан қарзим кўп деганинг?

— Эсимла.

— Ўшанда қарзларингни мен тўлаган эдим. Бу ҳам ёдингдир? Кейин бўлса, йўқолган ҳужжатларингни тиклаш учун йиғиб қўйган 2 миллиондан кўпроқ пулим кетди. Қолаверса, уйингни сотишдан тушган пулга мана, бинойидек кийиниб олдинг. Тишларинг-

ни доволатдинг. Гапларим тўғри-ми?

— Бахти, қизиқ экансан-ку! Мен сенга бир нарсая депманми?

— Шунанга экан, оғайни, энди келишиб оласан. Ўша пулларни менга қайтарсанг.

— Гап йўқ. Қанчасини оласан?  
— Э-э, кўп керак эмас. Хўш, ҳужжатларга кетган пул ҳисобидан 2000 кўхидан берсан бўлади. Яна, майли мукофот тариқасида 200 берақол. Розимсан?

— Ҳисоб, ўртоқ. Сен нима десанг шу.

— Яшавор! Айтмоқчи, менга қара, энди шунча пулни нима қиласан? Қарзларингдан-ку қутулган бўлсанг.

— Хайронман?  
— Бўлмасам-чи, бир иш қил-сак. Авваламбор сенга квартира олишимиз керак, тўғрими? Бўлмаса қарда яшайсан? Қолган пуллари эса ҳозирча менда турсин.

тегар?  
— Ёзда бир танишимнинг ҳовлисини сотишга ёрдам берган эдим. Эвазига икки хонали квартира ҳам олиб бердим. Ҳолидан хабар олиб турибман...

— Унда нимага бошингиз қотадил?  
— Гапимни бўлма, охиригача эшитсанг-чи! Хуллас, чол бир ўзи яшайди. Очиғи, жонимга теғди. Нима, ундан бошқа қиладиган ишим йўқми мени? Шунга бир иш қилмоқчиман. Ёрдам берасанми?

— Қўлимдан келса, гап йўқ.  
— Чолнинг ҳовлисидан қолган анчагина пул менда. Ўзи-ку, бағирбир эртами-индин ўлиб кета-

— Собир, уйдимсан? Тез кийиниб чиқ. Эртага қолдирмайлик.

Улар йўл-йўлакай Погодинни ҳам олиб, тўғри чойхонага келишди. У ерда қарияни яхшилаб меҳмон қилишди. Сўнгра Б.Шамсиев кўчадан машина ушлаб келди-да, Собирга «ичкиридан пичоқ олиш эсингдан чиқмасин» дея ўзи чолни ташқарига бошлади. Улар ўтирган машина шаҳар четига яқинлашганда, Шамсиев ҳайдовчига тўхташни айтиб, шу ерда тушиб қолишди.

— Анави буджанинг ёнига олиб борамиз. Ҳеч ким кўрмайди.

Б.Шамсиев шундай дея Погодинни ўша ерга судрай бошлади. Кўзлаган жойига келди, шекил-

# ЯХШИЛИК ЁВУЗЛИК НИҚОБИДАГИ

Керак пайтда олиб ишлатаверсан. Ҳафтасига 100 дан бериб турсам бўлаганими?..

\*\*\*

Орадан роппа-роса бир ой ўтгач, Б.Шамсиев ҳовлидан тушган пулнинг 2700 долларига Погодин учун икки хонали квартира сотиб олди-да, калитини унга берди. Аммо нима учундир квартирани ўғлиннинг номига расмийлаштирди. Балки, айнан ўша кунларда унинг қалбида долларларга эгалик қилиш ниёти пайдо бўлгандир?!

Шу воқеадан беш ой ўтиб Б.Шамсиев қўчада қўшиниси Собир Алиевни учратиб қолди.

— Бахтиёр ака, кайфиятингиз йўқроқ?  
— Э-э, биттасига яхшилик қилмоқчи бўлувдим. Энди бўлса... Бошим қотиб қолди, укам.

— Нима бўлди, балки ёрдамим

ди. Орқасидан сўрайдигани ҳам йўқ. Шуни бегона қилмай, чолни йўқ қилишга ёрдам берайсаними? Айтганини бераман.

— Бахтиёр ака, нималар деяп-сиз?

— Ўйлаб кўр, ука. Баҳонада уч-тўрт сўмлик бўлиб оласан.

Икки кундан кейин Б.Шамсиев Собирнинг уйига келиб, уни ўзига «ёрдам» беришга ундай бошлади. Аввалига анча тайсаллаган С.Алиев охири 1200 доллар эвазига ёрдам беришга рози бўлди.

Қўшиниси билан маслаҳатни бир жойга қўйган Б.Шамсиев оқорида зикр этилган квартирани 2900 долларга сотиб, уйнинг янги эгаларидан «Бу ерда бир рус чол ижарада яшаётган эди. Бир ҳафтача кутиб туринглр, бўшатиб беради» дея илтимос қилди.

\*\*\*

ли, қарияни ерга ётқизди. С.Алиев шу заҳоти Погодинга пичоқ урди-ю иккаласи бу ердан жуфт-жуфт растанди. Собир нарироқ боргач, пичоқни отиб юборди...

\*\*\*

Суд ҳукми ўқилди. Б.Шамсиев 15, С.Алиев эса 16 йилга озодликдан маҳрум этилди. Аммо... Бировга яхшилик қилиш ҳалқимизга хос фазилатдир. Бахтиёр Шамсиевни танишмасан-да, қаровсиз қолган бир қарияга яхшилик қилаётганини эшитган Погодиннинг маҳалладошлари миннатдор бўлиб, «яхшиямки орамизда шундай инсонлар ҳам бор» дея уни орқаваротдан алқашган бўлишса керак. Аммо одам олмаси ичида дейдилар-ку...

Отабек ФУЗАЙЛОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма катта прокурори

Улфатлар Сурэн Сафаровнинг Учқудуқ шаҳар марказидаги уйига йиғилишди. Хонадоннинг эркатой ўғли Сурэн онаси Татьяна бирон жойга кетса бас, дўстлари билан маишатни бошлаб юборди. Бундай улфатчиликлар қизларсиз ўтмаслиги тайин.

Унинг бутунги улфатлари ака-ука Шамил ва Жамил Қудиевлар билан Николай Казақчиков эди. Одатдагидек бугун ҳам қизлардан Оксана Ширинбекова таклиф қилинди. Ҳамма топганини ўртага ташлади. Дастурхонда ароқ билан газакдан бошқа ҳеч нарса йўқ. Хонадон эгаси меҳмонларнинг хиз-

## Кулга

## айланган жасаг

матида. Улфатчилик авжига чиққанида, қутилмаганда эшик тақиллаб қолди.

— Ярим кечада келган ким? — дея қичқирди Сурэн безовталаниб.

— Мени танимайсанларми, Ринат Мурсекаевман. Сизлар билан улфатчилик қилмоқчиман. Кўрқманглр, ўзининг насибамни кўтариб келдим.

Эшик очилгач, Ринатнинг ширакайфлиги маълум бўлди. У олиб келган яримтасини дастурхонга қўйди. Сўнг шаробхўрилик давом этди. Олдинга меҳр-оқибат ҳақида

баҳслашишди. Сўнг эса...

— Мен қўйган ароқни охиригача оласан, — деди Ринат Оксанага қараб.

— Шусиз ҳам кўп ичдим. Орти-нини кўтаролмайман, — деди Оксана ялинган оҳангда.

— Бошқаларнинг қўлидан ичасан, лекин менинг...

— Ичишни хоҳламаяптими, зўрлама, — деди Жамил қатъий оҳангда Ринатга.

— Эракларнинг ишига аралаш-ма. Аке ҳолда кўрадиганингни кўра-сан.

— Сен эракмисан? Бу ҳезалак-нинг гапини қаранглр.

Хона бир пасда қий-чув бўлиб кетди.

— Сен бизни ким деб ўйлаяп-сан? — дея жим ўтирган Шамил

ёнидаги табуретка билан Ринатнинг бошига туширди. Кўп ўтмай Жамил қаерландир салофан халта топиб келиб, Ринатнинг бошига кийдириди. Уни Шамил босиб турди. Ринатнинг типирчилаб ялини-ёлворишлари фойда бермади. Кўп ўтмай нафаси сиқилган Ринат Мурсекаев тинчиб қолди.

— Бўлар иш бўлди. Энди жасадни йўқотишимиз керак, — деди Шамил уйдагиларга. — Аке ҳолда ҳаммамиз қамоқда ўлиб кетамиз.

Гапни бир жойга қўйишгач, улфатлар жасадни Сурэннинг маши-

насига ортиб, тун ярмида Учқудуқдан чиқиб кетишди.

Тонга яқин улар шаҳардан унча узоқ бўлмаган барханларга етиб келишди. Жасадни йўқотиш учун кумликдан ярим метрча гўр кова-



лашди. Уни ерга қўйишгач, устидан бензин сепиб ёқиб юборишди. Жасаг қуйиб кул бўлгунча кутиб туришди. Сўнг кўмиб ташлашди.

Қотиллар шаҳарга қайтиб келганда кун ёришаётганиди.

Ушбу жиноятни фош этиш терговчилар учун осон кечмади. Энг асосийси, суд жиноятчиларга қилмишига яраша жазо тайинлади.

Бахрилло КАЗАКОВ,  
Навоий вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

## ҚОТИЛ «ИЧКУЁВ»

Бетартиб ҳаёт тарзи, ичкиликка ружу қўйиш оқибати фожиа билан яқун топиши маълум. Буни Юрий Вазяк томонидан содир этилган жиноят мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Қирқ ёшни қоралаб қолган, содир этган жинояти учун жазо ўтаб чиққан Юрий ҳаётини йўлга солиб олиш ўрнига топганини «шайтон суви»га сарфлашни одат қилди.

Ушшатмасдан учратмас деганларидай Юрий худди ўзи каби ичкилик бандасига айланган Марина исмли аёл билан танишиб олади ва унинг уйда «ҳамхона» бўлиб яшай бошлайди. Бу уйда Маринанинг етмишдан ошган беозор отаси Борис Петрович ҳам яшар, турган гапки, унга пиёниста «ичкуёв» унчалик маъқул эмас эди. Ахир ишининг тайини йўқ, бунинг устига топганини ичадиган куёвга кимнинг кўзи учиб турибди.

Тўғри, Юрийни фирт бекорчи деб бўлмас, у Янгиобод бозорида эски-туски сотиб нонга, ундан ҳам муҳими винога лойиқ пул топиб келар эди. Ана шундай кунларнинг бирида Маринанинг отаси «хунар» кўрсатади. Одатдагидай винохўрликдан ширакайф ҳолатга қайтган «ошиқ-маъшуқлар» Борис Петрович уйдаги газ плитасини кимларгадир сув текинга сотиб юбориб, пулга вино ичиб ўтиргани устидан чиқиади.

Ўртада жанжал чиқди. «Қайнота» куёви ва қўзини кимлардир эшикни бузиб газ плитани олиб кетгани ҳақидаги чўлчугига ишонтиролмагач, оёзига келганини қайтармай «ичкуёв»ни сўка бошлайди.

Ҳазабланган Юрий қўлига илинган пичоқ билан ҳимоясиз қарияга ташланади. Газ плитани деб бошланган жанжал қотиллик билан яқун топади.

Тергов давомида айбига тўлиқ иқдор бўлган Ю.Вазяк мастлик сабаб бу жиноят содир бўлганини рўқча қилди. Тўғриси ҳам шу: ичкилик кулига айланган одам маънан қашшоқ, иродасиз, жамиятда ҳеч қандай ўрни бўлмаган кимсга айланади.

Ш. ТУГАЛОВ,  
Ҳамза туман прокуратураси терговчиси



— ...Ўттиз эттинчи касалхонада!  
Олга Сергеевнанинг дармонида қуриб, телефон гўшаги қўлидан тушиди. Беҳол сўлга «чўкди». Хушнинг йиғиб қўйган «чўкди» қилди.

— Махмуд, Руслан... — деди-ю, ўпкаси тўлиб йиғлаб юборди. Асли фарғоналик Махмуд Акрамович «волнение»га чиққанида кинотеатрда танишиб қолган хушбичим, қорасоч, қоракўз қизга ошқ бўлиб, ҳарбий хизматни битирганидан сўнг Москвада қолган, қиз ҳам йигитни севиб, турмушга чиққан эди. Катта қизлари Валентина уйли-жойли, битта неваралари бор, ўғиллари Руслан йигирма олтига кирган, уйланиш тараддуқда эди.

— Нима, нима бўлди?

— Тезда етиб келинг! Касалхонада экан!... — «отиб қўйишди» дейишга тили бормади. Кўз ёшларини артиб «Битта-ю битта ўғилганимни қўл кўрмагин, худди!» дея ултихо қўлганча айл-талил кийиниб, тўққиз қаватли бинонинг иккинчи қаватидидаги эшикни кулфлашни ҳам унутиб қўйганча чопди. Эрини кутмасдан такси тўхтатди. Улкан шаҳарнинг нариги чеккасидаги касалхонага етиб боргунча қанча вақт ўтганини сезмади. Махмуд Акрамовичнинг қора «Волга»си дарвоза ёнида турарди. Хотинини касалхонанинг қабулхонасида қарши олди. Сўраб-суриштириб реанимация бўлимига кириб боришди.

— Руслан Султонов... — Махмуд Акрамович йўлакда рўпара келган врачга оғиз очди.

У қўларини олиб қочди.

— Моргта учранлар, — деб биров куваётгандай тез-тез юриб кетди.

— Ох! — Олга Сергеевна юрагини чангаллаб, хушнинг йўқотди.

— Ким бор?!

Чопиб келган икки ҳамшира уни дарров гилдиракчали замбилга ётқизиб, аллақайда олиб кетишди.

У моргни излаб тоғди. Оқ халатли йигит эшикни очиб, ичкарига бошлади. Чека столдаги чойшаб ёпишган жасаднинг юзини очди. Махмуд Акрамович уни кўчқлаб ўкраб юборди. Уларнинг ортидан кириб келган Валентина елкасига кафтини қўйди. «Дада...». У қаддини ростлаб қизини бағрига босди. «Укангдан айрилиб қолдик!». Пиқ-пиқ йиғлаётган Валентинанинг кўз ёшларини артди. «Аянг-ча қара... Бехушлигида қайси палатага ётқизишди, билмайман...».

Руслани қабрга қўйиб, таъзияга келганларни кузатганларидан кейин Махмуд Акрамович касалхонага хотинини кўргани жўнади. Валентина меҳмонхона столидаги дастурхонини йиғиштириб, ўзини диванга ташлади. Юзини ёстўжа босиб, тўлиб-тўлиб йиғлаётганида эшик кўнги-роғи жириглади. Остонада боя палатарида кўзи тушган нотаниш одам турарди. Узини танитиб, гувоҳнома-сини кўрсатди.

— Марҳамат, кираверинг... — уни ошхонага бошлади. — Узр, ҳаммаёқ бесаранжом...

— Ҳечқиси йўқ. Қўл вақтингизни олмайман, — деди терговчи.

— Чой ичасизми, қаҳвами?

— Чой ичасиз, қора чой... Ташкентда ўқиганман!

Леонид Алексеевич кўрқ ёшларда, оқ-сарикдан келган, бироз қорин қўйган, кинолардаги терговчиларга сираям ўхшамасди.

— Даданинг бообу одамлардан экан, — у чойни ҳўплаб, гапни узқандан бошлади...

Махмуд Акрамович харбийдаги касби — ошпазлик қилиб, аввал оддий ошхонада, кейин ресторанда ишлаган эди. Собик СССР Вазирлар кеңашидикиндир бўлимининг бошлиғи бўлиш фарғоналик ҳамшаҳарининг дачасида бир-икки бор меҳмонларга хизмат қилиб, тенги йўқ пазанда сифатида тилга тўшганди. 1970-йилларнинг охирида Совет иттифоқининг Канададаги элчихона-сига ишга юборишди. Қайтганидан сўнг «Волга» сотиб олди. Москвадаги энг нуфузли «Спутник» меҳмонхонасининг ресторанида бош ошпазликдан директор лавозимига кўтарилди. Юртидан турли юмушлар билан келган таниш-нотааниш меҳмон-

лар учун ҳамиша эшиги очиб эди. У пайтлари Москвада меҳмонхонага жойлашиш муаммо, биринчи бор кўраётган, таниши ёки ўртоғининг номини тилга олган хамюртига ҳам шинам хона олиб берам, қўроқ туриб қолса, дам олиш кунлари шаҳар ташқарисидида иччамгина дачасида меҳмон қиларди. Туғилиб ўсган шаҳарини соғинар, йилда бир ёз ойлари меҳнат таътилини Фарғонада, қариндошлари, дўстлари даврасида ўтказарди. Юртига келганида Олга Сергеевна иккаласини ҳар кунни биронта оғайнисини уйига ёки тоғлар кўйнидаги баҳаво гўшага тақлиф қиларди. Сўнгги йиллари хотини узок йўл, толиқмаган деб уйда қолар, Фарғонага ўғли билан келиб кетарди.

Руслан мактабни битириб, харбий хизматни ўтаган, Ташкентдаги оғайнилари кўмағида университетнинг юридик факультетига ўқишга жойлади. Бирок у бир йилдаёқ ўқишни ташлади. Москвада ҳар хил ишларга қўл уриб

— Бекорчиман...  
— Бизда сен-боп иш бор, оғайни, — деди Сергей. — Битта черковни ремонт қилаялмиз. Ўттиз-қирқ кишига оёқат қилиб берадиган одам йўқ.

— Арзимаган чойчақағами?

— Ҳўжайин яхши одам. Қўли очик, Кўкига айлантисанг, маошимиз уч юз-тўрт юз атрофида!

— Бўпти, эртага бориб кўраман...

Руслан черковдаги усталарга ошпаз бўлиб ишга жойлашди...

— Лекин охириги пайтларда черковга боргиси келмай қолганди...

Эшик кўнги-роғи жириглаб, Валентинанинг гапини бўлди.

У даҳлизга чиқди. Ортидан йигирма ёшлардаги қора рўмолли ёқимтойгина қиз кириб келди. Терговчини кўриб, кейинроқ келарман деб изига қайтди.

— Руслан севган қиз, — изох берди Валентина уни кузатиб қўйган. — Бир ойдан кейин тўғилари бўладиган эди... — рўмолчаси билан киприклариди

даги тезкор ходимларга уларни топишни буюрди.

— Ижарада турган уйларида ҳеч нарсага тегилмаган, — деди тезкор ходим Николай Васильев. — Жомадонлари, уст-бошлари жойида. Жомадондан паспортларини тоғдик. Қўшнилар тайинли гап айтишолмади. Лекин эътиборга лойиқ томонимам бор. Маълумотлар базасида аниқладик. Григорий Михайлов билан Александр Горбатих судланиб, биттаси бир йил, иккинчиси ярим йил аввал жазони ўтаб қайтишган. Битта колонияда бўлишган. Григорий қотиллиги учун, Александр босқинчилик қилиб қамалган. Иккови ҳам саратовлик.

— Демак, улар иконани алмаштиришга ётганда тўсатдан Руслани кўриб қолишган, — деди Леонид Алексеевич. — Хавотирга тушишган. Гарчи бир неча кун ўтиб ҳам Руслан ҳеч нарса билмагандай юрса-да, барибир айтиб қўяди деб алдаб, қайин-

бўлди.

— Леонид Алексеевич, сизники зижир-тирайтган нарсанга ўқайди, — деди боқхона бошқармасининг суриштирувчиси. — Санкт-Петербургда, портда кемага чиқаётганда ушланган...

Рухоний ота иконани кўриб чўқинди.

— Айнан ўзи.

Сўроқда рафиқаси билан кема саёҳатида отланган сармодвор Евгений Хомяков иконани москвалик нотаниш бир коллекционердан сотиб олганман деди. Унинг қиёфасини тасвирлаб берди. Орадан уч кун ўтиб юзлаштирилганида черковни таъмирлаётган хусусий қурилиш корхонасининг иш бошқарувчисини таниди. Аввал айнан ўша кунлари бошқа шаҳарда хизмат сафаридида бўлганлиги тасдиқлангани туфайли Леонид Алексеевич Михаил Козловни гумонланувчилар сафидан ўчирганди. Ҳўбсга олиб, уйда тинтув ўтказишганида қўшотар ов миллигини топишди. У иш бошқарувчининг номига расмийлаштирилган эди. Экспертиза аниқ ҳулоса берди, Руслани шу миллиждан отиб ўлдиришган. Дастлаб иконани нотаниш одамдан сотиб олганман деб сувдан қуруқ чиқшига уринган Михаил ушбу далилга жўяли изох топилмади.

— Милтиқ меники, лекин мен отганим йўқ...

— Рухоний отанинг оғзидан «Иконани эҳтиёт қилинлар, қадимий, бебаҳо» деган гапни эшитиб, халоватингиз йўқолган. Тажрибали расомга унинг нусхасини ясаптиргансиз. Қўлингизда ишлаётган қурувчилар орасидан Григорий билан



кўрди. Иттифоқ тарқаган дастлабки йиллари Махмуд Акрамович ишдан бўшаб, пенсияга чўкиб олди. Узи ишлаган ресторанга ўғлини ошпазликка жойлади.

— Руслан нимага ишламай қўйган? — сўради терговчи.

— Меҳмонхонага қўлиб ресторани сотиб олган янги ҳўжайинлари билан чиқша олмайди, — деди Валентина.

— Жиддийроқ гап ўтганими?

— Арзимаган нарсаси. Ҳўжайиннинг югурдаги — ресторани директори ҳадеб тергайверган, укам «ол ишини» дебди. Таъби нозик, гап кўтармасди. Лекин дадам билан аямни аярди. Нохуш гапларни билдирмасди. Ичига сифдоролмаса, менга айтарди.

Валентина кечирасиз деб нариги хонага чиқди. Кўз ёшларини артди. Руслан нафақат укаси, энг яқин сирдоши ҳам эди. Эри ичкиликни руку қўйиб, мастлигида қўл кўтариб ҳақоратлаганида инфаркт бўлган она-сига индамай, Русланга кўз ёши қилди.

— Ижарага уй топишганда ажрашардим!

— Викторни уйла, — деди Руслан. — Сен билан отаси ўртасида сарсон бўлиб... Эринг билан ўзим гаплашаман!

— Тагач муштлашиб...

— Ёш боламидим? — қулди Руслан.

Нима қилди, қандай йўлга солди, лекин эри ичкиликни йиғиштириб, бийонийдай бўлиб қолди. «Эҳтимол, ўшанда полвонсифат Руслан холироқ жойда поччасини ўлғудай дўппослаб эсини қирғизган бўлса, поччаси қасдлашиб қолгандир» ҳаёлидан кенди терговчининг.

— Черковда ишлаётганиди, — давом этди Валентина...

...Ўртоғи билан метрода тасодифан қўришиб қолдишди.

— Қорангни кўрсатмайсан, нималар қилиб юрибсан? — сифдошини саволга тўтди Сергей.

дан думалаган ёшни артди. — Светлана ҳам уни жонидан ортиқ қўраркан. Дод деб жасадига ёпишиб олганида зўрга ажратишди. Унга кўча безори-ларидан биттаси ҳам ошқ. Кечаси дискотекадан қайтишганда ўнча мотоциклда йўлларини тўсишди. Юзлари моматалоқ бўлиб кетган Руслан уйга бормади, меникида ётиб қолди. Аммо ўша ошқнинг роза тасвири берибди. Балки ўша...

— Текириб кўрдик, — деди Леонид Алексеевич. — Унича чиққан футбол ишқибози! Ўша кунни Санкт-Петербургдаги уйида бўлган. Боя черковга боргани оёғи тортмай қолди дегандингиз...

— Биринчи маошини Сергей ва унинг иккита ошнасиз билан ювишганини айтганди. Уларни кузатган, негадир черковга кирибди. Қурувчилардан иккитаси ярим кечаси нарвон билан иконани олиб ўрнига боқшасини йиллаётган экан. Нарвон ушлаб турганининг Русланга кўзи тушиб, «реставрацияга...» дебди. Уч-тўрт кундан кейин яна ҳеч нарса бўлмагандай қўнгли жойига тушиб Светланага меҳмон черковга олиб борди...

— Ёндафатрига нималарнидир ёзиб олган терговчи ўрнидан қўзғалди.

— Охириги айтган гапларингиз орамизда қолсин, — деди остонада хайрлашаётиб.

«Икона... Ҳеч қимини ҳаёлига келмаган. Рухоний отанинг ўзи ҳам сезмаган бўлса керак алмаштириб қўйишганини. Руслани икона ўғиллари ўлдиришгани аниқ. Оғзидан гуллаб қўяди деб...».

Леонид Алексеевич черковда ишлаётгани Сергей ва яна бир неча қурувчининг сўроқ қилган, рухоний ота билан суҳбатлашган эди. Дарҳол черковдаги «Авлиё Пётр» иконасини олдириб, экспертизага берди. Уйлаганидек у асил эмас, қайбаки экан. Энди қирққа яқин устанинг ҳар бирини алоҳида сўроқ қилшга киришди. Ҳўзурига келмаган иккитаси эса икки кундан буюни ишда ҳам кўринмабди. Леонид Алексеевич тергов гуруҳи-

зорга бошлаб кириб, ўлдиришган. Усталарни сўроққа чакира бошлаганимизда яширинишган. Бирок, шундай деб фараз қилсак, нега нарсаларини олишмаган деган савол турганиди.

Леонид Алексеевич сигарет тутатди.

— Балки иконани алмаштиришни уларга қимдир буюргандир, — мушоҳадасини давом эттирди у. — «Авлиё Пётр» иконаси — бебаҳо санъат асарини ўтган асрлардан қолган. Чет эллик коллекционерлар пулларини аямий сотиб олишди. Агар ўғилларнинг ортида буюртмачи бор деб фараз қилсак...

— Унда ўғри-ғувоҳлар қотилларнинг ўзини ҳам...

— Шўнинг учун Григорий билан Александр хатто паспортларини ҳам олишмаган, — Николайнинг гапини бўлди Леонид Алексеевич. — Шаҳардаги ҳамма касалхоналарни, моргаларни суриштирилган. Иконафурушларни кўз остига олинглар. Ҳамма боқхона постларини тақдоран оғоҳлантинглар. Нусхасини чизган расомни топанганимизда эди... Мен рухоний ота билан яна бир гаплашиб кўраман.

— Ҳа-ҳа, қурувчиларнинг иш бошқарувчиси иконани сўраб-суриштирганди, — эслади рухоний. — Ноёб, муқаддас... Ёмон ниятда унга қўл урган киши борки, балога грифтор!

Иш бошқарувчининг ишончли алибис бўлиб, жиноят содир этилган кунлари Екатеринбургда хизмат сафаридида юрган эди. Орадан бир ҳафта ўтса-да суриштирув ҳеч қандай натижа бермади. «Авлиё Пётр»нинг нусхасини чизган расом ҳам топилмади. Уликхоналарда иконани алмаштиришда гумонланган қурувчиларнинг жасадни йўқ эди. Леонид Алексеевич боқхона постларида чет элга сафарга отланган бир неча саёҳатдан олиб қўйилган иконаларни кўздан кечирди. Бирок улар бошқа, «Авлиё Пётр» гойиб бўлганди.

Телефон жириглаб, ҳаёлини

Александрни танлаб, аслига нусхасини алмаштириб қўйишни буюрганди. Жиноятга беихтиёр ғувоҳ бўлиб қолган ошпаз йигитни отиб ташлагансиз, — Леонид Алексеевич уни исканжага олди.

— Мен эмас, Григорий тинчитган, — асаб тори таранглашган, қандай бўлмасин айбни бўйиндан соқит қилишдан бошқа нарсани ўйламаётган Михаил Козловнинг оғзидан ўзи ёллаган ўғри ва қотилнинг исми беҳос қилиб кетди.

— Черковдаги қурувчиларни сўроқ қила бошлаганимизда сотиб қўйишларидан кўрибди, Григорий Михайлов билан Александр Горбатихни ҳам ўлдиригансиз. Ўлдириб қўйиб ташлагансиз! Шундай қилиб, жиноят изларини йўқотмоқчи бўлгансиз.

— Григорий билан Александрни Савва гумдон қилган, — деди иш бошқарувчи тагин ўзига гард оқтирмашқанда тиришиб. — Савва тулук ҳеч нарсадан қайтмайди. Мендан олган хизмат ҳақига қоникмасдан икона пулининг ярмини беришни талаб қилди. Бермасам, мени сизларнинг қўлингизга топшириб, ўзи қуён бўлмоқчи эди...


Тезкор гуруҳ Савелий Никоновни шаҳар ташқарисидида дачасида ҳибсга олди. Терговда у илгарни ҳам учта буюртмачи икром этгани аниқланди. Ўрмон ичида Григорий билан Александрни отиб ўлдириб, қўйиб қўйган жойини кўрсатиб берди. Бунга эса айнан ўша миллиқча Григорий иш бошқарувчи Михаилнинг буйруғи билан Руслани қайинзорда икки-уч қадамдан туртиб отган эди. Ўқ овозига тўхтатган катта йўлдаги машинага кўзи тушиб, шеринг Александр билан жасадни қўйишга улгурмай, буталар орасига яширинишганди.

Суддан сўнг «Авлиё Пётр»ни черковга қайтаришди.

...Олга Сергеевна ўша ётганича қайтиб турмади. Муолажаларга қарамай, вафот этди. Махмуд Акрамович ҳафтада бир ўғли ва рафиқасининг қадрларини зўбат қилар эди. Ёлғиз ўғлидан айрилганига бир йил тўлган кунини унинг қабирида жон узулди.



**Тошкент халқаро Вестминстер  
университети бутун Ўзбекистон  
халқи ва меҳмонларини**



**8 декабр — Конституция  
куни билан**

**Самимий муборакбод  
этиди**





қунларида шуни айтмоқчиманки, ҳеч кимга ёмонлик тиламайман», — деб бошланган у. Пиночетнинг фикрича, 1973 йили Салвадор Аленде бошчилигидаги социалистик режимнинг кўпориб ташланиши Чилини Лотин Америкасида етакчи даражага кўтариш,

рал: «...сиёсий вазият ўзгарганидан сўнг тарих биз амалга оширган ишларга тўғри баҳо беришига ишонаман», — деб тугатган.

Баъзи маълумотларга қараганда Пиночет 1973 — 1990-йиллари ҳокимият тепасида турган вақтда мамлакатда 3000

## Бозорлар тартибга солинади

Россия президенти Владимир Путин «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунга ўзгартириш киритиш ҳақидаги қонунга имзо



чекди. Қонун ҳужуматга товарларни сотишни ташкиллаштириш қондаларини ўрнатиш имконини беради.

Ушбу қонун лойиҳаси 2006 йил 3 ноябрда Давлат думаси томонидан қабул қилинган ва Федерация кенгаши уни 15 ноябрда маъқуллаган. Қонунга илова қилинган шарҳда ёзилишича, у маҳаллий товар ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган.

Лойиҳа 2006 йил 24 октябрда думага тақдим этилган. Октябр ойининг бошида эса Путин бозорлардаги улгуржи ва чакана савдони тартибга солиш ва бунда чет эл фуқароларининг иштирокини чеклаш ташаббуси билан чиққанди.

## Пиночетнинг эътирофи

«The Daily Telegraph» газетасида ёзилишича, Чилининг собиқ диктатори Аугусто Пиночет 91 ёшини нишонлаш пайтида сўзлар экан, ўз ҳукмронлиги даврида мамлакатда содир бўлган барча воқеалар учун жавобгарлиқни зиммасига олган. Генерал тутилган кунини Сантяго шаҳридаги уйда ўтказган. Касаллиги сабабли йиғилганларга Пиночетнинг музокаатини хотини Лусия Ириар ўқиб эшиттирган.

мамлакат парчаланиб кетишининг олдини олиш йўлидаги мажбурий қадам бўлган эди.

Диктатор ўз маслакдошлари фаолиятига баҳо бераркан, «...бу инсонларнинг жасурлиги ва қатъияти Чилини минтақадаги энг бой мамлакатга айлантирди. Улар тоталитаризмдан бизни сақлаб қолишди ва мамлакатда демократиянинг галабасини таъминлашди», — деб таъкидлаган.

Ўзининг мактубини гене-

дан ошиқ киши ўлдирилган ва дом-дараксиз кетган. Бу жиноятларни диктаторнинг махфий полицияси (DINA) амалга оширганлиги ҳақида тахминлар бор.

Эслатиб ўтамыз, истеъфога чиққанидан сўнг Пиночетга нисбатан бир неча бор жиноят иши кўзга тилланди. Лекин соғлиги ёмонлиги ва қариллиги сабабли у жавобгарликка тортилмай келарди. 2006 йил 12 октябрда эса Чили апелляция оиди Пиночетнинг дахлсизлик ҳуқуқини бекор қилди.

«Бугун, умримнинг охири

## Муваффақиятли кўниш



«Сибир» авиакомпаниясига тегишли А-310 самолёти Иркутск аэропортига, ҳалокатга учраш эҳтимоли бўлса-да, кўнишга мажбур бўлди. Кўниш арафасида Москва-Иркутск рейси билан учи келган самолётнинг олдинги шассиларидан бири ишла-

маётганлиги маълум бўлган. Фавқулодда кўнишдан 11 нафар экипаж аъзоси ва 184 та йўловчининг бирортаси ҳам жабр кўрмаган.

2006 йил 9 июлда содир бўлган худди шундай воқеада А-310 самолёти ҳалокатга учраган. Кўниш траассасидан чиқиб кетган самолёт аэропорт тўсиғи ва ташқаридаги гаражларга бориб урилган, 203 та йўловчининг 124 нафари ҳалок бўлганди.

## Маълумотлар тасдиқланмади



Буюкбритания ички ишлар вазири Жон Рейд жамоатчиликни Россия махсус хизматининг собиқ ходими Александр Литвиненконинг ўлими сабабларига оид турли овозларга ишонмасликка чақирган.

Рейднинг мамлакат парламентиغا йўллаган музокаатида айтилишича, жамоатчилик учун ҳеч қандай хавф йўқ. Литвиненконинг ўлимида Россиянинг қўли борлиги ҳақида ОАВда пайдо бўлган хабарларга тўхталар экан, у шундай деган: «Ҳозирча ушбу шахснинг ўлимида учинчи томоннинг иштироки мавжудлиги ҳақида менга полициядан ҳеч қандай маълумот келиб тушгани йўқ».

Айни пайтда, деб хабар беради AFP, душанба кuni кечқурун Жон Рейд Литвиненко 1 ноябр кuni ташриф буюрган жойларда радиотизим модала қондилари топилганининг расмий равишда тасдиқлаган. Эслатиб ўтамыз, Литвиненко ўша кuni италян миллатига мансуб алоқачиси билан учрашиш учун «Itsu» суши-барига бўлган. Шундан кейин собиқ кўриқчис Дмитрий Ковтун билан гаплашиш мақсадида меҳмонхоналардан бирига борган.

Шунингдек, радиоктив заҳарланиш излари Вест-Энддаги иккита офисда ҳам топилган. Улардан бирида россиялик таниқли бизнесмен Борис Березовскийнинг идораси жойлашган. Офисда радиация белгилари топилган, талбиркор ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан сўроқ қилинган. Березовский журналистларнинг саволларига жавоб беришдан бош тортиган.

Литвиненконинг яқин танишларидан бири, Фуқаролар ҳуқуқлари фонди бошлиғи Александр Голдфарм ҳам терговга чақирилиб, собиқ ФСБ ходими ўлимнинг сиёсий томонлари ҳақида саволлар берилган. Шунингдек, Александр Литвиненко ўлими арафасида берган баёнотда келтирилган важлар ҳам муҳокама этилган.

Шу кунларда британиялик бир гуруҳ ҳуқуқ-тартибот органлари вакилларининг Москвага келиши қўтиломқда. Сафар мобайнида улар икки нафар Россия фуқароси билан сўхбатлашиши кўзда тутилган. Улардан бири Андрей Луговойдир. Баъзи маълумотларга қараганда исм-фамилияси номаълум бўлган иккинчи шахс билан Литвиненконинг учрашувини ташкиллаштириш учун Луговой Лондонга келган эди. Улар 1 ноябр кuni «Millennium Hotel»да собиқ ФСБ ходими билан музокара олиб борганидан кейин Литвиненко заҳарланиш белгилари билан касалхонага келтирилган.

## Сертификатлар қалбакилаштирилганми?

Полшанинг Ички хавфсизлик агентлиги ходимлари Россияга экспортга чиқарилган гўштининг сертификатларини қалбакилаштириш факти юзасидан суриштирувини бошлади. Бунда келиб чиқши россиялик бўлган бизнесмен Ромуалд Робачевский гумон қилинмоқда. Айнан у Полшанинг бош санитар врачига шундай сохта ҳужжатларни тақдим этган.

Масаланинг моҳияти шундаки, Полшадан келтирилаётган гўшларда зарарли моддалар топилгани учун Россия унинг импортини таъқиқлаб қўйган, ўз навбатида Полша ноябр ойининг ўрталарида Россия-ЕИ ўртасидаги янги келишув юзасидан музокара бошланишига вето қўйганди.

Таъкидлаш жоизки, Россия Полшадан гўшт харид қилмаётгани боис поляклар кунига бир миллион еврога яқин фойдадан қурқ қолишяпти.

## Самолёт уриб туширилди

«Reuters» агентлигининг хабар беришича, Ироқда «F-16» қирувчи самолёти уриб туширилган. Мамлакатдаги иккита жангари гуруҳбу иш учун жавобгарлиқни зиммасига олган. Интернет-сайтлардан бирида пайдо бўлган хабарларга қараганда, бу «Муҳождлар армияси»нинг беғуноҳ ўлдирилган ўнлаб ироқликлар учун қасосидир. Пентагоннинг бу баёнотга нисбатан фикри ҳозирча номаълум. Олдинроқ Америка ҳарбийлари самолёт жанговар вазифани амалга ошириш вақтида ҳалокатга учраганлиги ҳақида маълум қилганди. Лекин улар ҳалокат сабаблари ва учувчиларнинг тақдир ҳақида ҳеч нарса дейишмаган.



Бошқа манбаларга қараганда «F-16» самолёти Анбар вилоятида уриб туширилган. Учувчи эса ҳалок бўлган. Душанба кuni, шунингдек, АҚШ ҳарбий ҳаво кучларига тегишли учта вертолёт ҳам ҳалокатга учраган.

Эквадорнинг янги президенти Рафаэл Корреа АҚШ билан мамлакат фарбидаги ҳарбий база ҳақидаги шартнома мuddати узайтирилмаслигини таъкидлаган. Шартнома 1999 йили ўн йил мuddатга имзоланганди. Унда Тинч океани бўйидаги Манта шаҳри яқинидаги «Eloy Alfaro» лагерига

## Рим папасининг Туркияга ташрифи

«The Times» газетасининг ёзишича, Туркияга расмий ташриф билан келган Рим папасининг хавфсизлигига катта эътибор қаратиломқда. Хусусан, кийими ичидан бронезилет кийиб, броняланган автомобилда юради.

Кuni кеча Туркияга келган меҳмоннинг хавфсизлигини таъминлаш учун қўшимча чора-тадбирлар ҳам қўлланмоқда. Қўриқлаш ишига махсус ҳарбий бўлирма жалб қилинган. Папа юрадагин кўчаларга кузатув камералари ўрнатилиб, вертолётлардан назорат ташкил этилган. Бинолар томига снайперлар жойлаштирилган.

Бундай чоралар кўрилишига Рим папасининг ташрифига қарши Туркиянинг Истамбул ва бошқа шаҳарларида бўлиб ўтаётган намоийишлар сабаб бўлган. Уларда минглаб кишилар папани ислом динини ҳурмат қилмасликда айб-ламоқдалар.

Эслатиб ўтамыз, муулмонларнинг норозилигига Бенедикт 16-нинг сентябр ойида Германияда қилган маърузасида ўрта асрларга оид, Муҳаммад пайгамбар танқид қилинган матндан иқтибос келтиргани сабаб бўлган.

америкалик ҳарбийлар жойлашиши белгиланганди. Ушбу ҳарбий база Вашингтон учун наркотиклар контрабандаси билан шуғулланувчи гуруҳларга қарши курашда асосий таянч нуқтаси бўлиб келган. Корреанинг баёнотида қараганда, 2009 йили шартнома мuddати тугагач, база ўрнида улкан халқаро аэропорт қурилади. У орқали Осиё,

## Ҳарбий база ёпилагу

Австралия қитъалари билан ҳаво алоқалари ўрнатилиши мўлжалланапти.


Сўл қарашлари билан машҳур бўлган Корреа ашканба кuni ўтказилган президентлик сайловида асосий рақиб бўлиши банан магнати Алваро Нобоадан 37 фоиз кўп овоз тўплаган.

## Аскарлар Ироқни тарк этади

Италия бош вазири Романо Проди 2006 йил 1 декабрда италиялик аскарлар Ироқни батамом тарк этишини таъкидлаган. Полша президенти Лех Качински 900 нафар поляк аскарлари ҳам 2007 йил охиригача Ироқдан чиқиб кетишини баён этган. Буюкбритания ҳукумати ҳам Ироқдаги 7000 кишилик контингентнинг бир қисмини кейинги йил охиригача мамлакатдан олиб чиқишни мўлжалламоқда.

## Россия иқтисодиёти ўсадими?

Россиянинг ЯИМ ҳажми ўсишини ҳозирги даражада сақлаб қолиш учун қўшимча инвестициялар тақозо этилади. Ривожланиш ва иқтисодий ҳамкорлик халқаро ташкилотининг маърузасида шундай дейилган. Мутахассислар капитал қўйилмаларнинг ўсишига қарамай инвестициялар миқдори унчаллик катта эмаслигини алоҳида қайд этишган.



Маълумотларга қараганда ҳозир кўпгина тармоқлар молиявий етишмовчилик сабабли етарли даражада ривожланмай турибди. Шунга қарамай 2003 йилдан бери иқтисодий ўсиш ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳаларидаги туб ўзгаришлар ҳисобига таъминланаяпти.

2000 — 2003-йиллари давлат асосан нефть ва газ экспортидан катта даромад олган.

2000 — 2003-йиллари давлат асосан нефть ва газ экспортидан катта даромад олган.

## Нефть нархи ошди

Дунё товар-хонашў биржаларида яна нефтининг нархи кўтарилган. Ўтган ҳафта бўлиб ўтган савдоларда бир баррел нефтининг нархи 60 доллардан ошиб кетган. Лондондаги ICE биржасида бўлиб ўтган фючерс шартномасини тузишга оид савдоларда унинг нархи бирданга 75 цент қўшилган. Бунга Қатар нефть вазирининг ОПЕК нефть қазиб олишга доир квоталарни чеклаши мумкинлиги ҳақида чиқиб қилганлиги туртки бўлган. Бундан ташқари, Нигерия қанча нефть экспорт қилиши хануз номаълумлигича қолмоқда.

Дунё товар-хонашў биржаларида яна нефтининг нархи кўтарилган. Ўтган ҳафта бўлиб ўтган савдоларда бир баррел нефтининг нархи 60 доллардан ошиб кетган. Лондондаги ICE биржасида бўлиб ўтган фючерс шартномасини тузишга оид савдоларда унинг нархи бирданга 75 цент қўшилган. Бунга Қатар нефть вазирининг ОПЕК нефть қазиб олишга доир квоталарни чеклаши мумкинлиги ҳақида чиқиб қилганлиги туртки бўлган. Бундан ташқари, Нигерия қанча нефть экспорт қилиши хануз номаълумлигича қолмоқда.

## «Байкал-сити»нинг қурилиши чўзилади

Ҳамма мавсумларда бирдай фаолият кўрсатувчи «Байкал-сити» сайёҳлик мажмуасининг қурилиши йигирма йилга чўзилиши мумкин. Иркутск вилояти маъмурияти матбуот хизматининг маълумотларига қараганда, лойиҳага мувофиқ «Байкал-сити»га Хитой, Корея, Япония ва Осиё-Тинч океани минтақаси давлатларининг сиёсий идоралари жойлаштирилади. Бундан ташқари мажмуадан анжуманлар зали, савдо ва бизнес марказлари жой олади. Мажмуада тоғ-чанги курорти, акваариум, аквапарк ҳам мавжуд бўлади. Марказ яқинида хизмат кўрсатувчилар учун кўп қаватли уйлар, куттежлар ҳам қурилиши мўлжалланган. Лойиҳанинг умумий қиймати 16,6 млрд. рублни ташкил этади.

## Турфа олам, турфа одамлар

### Қимматга тушган ҳазил

Ҳазил-хузул ҳаётнинг гаши. Аммо унда ҳам метёр ва самимият бўлмаса оқибати зил бўлиши мумкинлигини дос-анжлеслик учоғайни ўт учирувчи ҳеч қачон унутмасалар керак. Сабаби, улар ўзларининг қора танли ҳаммаси Тенни Пирсга қилган совуқ ҳазиллари учун нақд 2,7 миллион доллар компенсация тўлайдиган бўлишди.

«The Los Angeles Times» газетасининг ёзишича, воқеа бундай бўлган: тушлик пайти Пирснинг бироз чалгитганидан фойдаланиб ҳамкасблари унинг овқатига итлар учун тайёрланган консервани аралаштириб юборишган. Ҳеч гапдан хабарсиз Пирс эса шерикларининг кўз ўнгида бу таомни паққос туширган. Ҳаммаси шундан кейин бошланган. Уч ҳамкасби бу воқеани бошқаларга ҳам айтиб, унинг устидан қулиб юришган. Уни кўрган шериклар итга ўхшаб хуришган, давраларда итлар консервасининг мазаси қанақалигини ўрайвериб уни изза қилишган.

Шу тариха орадан бир йил ўтган, безор бўлган Пирс учала ҳамкасбини судга берган. Даввосида Пирс бу ҳазилни ирқий камситишга олиб бориб тақанган.

Иш унинг фойдасига ҳал бўлди: Пирс нафақат 2,7 миллион долларга эга бўлган, шу билан бирга келаси йилнинг апрелига қадар иш ҳақи сақланган ҳолда таътилда юриш ҳуқуқини ҳам қўлга киритган.

### Қуролланган ижогкор

Ўтган жума кунига қадар Майамидаги «El Nuevo Herald» газетаси ўқувчилари Хосе Барелани карикатурачи рессом сифатида билишар эди. Уша кун қўлида автомат билан тахририятга кириб келган Хосе Барелани кўрган журналистлар кўз очиб юмгунча бинони тарк этишга улгурилгандир деб ўйлашнинг мумкин. Жудаям унчалик эмас. Улар пайтдан фойдаланиб интернет орқали воқеалар ривожини ёритиб боришга ва шу тариха яхшигина қалам ҳақи ишлаб олишга киришиб кетишган. Газета бош муҳаррири билан очикчасига гаплашиб олишга қарор қилган карикатурачи икки соатлик музокарадан сўнг полицияга таслим бўлган.

AP агентлиги тарқатган маълумотда айтилишича, Хосе Барела «El Nuevo Herald» бош муҳарририни унинг асарларини цензура қилишда айблаган. Жангари карикатурачини қандай жазо кутаётгани ҳозирча номалум.

Эслатиб ўтаем, «El Nuevo Herald» газетаси АҚШдаги испан тилидаги энг йирик нашр ҳисобланади.

### Футбол ва жоду

Шу йили ёзда Германияда бўлиб ўтган футбол бўйича жаҳон чемпионатининг 1/8-финалида Эквадор терма жамоаси Англияга қарши майдонга тушишдан олдин жодугар хизматидан фойдалангани ҳақидаги шов-шув ҳали кўпчиликнинг ёдидан чиқмаган бўлса керак. Унинг натижаси ҳам ишқибозлар эсида тургандир. Ушундан кўпчилик бунга шунчаки қулиб қўя қолган эди.

Аммо сеҳр-жоду кучига ишонадиган африкаликлар бу воқеага жиддий қараганлари аниқ.

Яқинда Танзания футбол федерацияси маҳаллий «Янга» ва «Симба» футбол клубларини ўзини чоғида жодудан фойдаланганликда айблаб, иккала клубга ҳам 500 доллардан жарима солди дея хабар тарқатди «BBC News».

Мамлакат чемпионлиги учун ҳал қилувчи ўйин олдида ҳар иккала жамоа ўйинчилари майдонга ниманидир кўмиб қўяётганини сезиб қолган репортёрлардан бири бу вазиятни суратга олиб қолишга муваффақ бўлган. Бундан ташқари футболчилар майдонга махсус йўлақдан эмас, томошабинлар кирадиган йўлақдан киришгани ҳам кўпчиликда шубҳа уйғотган.

Маълум бўлишича, ҳал қилувчи ўйиндан олдин ҳар иккала клуб шаман ёллаб, рақиб жамоага қарши жоду қўлаган. Шу сабабдан ҳам футболчилар жоду зонасига кириб қолмаслик учун майдонга бошқа йўлақдан кириб келишган.

Бу икки ашаддий рақиб жамоа 2003 йилда ҳам худди шу айблов билан жаримага тортилган эди.

Танзанияда шаманларга ишониши ва уларнинг жодусига таъиниш кенг тарқалган одат бўлиб, бу миллионлар ўйини бўлган футболда ҳам ўзини намойён қилмоқда. Маълумотларга қўра, мамлакат футбол клублари халқаро мусобақаларга ҳам ёлланма шаманлари билан ташриф буюришга одатланиб қолишган.

Кимнинг нимага ишониши ўз йўлига, аммо спорт ўйинларига ҳам сеҳр-жодуни аралаштириш бориб турган фирромликдан бошқа нарса эмас дейди федерация раҳбарларидан бири.

ШАВКАТ тайёрлади.

## Тўйхат ўрнида

### Табаррук ёшингиз билан!

**Ҳурматли Тамара Лукинична!**  
Ўзбекистон Бош прокуратураси ва фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази Сизни муборак етмиш ёшингиз билан чин дилдан табриклайди.

Прократура органларидаги кўп йиллик хизмат фаолиятингиз давомида Сиз виждонан меҳнат қилиб, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларни давлат томонидан кафолатланган конституциявий ҳуқуқларини муҳофазаси қилишга катта ҳисса қўшдингиз.

Сизни ҳалол, пок, виждонли ҳамда прокуратуранинг ҳар бир топшириғига «лаббай» деб турадиган ходим сифатида биламиз, эъозлаймиз ва ҳурмат қиламиз.

Панд-насихат қилиб, тўғри йўлни кўрсатиб, виждонан ишлагани ўргатган шогирдларингиз ҳозирги кунда прокуратура органларида самарали меҳнат қилмоқдалар.

Хизмат фаолиятингиз давомида кўрсатган жонболикларингиз прокуратура органлари раҳбарияти томонидан тегишлича тақдирланган.

Муборак ёшингиз билан табриқлай туриб, Сизга узок умр, соғлиқ-саломатлик, бахт-саодат тилаймиз.

**Республика Бош прокуратураси жамоаси ва фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази**



## Киноя

### Трамвай синдроми



Унинг учун олий аъмоли бўлганда намойён бўлади. Нима эмиш, фақат трамвайгина оддий халққа хизмат қилар эмиш.

Нима десам экан, бу одамнинг ўзини ҳам трамвайдан бошқа нарсага ўхшатиш қийин. Бу билан унинг мавқени шубҳа остида қолдириб, пастлатмоқчи ҳам, кўтармоқчи ҳам эмасман. Бор-йўғи уни ҳар сафар кўрганимда кўз олдимга унча эски бўлмаган трамвай келаверида. Нима бўпти, трамвай энг беминнат улов, бундан ташқари ҳали замонадан ҳам унчалик орқадан қолгани йўқ. Трамвай билан киши бемалол шаҳарнинг у бошидан бу бошига бориб келиши мумкин.

Аммо трамвайнинг ўзи учун дунё деганларни мана шу темир издан бошқа нарса эмас. Худди ҳовузчадаги балиқ дейсиз. У темир издан ташқарида бир қалам ҳам юра олмаса-да, ўз мавқенин троллейбусдан анча баланд санашини яшириб ўтирмайди.

Унинг зуваласи трамвайники сингари темирдан гўё. Ягона мақсади ҳам темир издан чиқиб кетмаслик. Уни ана шу темир излар ва трамвайчи амаки ёки хола бошқарди. Боради, келади, тўхтайди, буларнинг бари унинг ихтиёрсиз юз беради. Ҳатто у ўз ихтиёри билан тезроқ юриш ёки қаттиқроқ «тарақ-туруқ» қилишга ҳам жўрат қилолмайди. Елкасига одам деганининг атиргул кўтаргани чиқадими ёки кўппак етаклагани чиқадими, унга фарқи йўқ. Темир издан боради, келади, трамвайчи амаки ёки хола ўнгга бурса ўнгга, чапга бурса чапга юраверади. Ҳар замонда унинг йўлини темир лўм билан у ёқ-бу ёққа алмаштириб туришадими, бу ҳодисани у ўзи учун ҳақиқий янгилиниш деб билади.

Бу одам баъзида ўзини автобус ўрнида тасаввур қилиб кўради-ю, ўз хаёлидан ўзи кўрқиб кетади. Ахир трамвай бўлиб яшаш автобус ёки троллейбус бўлиб яшайдиган минг чандон осон-да!

У жуда яхши билади: темир издан бориб келавериб, бир кун шалоғи чиққач, уни бу издан олиб ташлаб, ўрнига бошқа трамвайчани қўйишди. Лекин ўшангача бироз «кира ҳақи»дан йиғиб қолиши керак. Бу унинг яқка-ю ягона мустақил фикри.

Ҳар доим бир хил мақомдаги тарақ-туруғидан ички дунёсини билди бўлмайди. Унга шуниси маълум, ахир атрофдагиларга сир бериш темир издан чиқиб қолиш билан баробар-да унинг учун. Тўғри, унинг темир издан чиқиб қолиши жамият учун ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмаслиги мум-

кин, аммо унинг учун... Нега тушунмайсиз, айтдим-ку у темир издан ташқарида бир қалам ҳам юролмади деб. Юриш у ёқда турсин, бор бўйи билан ағдарилиб, қисмлари ҳар тарафга сочилиб кетиши ҳам ҳеч гап эмас. Ана шунда ихлос қилиб юрган «трамвайчалар»га унинг бир уюм, жўнгина темир-тераск эканлиги, биронта ҳам мукамал жихати йўқлиги аён бўлиб қолади-ку.

Унинг учун Достоевский телба, Бехбудий мутаассиб, Шавкат Раҳмон пантуркист. Юзлаб ёшларни қалам қоралашдан бездирган эски трамвай эса ҳақиқий эркинлик ва комиллик намунаси.

Туркистон истиқболи, миллат манфаати, юрт тараққиёти ҳақида куюниб гапирётган ҳамкасбини истеҳзо билан тинглаб туради-турдида, «Мен, масалан, трамвайлигимдан ҳечам нолимайман» деганга ўхшаб гап қилади. Дод дегингиз келадими-ю, лекин унинг гапига эътироз қилолмайсиз. Унга қойил қолмай илож йўқ; у жамиятга ўз ўрнини ўз вақтида ва жуда аниқ-тиниқ билиб олган. Ахир унинг бор салоҳияти трамвай бўлишдан ортинга етмасли-да.

Ўтган кун трамвайда кета туриб, тушишим керак бўлган бекардан ўтиб кетибман. Уйлаб қолдим: айб мендами ё трамвайда? Айб ўзимда, албатта. Демак, трамвайда айб йўқ, одамлар трамвайга бемалол ишониши мумкин, шундайми?

Агар мен ҳам бир кун «трамвай синдроми»га йўлиқсам, менга ишонасизми?

Шавкат ЁДОРОВ

## ФАКТ

- ◆ Инсон мияси бирор предмет ёки қиёфани таниб олиши учун 1/20 сония кифоя қилар экан.
- ◆ Лас Вегас қимороналарида биттаям соат тополмайсиз.
- ◆ Бир одам бир йилда ўртача 750 литр сув ичар экан.
- ◆ Бир куб ёғочдан ярим миллион донна тиш қовлагич ясаса бўлар экан.
- ◆ Одам қўл бармоқларидаги тирноқлар негадир оёқниқига қараганда тўрт баравар тез ўсар экан.
- ◆ Ўртача умр кўрган одам ҳаёти давомида 40 тонна озиқ-овқатни еб юборар экан.
- ◆ Инсоннинг ҳид билиш хусусияти акуланиқидан анча орқадан экан. Яъни, инсоннинг ҳид билиш рецептори 5 кв. см.га, итники 65 кв.см.га, акуланики эса 155 кв. см.га тенг экан.
- ◆ Устма-уст 100 чашка қаҳва ичган одам ҳаёт билан хайрлашаверса ҳам бўлар экан.

## Ўтганларнинг охирати оёб бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокуратураси жамоаси Термиз транспорт прокурори ёрдамчиси Баҳодир Мамадовага наҳси

**ХУРИНСО** аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Андижон вилоят прокуратурасининг бўлими бошлиғи Бекмухаммад Аҳмадалиевга пададри бузрукчови

**ПАТИЙДИН** отанинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билан қилади.

## Huquq

yuridik gazeta

**Та'сисчи:**  
**О'zbekiston Respublikasi Bosh prokuratori**

### Bo'sh muharrir vazifasini bajaruvchi:

**Jahongir MAKSUMOV**

### Tahrir hey'ati:

Yusupboy G'OIPOV, Bahridin VALIYEV,  
Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK,  
Sherzodxon QUDRATXO'JAYEV, Fozil MAMASHARIPOV (mas'ul kotib)

### Tahririyat manzili:

Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 133-98-82, 133-10-53.  
E-mail: info@huquq.uz.  
Faks: 133-64-85, 133-10-53.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 023-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi - 231

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalarga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib o'stiligida «HUQUQ» dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tjorat ahamiyatiga molik materiallar \*\* belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma G - 1256. 12 542 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: **Sh.YODGOROV**

Musahhah: **A.MUSTAFOYEVA**

Gazeta «Sharq» NMM bosmaxonasi ofset usulida chop etiladi. Korxonamanzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 21.00. 1 2 3 4 5 7 8

**Gazeta haftaniga chorshanba kunlari chiqadi.**

**Sotuvda erkin narxda**